7. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Касб таълим методикаси методик қўлланма. -Т.:ТДПУ, 2006. 48 б.
8. Шарипов Ш., Абдураимов Ш. Касб таълими методикаси фанидан лаборатория машғулоти учун методик қўлланма. -Т: ТДПУ, 2007. 147 б.



# I. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

## 1-мавзу: «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ»НИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ – 2 соат

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўрта махсус касб-хунар таълимига қўйилган талаблар.
2. Касб таълими методикаси фанининг бошқа касбий таълим фанлари билан алоқалари.
3. Касб таълими методикаси фанининг тадқиқот методлари.
4. Касб-хунар таълимининг тарихий шаклланган анъаналари.

### **Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўрта махсус касб-хунар таълимига қўйилган талаблар.**

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 9-сессияси 1997 йил 29-августда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу қонун ва дастур таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган бўлиб, таълим соҳасини ривожлантириш йўлларини белгилаб берган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг мақсади фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», давлат таълими стандарти ва ўқув режаси каби меъёрий ҳужжатларда бугунги кунда ёш авлодга таълим-тарбия беришга қўйилган талаблар ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатларда чуқур билимли, эркин фикрловчи, ўзида юксак инсоний фазилатларни мужассам этган баркамол шахсни тарбиялаш биринчи галдаги вазифа этиб белгиланган. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

**шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

**давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

**узлуксиз таълим** – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

**фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

**ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар

таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил туридир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

**Академик лицей** давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соқалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

**Касб-хунар коллежи** тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг тананганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

#### **Касб таълими методикаси фанининг бошқа касбий таълим фанлари билан алоқалари**

«Касб таълими методикаси» фани талабаларнинг педагогика, психология, умумкасбий ҳамда махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга тадбиқ этиш, касб – хунар коллежларида умумкасбий ва махсус фанлари бўйича дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек, уларга оид режалаштирувчи ҳужжатлар мазмуни билан таништирувчи, уларни тайёрлашни ўргатувчи фан бўлиб ҳисобланади. У ўз олдига ҳар томонлама баркамол ривожланган, ҳозирги замон руҳида тарбияланган, бозор иқтисодиёти даврида таълим-тарбия ишини ташкил этиш ва уни амалга оширишга оид долзарб муаммоларни ижобий ҳал эта оладиган, миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни чуқур ҳис этиб, уларни таълим-тарбия мазмунига сингдира оладиган шахс – касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш билан боғлиқ аниқ мақсадни кўяди.

«Касб таълими методикаси» фани қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

- педагогик-психологик билимларни умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш жараёнида тадбиқ этиш;
- педагогик-психологик билимлар, бевосита танланган соҳаларга ва янги педагогик, ахборот технологиялари асосида методик муаммоларни ҳал этиш;
- касб таълимини ўқитишни ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш методикасини (ҳар бир касбга ўргатишнинг мазмуни ва ўзига хослигини минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда) ўргатиш.

“Касб таълими методикаси” психология билан узвий боғланган. Билиш жараёни ва ақлий ривожланиш психологияси ўқув устахоналарида турли буюмларни техникавий лойиҳалаш ва моделлаш жараёнида ўқувчиларда техник фикрлаш ҳамда конструкторлик қобилиятини шакллантириш учун асос ҳисобланади. Психология ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириши, меҳнат малакалари ва кўникмаларини ҳосил қилиши, уларда мустақиллик ва меҳнатга ижодий ёндашиш ҳиссини ривожлантириш қонуниятларини очиб беради. Бу ўқув устахоналарида ўқув-тарбия ишларини тўғри ташкил этишда катта аҳамиятга эгадир.

“Касб таълими методикаси” одам анатомияси ва физиологияси фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Мазкур икки фан инсоннинг биологик моҳиятини тушунишда база бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, касб таълими дарсида ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкил қилиш учун ўқитувчи ўқувчи организми ўсиши ва ривожланишининг биологик қонуниятларини билиши керак. Бу инсоннинг руҳий шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини очиб берадиган ёш физиологияси ва одамнинг олий нерв фаолияти физиологияси курсида ўрганилади.

“Касб таълими методикаси” ўқув меҳнати гигиенаси билан ҳам боғлиқ бўлиб, у ўқув устахоналарида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқитиш ҳамда тарбиялашнинг санитария-гигиена шароитларини ўрганади. Ҳар бир гигиена шароити яратиш (ёруғлик, озодалик, вентиляция), ўқувчиларнинг иш ўрнини тўғри ташкил этишга, зарур асбоблардан, меҳнат усулларидан фойдалана билишга ўргатиш – касб таълими ўқитувчиси амалга ошириши ва ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган асосий масалалардир.

### **Касб таълими методикаси фанининг тадқиқот методлари**

Касб таълими муаммоларига қаратилган илмий изланишлар ўтказишдан мақсад ўқитиш ва ўргатишнинг, самарали методларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, техник воситаларни қўллашга доир масалаларни ечишни ўрганишдан иборатдир. Илмий изланишлар олиб бориш учун ўқитувчида фаннинг мазмунини чуқур билишни талаб этилади. Кўпчилик бўлажак педагоглар талабалик вақтларидаёқ педагогик изланишлар билан шуғулланадилар. Фан бўйича методик кўрсатмалар, макетлар, мустақил ишлар учун материаллар тайёрлайдилар. Илмий анжуман ва семинарларда маърузалари билан қатнашиб, ўзларининг педагогик маҳоратларини ошириб борадилар.

Илмий педагогик изланишлар жараёнини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчининг адабиётларни ўрганиш ва амалий ишлар асосида муаммоларни аниқлаши.

Ўқитувчи адабиётларни ўрганиш давомида қуйидагиларни аниқлаши керак.

- ўрганилаётган муаммо тўғрисида адабиёт муаллифининг фикр-мулоҳазаси;
- ўрганилаётган муаммо тўғрисида усуллардан фарқли равиш киритган таклифлари;
- адабиётларда қайси асосий масалалар ёритилмагани;
- муаммони ечиш учун олиб бориладиган изланишлар.

Қуйидагилар ўқитиш жараёнида юзага келадиган муаммолардир:

- ўқитувчи дарс жараёнида дуч келадиган қийинчиликлар;
- камчилик ва қийинчиликларнинг юзага келиш сабаблари.

2. Ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш. Далилларни таққослаш орқали асосланган таклиф берилади.

3. Изланиш натижаларини расмийлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш.

Махсус фанларни ўқитиш методикасида илмий изланишларнинг умумий ва махсус усуллари қўлланилади.

Умумилмий усулларга назарий изланиш, кузатиш, суҳбат ва тадқиқотлар киради.

Ушбу усуллардан ташқари касб таълимида махсус эмпирик усуллардан ҳам фойдаланилади.

Касбий педагогикада тадқиқотнинг махсус эмпирик усуллари кенг тарқалиб, унда ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга йўналтирилган асбоб-ускуналар ва аппаратлар объектив миқдорий катталикларни олиш мақсадида қўлланилади.

Тадқиқотнинг махсус эмпирик усулларини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Иш-ҳаракатларининг натижавий тафсилотини ўрганиш (ҳаракатларни аниқ бажариш, сарфланадиган вақт, иш унуми);
2. Биомеханик усуллар;
3. Психофизиологик усуллар.

## **Касб-хунар таълимнинг тарихий шаклланган анъаналари**

1920 йил ўқитишнинг комплекс, бироз кейинроқ эса лойиҳа тизими пайдо бўлди. Лойиҳа тизимига биноан математика, химия, биология ва бошқа ўқув фанларига оид билим элементлари ўқувчиларга бериладиган меҳнат топшириқлари атрофига гуруҳлаш бошланди. Масалан, боғда ўра қазил топшириғини олган ўқувчилар уни бажариш учун қанча тупроқ чиқариб ташлашни ҳисоблашлари (математика), ўра контурини белгилашлари (чизмачилик), тупроқ характери билан тан олишлари (география) керак эди.

1932 йилда бошланғич ва ўрта мактабларининг ўқув дастурлари ва режими тўғрисидаги қарорларда фан асосларини фанли ўтиш ишланди. ўқув режасига бошқа ўқув фанлари билан бир қаторда меҳнат таълими ҳам мустақил фан бўлиб кирди. 1937 йилда мактабларда мустақил ўқув фани сифатидаги меҳнат таълими тугатилди. 1952 йил меҳнат таълимига жамоатчилик эътибори қаратилди. Мактабда политехник таълим ва меҳнат тарбиясини ривожлантиришни зарурлиги кўрсатилди. 1954 йилда меҳнат таълимини ўрта мактаб ўқув режасига ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтириш воситаларидан бири сифатида киритилди.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги 203 – қароридан умумий ўрта таълимнинг дастурлари:

- ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, асосий ўқув илмий ва умуммаданий билимларни шакллантиришни;

- ўқувчиларда меҳнат кўникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф-оламга оғли муносабатни ҳосил қилишни;

- миллий ва умумбашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашни, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантиришни;

- 1-9-синфлар ўқув дастурларининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидаги ўқитиш дастурлари билан ўзаро узвий боғланишини таъминлашни лозим.

Ўрта Осиёда ёшларга меҳнат таълими беришни йўлга қўйилишида шарқ мутафаккирларининг педагогик ғоялари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Фаробийнинг инсоний фазилатлар тўрисидаги таълимотидан қуйидаги муҳим хулосаларга келиш мумкин:

- инсон ўз моҳияти билан ижтимоийдир, яъни жамиятда, ўзаро муносабат, ўзаро ёрдам жараёнида инсон бўлиб етишади. Бу жамият инсонларнинг ўзаро бирикуви ёрдамида инсоннинг ўз моддий эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши натижасида вужудга келади ва жамиятдан ташқарида, инсонлар жамоасидан ажралган ҳолда, ўзаро ёрдамсиз ўз эҳтиёжларини қондира олмайди.

- Инсон ўзининг барча туғма қобилиятларини юксак камолотга эришув етук билиш мукамалликка эришув учун сарф қилади ва бу йўлда ўзини қуршаган табиат ҳодисаларидан фойдаланади, уларни ўзига хос бўйин сингдиради, бунинг учун илм-фанни, турли ҳунарларни ўрганади.

Фаробий шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига жуда эътибор бериб, инсоний фазилатларга эришув, олий мақсад ва камолотга етишув йўлида таълимда, меҳнат ва ақлий тарбияга эга масъулиятли ва муҳим ўрин ажратади.

Ал-Хоразмий, Ал Розийларнинг педагогик қарашларида ҳам жамиятнинг ривожланишида таълим-тарбиянинг ўрни ёш авлодларни тарбиялашда касб-хунар эгаллашнинг, ҳунармандчиликнинг ижобий таъсири инсонларнинг кундалик ҳаётини эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилишлари зарурлигини тарғибот қилганлар.

IX-XII аср ўрталарида турли фан соҳаларида кенг кўламда ривожланиш инсоният тарихида буюк энциклопедик ҳисобланадиган олимлар билан боғлиқдир.

Ибн Синонинг таълим-тарбияга оид фикр-улоҳазалари унинг бизгача етиб келган жуда кўп асарлари орасида тарқоқ ҳолда сақланиб қолган.

Ибн Синонинг тавсия қилган тарбия ва таълими қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Ақлий тарбия
2. Жисмоний тарбия
3. Эстетик тарбия
4. Ахлоқий тарбия
5. Меҳнат тарбияси (хунар ўргатиш)

Ибн Сино шуни ҳам алоҳида уқтирадики, оила аъзоларининг ҳаммаси шуғулланиши зарур, бирор киши сабабсиз ишсиз юрмасин. Ибн Синонинг барча жамият аъзоларининг ишлаб чиқариш меҳнати билан шуғулланиши кераклигини талаб этади. Хунарманд деҳқонларнинг меҳнатини улуғлади ва жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказадиган кишиларни қаттиқ қоралайди.

Ибн Сино фикрича болага маълум бир касб-хунар ўргатиш зарур. Бола касб-хунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан кейин уни ўша пайтлардан бошлаб ўз касб-хунаридан фойдаланиши ва мустақил ҳаёт кечиришни ўргатиш лозим.

Беруний мамлактнинг ободонлиги илм-фаннинг равнақиға боғлиқ бўлса, ёшларнинг бахт-саодати ва камолотини унинг билиши ва маърифатида деб билади. Шунинг учун ҳам олим, ёшларни илм-маърифатга чорлайди. Беруний ёшлардан раҳимдил, меҳрибон, кишиларга илтифотли, хайрихоҳ бўлишни нажотсиз одамга қўл чўзишни, маккорлик, айёрлик, адолатсизлик, журъатсизлик, бойликка ҳирс қўйиш каби сифатларга йўл қўймастикни талаб этади.

XV-XVII асрлар давомида Румий, Улуғбек, Али Қушчи, Лутфий, Жомий, Навоий каби улуғлар табиий-математик фанларни ривожлантиришга ниҳоятда катта хизмат қилганлар.

XVI-XVIII асрларга келиб Ўрта Осиё халқларини бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик ишлари фан ва маданият соҳаларида бирмунча ютуқларга эришишга сабабчи бўлди. Бу ўзгаришлар жамиятнинг таълим-тарбия соҳасида ҳам маълум ўзгаришларга олиб келди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Оқилжон Шарофиддиновлар янги мактаблар очиб, у ерда таълим-тарбияни меҳнат таълими билан қўшиб олиб борганлар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент., Шарқ, 1998. - 64 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим тўғрисидаги қарорлари. 1-қисм. Тошкент., 1998. - 106 б.
3. Давлатов К., Воробьев А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
4. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқуддусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.

## **2-мавзу: КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТАМОЙИЛЛАРИ – 2 соат**

Режа:

1. Касб - хунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар.
2. Касб-хунар таълимида умумдидактик тамойиллар.

### **Касб - хунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар.**

**ДИДАКТИКА** – грекча *didaktikos* сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Дидактика бу ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади. Педагогик назариянинг таълимотига кўра дидактика ва методика бир-бири билан узвий боғлиқ. Методика илмий усуллар ҳақидаги фандир. Бунда

дидактика “нима ўқитиш” ва “нима учун ўқитиш” керак деган саволлар билан шуғулланса, методика эса у билан узвий боғлиқ ҳолда “қай тарзда” ва “нималар ёрдамида” ўқитиш масалалари билан шуғулланади. Бунда амалий усуллар тизими махсус соҳанинг мазмунига боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур. Ўқитиш методикаси –турли йўллар ва методлар тизими бўлиб, ўқув дидактик материаллардан фойдаланган ҳолда белгиланган мақсадларга эришиш учун назарий дарс жараёнида қўлланиладиган усуллар йиғиндисини англатади. Қуйида айрим дидактик тушунчалар мазмуни келтирилган ва бу дидактик тушунчалар касб-ҳунар таълими жараёнида қўлланилади. *Глоссарий қисмидаги тушунчалар.*

**Касб-ҳунар таълимида умумдидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмий ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим – тарбия бирлиги, кўрсатмалилик**

Дидактика хусусий методикалар билан боғланган ҳолда барча ўқув фанлари учун умумий қонун ва қоидаларни белгилаб беради, яъни тарбия билан чамбарчас боғлиқ таълим жараёнини ташкил этишга асос бўладиган етакчи қоидалар дидактик қоидалар дейилади. Бу ўқитувчиларнинг фаолиятини, ўқувчиларни билим фаолиятини, хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалар ҳисобланади.

Дидактика педагогиканинг таълим ва ўқитиш назарияси баён этиладиган муҳим қисмидир. Унда таълимнинг илмий асосланган мазмуни ўқитишнинг методлари ва ташкилий шакллари (қандай ўргатиш) берилади.

Ўқитувчи ёки уста фақат ўқитишнинг қонуниятларини билишигина эмас, балки уларни амалга ошириш учун қулай шароитларни яратиб бера олиши ҳам муҳим. Бунга айрим етакчи бошланғич қонуниятларни чуқур тушуниш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш орқали эришилади. Бундай қонуниятлар дидактикада таълим тамойиллари ёки дидактик тамойиллар деб ном олган.

Дидактиканинг асосий тамойиллари қуйидагилардир. Таълимнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд.

1. Таълим ва тарбия бирлиги
2. Таълимнинг илмийлиги
3. Таълимда тизимлилик ва изчиллик
4. Назария ва амалиёт бирлиги
5. Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш
6. Таълимнинг политехник хусусиятга эгаллиги
7. Онглилик ва фаоллик
8. Таълимда кўрсатмалилик
9. Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги ва пухталиги

*Таълим ва тарбия бирлиги* - таълим жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш содир бўлади. Масалан: газламадан бирор буюмни бичишни ўргатишда, буюмни бичиш бўйича билимлар, кўникмалар ва малакалар ҳосил қилиш билан бирга газламадан тежамкорлик билан фойдаланишни ўргатиш билан иқтисодий тарбия шаклланади. Ёки тикув буюмига мослаб безаклар танлаб, сифатли тикишни ўргатиш билан ўқувчиларда бадиий тарбия, тикув машинасида ўтириб тикаётганда тикув машинасига қараш, созланган машина билан ишлаш, иш кийимига қараш, иш жойини батартиб бўлишига эътибор бериш орқали ахлоқий тарбия шаклланади. Касб таълими жараёнида ўтиладиган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

*Таълимнинг илмийлиги* - бу тамойилни амалга ошириш ўқувчиларга илмий асосланган, тажрибада синалган, фаннинг энг янги ютуқларини ҳисобга олган техникавий маълумотларни етказишдир. Касб-ҳунар таълими ўқитувчиси ўқув устахоналаридаги маълумотларда соф илмий терминлардан фойдаланиши, фанда қабул қилинган рамзий белгилар, формулалар, ўлчамларни қўллаши лозим. Касб таълими жараёнида ўқувчилар ҳар хил материалларга ишлов бериш, андоза тайёрлаш, моделлаштириш

ишларини бажарадилар. Бунда ўқувчиларда фақат кўникма ва малака ҳосил бўлиб қолмай, балки уларда ўрганаётган меҳнат операцияларининг илмий асослари ҳақида тушунчалар ҳосил бўлади. Масалан: бирор буюмни моделлаштириш учун ўқувчилар энг аввал моделлаш элементлари бўйича илмий маълумотга эга бўлиши керак.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, касб таълими машғулотларида илмий асосларни ўқувчиларга узвий олиб бориш мақсадга мувофиқ. Табиий илмий қонуниятларга таянадиган маълумотларни баён қилиш зарур бўлиб қолади. Масалан: ўқувчиларга машинашунослик элементларини ўргатиш зарурияти туғилади. Бу вақтда "механизм", "машина" тушунчалари билан тикувчилик жиҳозлари фанини узвий боғлаб олиб бориш имконини беради.

*Таълимда тизимлилик ва изчиллик* - тизимлилик ва изчиллик таълимда маълум мантиқий изчиллик бўлиш зарурлигини билдиради, чунки билимлар ворислик характерига эга. Улар ўзидан олдинги материалга асосланади. Билим олишдаги тизимлилик назария ва амалиёт билан боғлиқ бўлган хилма-хил усулларни қўллашни тақозо этади. Чунончи: а) олинаётган билим билан ўқувчиларнинг шахсий тажрибаси ва кузатишларининг алоқаси; б) назария билан амалиётнинг алоқаси (корхоналарга экскурсия); в) турли масалаларни ҳал қилиш, назарий ҳамда амалий характердаги вазифаларни бажариш, технологик ҳужжатларни ишлаб чиқариш; г) корхоналарда, қурилишларда ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш амалиёти.

Билимларни тизимли баён қилиш ўқув материални қисмларга бўлиб ўрганиш яъни материални ўтилган материал билан боғлаш, асосийларини ажратиш, ўқувчиларни таҳлил қилишга ўргатиш, ўрганилганларни тизимга солиб умумлаштириш демакдир. Билимларни мавзулар ва фанлар бўйича тизимга солиш учун катта-катта бўлимлар ва алоҳида фанлар бўйича такрорлаш, ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини бутун ўқув йили давомида мунтазам равишда ҳисобга олиб бориш зарур. Ҳар бир ўқув фани ичидаги алоқалар тизими билан бир қаторда қуйидаги ҳолларда фойдаланиладиган фанлараро алоқани таъминлаш лозим.

Материал баёнидаги, малака ва кўникмаларни эгаллашдаги изчиллик ўқув фани ҳамда ўқув жараёнининг мантиқидан келиб чиқади. Агар ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларни қатъий изчиллик асосида эгалласалар улардан осон ва енгил фойдалана биладилар, унутганларини қайта эсга тушира оладилар. Ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими бериш жараёнида ўрганилаётганларни тизимлаштириш яъни ўрганилган операциялар, иш турлари ўртасида зарурий алоқа ўрнатиш лозим.

Бу тизимлилик ва изчиллик ишлаб чиқариш таълими дастурининг операцион комплекс қурилиш тизими билан илгари ўзлаштирилган операциялар асосида янги операцияларни ўрганиш ўқув ишлаб чиқариш вазифаларни тўғри танлаш билан таъминланади.

*Назария ва амалиёт бирлиги* - назарияни амалиёт билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи тамойилдир. Касб-ҳунар таълими жараёнида кўпинча назарияни амалда қўллаш учун шароит яратилади. Ўқувчилар амалий фаолиятга тайёрлаш, назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади. Назарий билимга эга бўлгандан сўнг, билимларни мустаҳкамлаш лаборатория иши ва амалий машғулотлар ўтказишда давом эттирилади. Назарияни амалиёт билан боғлашнинг ҳар хил шаклларида фойдаланиш орқали биз ўқувчилардаги билим сифатини оширишга эришамиз. Шунингдек, ўқувчиларда фан асосларига, меҳнатга, танлаган касбига қизиқиш, кишилар меҳнатини қадрлаш каби ҳислатларни орттирилади.

*Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш* - касб таълими бўйича ўқув материални мазмуни фан ва техник тараққиётини ҳозирги даражасига мос равишда ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Бундан ташқари, ўқувчиларни жисмоний тайёргарлигини ҳам назарда тутиш керак.

Дарс мавзулари ўқувчиларга мос ва тушунарли бўлиши учун:

а) ўтилаётган мавзунинг маъноси ва ҳажми, амалий машғулоти ўқувчилар тайёргарлигига, жисмоний ривожланганлигига ва ёшига мос бўлиши керак;

б) мавзулар соддадан мураккаблашиб бориши керак, шунингдек, ўқувчилар билим доирасини янгиликлар билан тўлдириб бориши зарур;

в) айрим ўқувчиларга индивидуал ёндашиш керак, чунки ўқувчиларнинг айримлари янги мавзунинг осон тушунса, айримлари қийинчилик билан тушунадилар;

г) кўргазма куруллардан тўғри ва ўринли фойдаланиш.

*Таълимнинг политехник хусусиятга эгаллиги* - назарияни амалиёт билан боғлаб ўтишда политехник тамойил асосий ролни ўйнайди. Коллеж устахоналаридаги касб таълимнинг мазмуни, яъни машиналар, механизмлар, асбобларнинг тузилиши, ишлаш принциплари, шунингдек, технологик жараёнлар, меҳнат усуллари ва амалий машғулоти ўқувчиларнинг бажариш йўллари ҳақидаги техникавий маълумотлар политехник характер касб этади.

Политехник тамойил шу билан ҳам характерланадики, ўқувчиларга мавзуга мос равишда ишлаб чиқариш соҳаларидаги автоматлар, мосламалар, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида тушунчалар бериб боришни билдиради. Масалан: тикувчилик корхоналарида энгил кўйлақларни тикишда ёқага ишлов бериш, чўнтак, бурмаларга ишлов бериш, шунингдек, иссиқлик ишлови бериш; ёриб дазмоллаш, пресслаш, бустаб дазмоллаш тушунчалари ўқувчилар онгига сингдириб борилади. Демак, ўқитувчи ишлаб чиқариш соҳасидаги янгиликларни меҳнат таълими дарслари билан боғлаб олиб боради, натижада ўқитувчи техника ва фандаги янгиликларни ўқувчиларга етказди.

*Онглилик ва фаоллик.* Ўқувчиларнинг онглилик ва фаоллик тамойилини шундай йўлга қўйиш зарурлигини ифода этадики, бунда ўқувчилар ўқув вазифаларини аниқ тушунадилар. Билимларни фаол ўзлаштириб, қўллаб, воқеа ва ҳодисаларни мушоҳада этадилар, улар орасидаги муҳим боғланишларни очиб оладилар. Ўқишга онгли муносабатларда бўлиб, вазифаларни бажаришда мустақил бўладилар. Билим, малака ва кўникмаларнинг ўқувчилар томонидан онгли эгалланиши учун назарий ва ишлаб чиқариш таълимнинг доимий алоқаси зарур. Ўқувчилар онглилигининг олий шакли назарий материални ўзлаштириш, синфда устахона ёки лаборатория, ишлаб чиқаришда, иш вазифаларини бажаришда кўрсатадиган ижодий фаоллигидир.

Фаоллик - бу ўқув жараёнида юзага келадиган вазифаларни онгли мақсадга мувофиқ бажаришга интилишнинг намоён бўлишидир. Ўқувчиларни билим, малака ва кўникмаларни фаол эгаллашга рағбатлантирувчи турли усуллар мавжуд. Ўқувчилар билимларни эгаллаш бўйича ҳеч қандай қийинчиликсиз, иштиёқ билан ишлайдиган жараён энг юксак мақсад ҳисобланади. Одатда ўқувчилар ўзларининг жуда қизиқувчанликлари билан ажралиб турадилар. Педагоглар улардаги бу хислатни қўллаб - қувватлашлари ва ривожлантириб боришлари лозим.

Таълимда онглилик фаоллик билан узвий боғлиқдир. Ўқувчиларнинг активлигини ошириш ўз меҳнат натижасини фойдали эканлигини онгли англаш демакдир. Масалан: ўқувчини бажараётган ишини коллеж кўргазма залига фойдаланиш, уни тезроқ битказишга ҳаракат қилади.

*Таълимда кўрсатмалилик* - бу тамойил ўқувчиларнинг меҳнатга оид ўқув материалларини ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни жонли идрок этиш, ўзлаштиришни назарда тутди. Касб таълими дарсларида ишлаб чиқариш корхоналарига уюштирилган саёхатлар, меҳнат усуллари, плакатлар, схемалар, жадваллар, буюм намуналарини кўрсатишдан, ўқув кинофильмлари, диафильмларни намойиш қилишдан кўрсатма воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Кўрсатмалилик тушунчасига идрок этишнинг кўриш тури эмас, балки эшитиш, сезиш турлари ҳам қиради. Касб таълими дарсларида кўрсатмалиликка катта аҳамият бериш керак, аммо дарсни ҳаддан ташқари кўрсатма куруллари билан тўлдириб юбориш яхши эмас, бу баъзан фойда ўрнига зарар ҳам келтириши мумкин.

Кўрсатмалиликдан фойдаланишда бир қатор методик талабларга риоя қилиш зарур:



- а) кўрсатма қуроллар дарснинг ўқув материалига мос бўлиши керак;
- б) барча кўрсатма қуролларни бирданига намоёниш қилиб қўйиш ва осиб қўйиш шарт эмас, чунки бу ўқувчилар диққатини тарқатиб юбориши мумкин;

*Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги ва пухталиги.* Мазкур томонлари шундай ўқув жараёнини такозо этадики унда ўқувчилар ўзларининг бўлажак фаолиятлари учун зарур бўладиган билим, малака ва кўникмаларни иложи борида асослироқ эгаллайдилар: уларни хотирада қайта тиклай оладилар ҳамда назарий ва амалий вазибаларни ҳал этишда фойдаланадилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарк” Тошкент., 1998 й. 64 б.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат ТДПУ. Тошкент., 2003й. 176 б.
3. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. “Ўқитувчи” Тошкент., 1992 й.320 б.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар Касб таълими услубиёти “Иқтисод молия” Тошкент., 2006 й. 192 б.
5. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори “Ўқитувчи” Тошкент., 2001 й.432 б. 6. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси Тошкент., 2005 й. 58 б.
7. Йўлдошев Ғ.Ж., С.А. Усмонов Педагогик технология асослари. – Тошкент., Ўқитувчи. 2004. – 104б.

### **3-мавзу: КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМЛАРИ – 2 соат**

Режа:

1. Таълимнинг дидактик тизими ҳақида умумий тушунча.
2. Предмет тизими, операция тизими, операция-предмет тизими, моторли-машқ тизими, операция-комплекс ва бошқа тизимлар
3. Касб-ҳунар таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш

#### **Таълимнинг дидактик тизими ҳақида умумий тушунча**

Таълим тизими деб, амалий кўникма ва меҳнат малакаларини тўғри таркиб топишини, касбий фаолиятга тайёрлашни таъминлайдиган ўқув материалининг мақсадга мувофиқ тузилмасига, уни ташкил этиш ва изчиллигига айтилади.

Касб-ҳунар таълими ўзаро боғланган икки қисмдан иборат:

- а) назарий билим;
- б) ишлаб чиқариш таълими.

Ишлаб чиқариш таълими ва назарий таълими олиб боришда бир-биридан фарк қиладиган, лекин ўхшашликлари ҳам бор. Таълимнинг бу 2 хил тури ҳам таълим мазмунини ажратиш, унинг қисмларини гуруппалаш, уларни ўрганиш изчиллигини белгилаш зарурлиги билан боғлиқдир. Бундай ажратиш принциплари ва гуруппалаш тартиби ўқитишнинг одатда ишлаб чиқариш таълими тизимининг қайси биридан қўлланишига боғлиқ бўлади.

#### **Предмет тизими, операция, операция-предмет тизими, моторлик машқ тизими, операция-комплекс бошқа тизимлар**

Касб-ҳунар таълимида 6 та тизим маълум:

1. Буюм тизими.
2. Операция тизими.
3. Операция буюм тизими.
4. ММТ тизими ёки моторли машқ тизими.

5. Операция комплекс тизими.

6. Конструкцион-технологик тизими.

Дастлаб *буюм (предмет) тизими* пайдо бўлган. Бу тизимга ўқувчи ўзи ўзлаштираётган касб учун тегишли бўлган буюмларни тайёрлаган. Бунда буюмлар мураккаблиги ортиб борган.

Тайёрлаш жараёни дидактик жиҳатдан алоҳида операцияларга ажратилмаган. Ўқувчи айрим меҳнат усуллари бажариш қоидалари билан махсус танишмаган, фақат ўқитувчининг иши ва бошқа ҳаракатларини такрорлашга интиланган. Бундай таълим натижасида ўқувчиларни таниш буюмни тайёрлаш учун ўз билим ва малакаларидан фойдалана олмайдилар, ҳар бир янги буюмни тайёрлаш жараёнида ишни қайтадан ўрганишга мажбур бўладилар. Мазкур тизимнинг асосий камчилиги ана шундан иборат. Буюм (предмет) тизими ҳунармандчилик ишлаб чиқариш усулини акс эттирган ва XIX асрнинг 2-чи ярмигача кенг қўлланилган.

Мануфактураларнинг пайдо бўлиши ва шунга кўра меҳнатнинг тақсимланиши технологик жараённинг операцияларга бўлинишига олиб келди, яъни меҳнат таълимининг операция тизими вужудга келади. Бу тизим XIX асрнинг охирида юзага келди.

*Операция* тизими бўйича ўқитишда ўқувчилар ўзлари эгаллайдиган касбнинг мазмунини ташкил қилувчи меҳнат операцияларини ўрганишган. Шу сабабли улар ҳар қандай буюмни тайёрлаш бир хил операциялардан иборат, бундан фақат операцияларнинг бажарилиш тартиби ва ишлов беришнинг аниқлигига қўйиладиган талаблар бир-биридан фарқ қилади, деган тушунчага эга бўлишган. Шундай қилиб, операция тизими ўқувчиларни буюм тайёрлашга боғлаб қўймай, касб доирасидаги умумий билим, амалий кўникма ва малака билан қуроллантирган. Таълимнинг буюм тизимига нисбатан операция тизимининг афзаллиги ана шудир. Операция тизими ёрдамида ишлаб чиқариш технологиясини тушуниш учун шарт-шароитлар яратади, таълимни янги изчил (оддий операциялардан мураккаб операцияларга) ташкил қилиш имконини беради, меҳнат кўникмаларини ва малакаларини шакллантиришда, асосий операцияларни ўзлаштириб олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Операция тизимининг камчилиги шундан иборатки, операциялар умуман ўқув буюмлари тайёрлаш жараёнида ўзлаштирилади, яъни ўқувчилар меҳнати унумли меҳнат характерида бўлмайди. Натижада уларнинг ишга қизиқиши сусаяди. Операция тизими операцияларни бажариш билан буюмлар тайёрлашни узиб қўяди.

*Операция-предмет тизими* – XIX асрнинг 90-йилларида С.А. Владимирский томонидан таклиф этилган. Бу тизим ўқувчилар томонидан меҳнат операцияларини ўйлаб, танланган буюмларни тайёрлаш жараёнида ўрганишни кўзда туттади. Буюмлар танлашда катта эътибор берилади, биринчи буюмни тайёрлашда энг енгил 3-4 операциялар, бошқаларни тайёрлашда эса мураккаброқ операциялар ўзлаштирилади.

Операция-предмет тизимнинг ютуғи ўқувчи ўз меҳнати натижасини кўради, операцияларни ўзи танлайди. Камчилиги: машғулотнинг биринчи дарсиданок ўз ичига бир неча операциялар олган буюмлар тайёрлаш ўқувчиларда бу операцияларнинг мазмуни ҳақида тўғри тасаввур бўлмаслигига олиб келарди. Шунинг учун ҳам тизим кенг тарқалмоқда.

*Моторли-машқ тизими (ЦИТ тизими)* – Ушбу тизимнинг камчилиги мотор-машқ тизими бўйича ўқитиш ўқувчилар кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштиришни назарда тутмасди. Кўникмаларни шакллантириш махсус аппаратлар ва ҳақиқий меҳнат жараёнини эслатадиган машқларни қўллаш билан амалга ошириларди. Кўп марта такрорлаш натижасида мушакларни маълум ҳаракатларни онгнинг иштироксиз ҳам бажаришга “ўргатиш” мумкин, деб фараз қилинган. Таълимда бундай ёндошиш маъқуullanмади ва тез уни рад қилинди. Мотор-машқ тизимининг ютуғи шундаки, унда меҳнат ўқув ва маллакаларини шакллантиришнинг дидактик жиҳатдан асосланган, психофизиологик қонуниятларга мос келадиган кетма-кетлиги: меҳнат усули – меҳнат операцияси – меҳнат жараёни биринчи марта ишлаб чиқилган ва қўлланилган.

Бу тизимда ўқувчиларга касб таълими бериш беш даврга бўлинади:

1. Асосий меҳнат фаолияти ва ҳаракатларини ўзлаштириш бўйича машқ машғулотлари.
2. Меҳнат усулларини ўзлаштириш бўйича машқлар.
3. Меҳнат операцияларини бажаришга доир ўрганиш машқлари.
4. Ўқувчиларни махсус танланган буюмлар устида илгари ўзлаштирилган меҳнат операцияларини операциялар комплексига бирлаштиришга ўрганиш.
5. Мустақил давр, бунда ўқувчилар айти касбга доир характерли бўлган буюмларни тайёрлайди.

Операция-буюм мотор-машқ тизимларининг камчиликлари ва ютуқлари ўрганилиб, *операция-комплекс тизими* юзага келди. Бу тизимга асосан ўқувчи аввал 2-3 та кетма-кет операцияларни ўзлаштиради, сўнг шу операцияни ичига олган комплекс ишларни бажаради. Меҳнат операцияларини ўзлаштириш ва уларни комплекс ишларда қўллаш таълимнинг 1-босқичидаги асосий вазифадир. Иккинчи босқичда ўқувчилар ишлаб чиқаришдаги унумли меҳнатга қўшиладилар. Масалан, кийим тикишда қўлланиладиган барча турдаги энгни, ёқани, майда қисмларини тикишни ўргатиб бўлингандан сўнг уни кийимда қўллаш бажарилади. Камчилиги: ўқувчи ўзининг ишининг натижасини жуда узоқ вақтдан сўнг кўради. Натижада қизиқиш сусаяди.

Ҳозирги вақтда ўқув устахоналарида амалий ишни бажариш жараёнида операция-буюм тизимидан фойдаланилади, чунки операцияни алоҳида ўрганиш режалаштирилган ва дастурда кўрсатилган буюм хилини маҳаллий шароитга қараб ўзгартириш мумкин.

#### **Касб-хунар таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш**

Кейинги йилларда ўқув устахоналарида *конструкцион-технологик тизим* бўйича машғулотлар ташкил этилади. Бу тизимнинг етакчи ғояси ўқувчиларни ижодий фаолиятини оширишдан иборатдир. Ўқувчи бирор буюмни тайёрлашдан аввал унинг лойиҳаси ва ишлов бериш жараёнини амалга ошириши керак бўлган шароитга олиб кирилади. Ўқувчи бирор кийимни тикиш учун аввал ўлчов олиши, асос чизмасини чизиши, андоза тайёрлаши, моделлаштириш, андозани газламага жойлаштириб, буюмни бичиши ва тикиш каби мураккаб жараённи бажаради. Бу жараённи бажаришда ўқувчиларни ижодий фаолиятлари ортиб боради. Ўқувчиларни ижодий фаолиятларини ортиши учун яратиладиган ҳамма нарсалар зўр бериб меҳнат қилишини тақозо этади.

Ижодий ишга идрок қилиш йўли билан эмас, балки фикрлаш фаолияти орқали эришилади. Ижодий ишлаш жараёни ғояни пайдо бўлиши, ижодий масалани вужудга келиши, масалан ечиш, ечимни амалда қўллаш босқичларига бўлиш мумкин.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини амалга оширишда педагогик раҳбарлик катта аҳамиятга эга.

1. Ўқувчиларни ҳар хил савол ва масалаларни мустақил ҳал қилиш имкониятларидан иборат фаолиятга қатнаштириш – ўқувчиларнинг устахоналардаги фаолияти ҳар хил характерда бўлиши ва шунга кўра турли даражадаги фикрлаш фаоллигида амалга ошириш мумкин.

2. Ўқувчиларни ижодий ғояга келтириш ёки улар олдида тўғридан-тўғри ижодий характердаги савол ва масалаларни қўйиши – ўқувчиларга техник ижодкорлик учун топшириқлардаги имкониятлари ва улардан фойдаланишни англашиш лозим.

3. Ўқувчиларни фан ва ишлаб чиқариш асосларига оид билимларини фаоллаштириш ва қўллашга ундаш – ўқувчиларга фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги турли усул ва услублардан фойдаланиб, билим, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш.

4. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини рағбатлантириш – ўқитувчининг мақташи, энг яхши ишлар кўргазмасини ташкил қилиш, деворий матбуотда ўқувчиларнинг ютуқларини оммалаштириш ва ҳоказолар билан ижодий фаолиятни рағбатлантириш мумкин.

Ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган меҳнат топшириқлари мазмуни бўйича уч гуруҳга бўлинади:

- 1) Конструкциялаш ёки лойиҳалаш;

- 2) технологик жараёнларни тузиш;
- 3) меҳнатни тўғри ташкил этиш.

Техник ижодкорликни ривожлантиришни энг содда топшириқлардан бошлаш ва ўқувчиларнинг мустақиллигини орттириш, улар буюмларни конструкциялай оладиган, технологияни ишлаб чиқа оладиган, ўз меҳнатларини уюштирадиган бўлиш учун мазкур топшириқларни аста-секин мураккаблаштириб бориш керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарк” Тошкент., 1998 й. 64 б.
2. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. “Ўқитувчи” Тошкент., 1992 й. 320 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар Касб таълими услубиёти “Иқтисод молия” Тошкент., 2006 й. 192 б.

#### **4-мавзу: КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДЛАРИ – 4 соат**

Режа:

1. Ўрта махсус касб-хунар таълими методлари классификацияси
2. Касб-хунар таълимнинг оғзаки методлари
3. Касб-хунар таълимнинг амалий методлари
4. Касб-хунар таълимида кўргазмалилик методлари тўғрисида тушунча.
5. Таълим методларини танлаш мезонлари
6. Касб-хунар таълимида педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Таълим методи деганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият йўллари тушунилади. Буларнинг ёрдамида ўқувчилар билим, малака кўникма, касбий маҳоратларни эгаллашга эришадилар, ақлий ва жисмоний куч ва ижодий қобилият ривожланади.

Педагогикада таълим методларини синфга ва белгилашга бир хил ёндашиш мавжуд эмас. “Таълим методи” тушунчасининг мазмунини очиш тўғрисида баҳслар давом этмокда. Баъзи олимлар методни белгилашда билиш манбаларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар, бошқалари ўқувчиларнинг тафаккуридаги ижодий фаоллик ва мустақиллик, айрим олимлар эса ўқувчилар фаолиятида таълимнинг турли босқичларидаги характеристикани муҳим деб ҳисоблайдилар ва шу кабиларни.

Оғзаки методларга ўқув материалининг ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинишига, ҳикоя, тушунтириш, суҳбат ўқувчиларнинг техник адабиёти билан мустақил ишлаши ёзма инструкция бериш, овоз ёзувчи телевидение кабилар кирази.

*Материални оғзаки баён қилиш* - касб таълимида ҳикоя қилиш, тушунтириш, маъруза, суҳбат, ўқув материални оғзаки баён қилишнинг асосий методлари ҳисобланади.

*Ҳикоя* - ўқитувчи томонидан ўқув материални тартибли, мантиқий, изчил, нисбатан кенгрок баён қилишда фойдаланилади. У пухта режа асосида тузилиши, материални баён қилишда ноаниқликка йўл қўймаслик учун барча деталлари билан тайёрланиши лозим.

*Тушунтириш* - ҳикояга яқин бўлган таълим методи ҳисобланади. Касб таълимида ҳикоя ва тушунтиришдан алоҳида ҳолда кам фойдаланилади. Масалаларни баён қилишда, масалан: машиналар, механизмлар тузилиши ёки технологик жараёнларнинг боришини баён қилишда кўпинча ҳикоя ва тушунтириш бирга қўшиб олиб борилади. Ҳикоя тушунтириш муваффақиятли ўтказилиши учун ўқитувчи ўқувчиларнинг амалий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда етказиладиган материални қабул қила олишларини тасаввур қилиш керак. Бунинг учун ўқувчилар махсус технология, материалшуноснинг мавзулари бўйича қайси ўқув материални ўтганликларини билиш муҳимдир. Бундан

ташқари, ўқитувчи ўқувчиларни йўлланма вақтида саволлар ёрдамида нималарни эслашларини текширади ва зарур билимларни улар хотирасида қайта тиклайди.

**Кўргазмали методлар** – бу кўрсатмали қуроолларни намойиш (кўрсатиш) қилиш меҳнат усулларини кўрсатиш; ўқувчиларнинг мустақил кузатишлари; ўқув-ишлаб чиқариш экскурсиялари.

Кўрсатмали қуроолларни намойиш қилиш (кўрсатиш) методи ёрдамида ўқувчиларда меҳнат ҳаракатларининг муайян ва аниқ образи шаклланади. Улар унга тақлид қиладилар ва ўз ҳаракатларини қийслайдилар. Мазкур методнинг қўлланилиши касб таълимида кўргазмалик тамойилининг яққол намунаси бўлиб ҳисобланади. Касб таълими дарсларида кўрсатмали қуроолларнинг турли хил ва шаклларида фойдаланиш ўқитувчининг тушунтиришларини яхши идрок қилиш ҳамда ўзлаштиришларга, малакаларнинг мустақам шаклланишига ёрдам беради. Плакатлар, схемалар, моделлар, макетларнинг намойиш қилиш билан бир қаторда ҳаракатдаги иш қуроли, асбоблар, мосламалар хомашёлар, буюмларнинг намуналари ва ҳоказоларни кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Амалий методларга машқлар, инструктаж (йўлланма)лар, ўқув қўлланмалар билан ишлаш, лаборатория тажрибалари, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш киради.

**Машқлар** – касб-ҳунар таълими жараёнини тадқиқ қилиш ҳар бир янги операцияни қисқа муддатли (5-15 минутли) машқлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу машқларни шартли равишда таълимий машқлар дейилади. Амалий ишларни бажариш жараёнида ўқувчилар ҳар хил буюмлар тайёрлар экан, меҳнат усуллари ва ҳаракатларини бажариш бўйича машқ қилишни давом эттирадилар. Бундай машқларни тайёргарлик машқлари дейилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқудусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.
3. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
4. Толипов Ў.Қ., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов Касбий педагогика. – Тошкент.: 2003. – 88б.

#### **5-мавзу: КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ – 2 соат**

Режа:

1. Назарий ва амалий машғулотларнинг асосий шакллари
2. Ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг асосий шакллари
3. Ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия, ўрта махсус касб-ҳунар коллеж таълимини хўжалик юритишнинг янги шакллари ўқитиш
4. Ўрта махсус касб-ҳунар таълимида масофавий ўқитиш
5. Ишлаб чиқариш амалиёти: мақсад ва вазифалари, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш, ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш

Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти турли ташкилий шаклларда кечади. Касб-ҳунар таълимининг ташкилий шакллари деганда ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти учун ўқувчилар жамоасини ташкил этиш йўллари, бу фаолиятга раҳбарлик қилиш шакллари, шунингдек ўқув машғулотларининг қурилиш таркиби тушунилади.

Касб-ҳунар таълимини у ёки бу шаклини танлашда, ўқувчиларни касбий билим, кўникма ва малакалар билан қуроолантириш жараёнида уларнинг мутлоқ мақсади ва яқин

вазифалари, мазмун ҳамда методлари, шунингдек, моддий шароитини белгилайдиган асосий фактор (кўрсаткич)ларини у ёки бу шаклларига боғлиқ.

Назарий машғулотлар давомида дастур мавзуларининг мазмуни ёритилади, касбий таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаси амалга оширилади.

Бундан ташқари назарий ва амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг асосий шакллари очиқ бериш, ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия, ўрта махсус, касб-хунар коллеж таълимини хўжалик юритишнинг янги шаклларни ўқитиш ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида масофавий ўқитишни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқариш амалиётининг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиш, ўтказиш, раҳбарлик қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишни, жамоавий, гуруҳли, яқка тартибдаги шакллардан фойдаланган ҳолда дарс ишланмаларини тайёрлашни талаб этади. Ана шу сабабли касб-хунар таълимининг ташкилий шакллари ишлаб чиқиш ва бошқариш моделини лойиҳалаш зарур.

Касб-хунар таълимининг ташкилий шакллари деганда – ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти учун ўқувчилар жамоасини ташкил этиш йўллари, бу фаолиятга раҳбарлик қилиш шакллари, шунингдек ўқув машғулотларининг қурилиш таркиби тушунилади.

Назарий машғулотлар деганда - машғулотнинг ҳам жамоа, ҳам индивидуал (яқка тартибда) турини ўз ичига олган, касб таълими ўқитувчисининг раҳбарлигида ўқув материални фаол, тўғри ва онгли ўзлаштирилишини кўзда тутган ўқув-меҳнат фаолиятининг аниқ ташкил қилиниши тушунилади.

Амалий лаборатория - ишлари ўқувчиларга фақат турли хил ускуналар, асбоблар, мосламалар билан ишлашини ўргатмай, балки ўлчовлар, кузатишлар натижаларини ишлаб чиқишни ўрганиш ҳамда тўғри илмий хулосалар ва умумлашмалар чиқариш имконини беради.

Касб-хунар таълими дарси – ўқувчиларнинг барча гуруҳларини бир хил шароитда, ягона дидактик вазифани бажарилишини таъминлайдиган ташкилий шаклидир (масалан, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув- ишлаб чиқариш цехлари, ўқув хўжаликлари ва х.к.).

Ишлаб чиқариш жараёни шакллари - дидактик мақсаднинг аниқлиги, таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги, ўқув материални тўғри танлаш, ўқитиш моделларини мақсадга мувофиқ танлаш, ўқувчиларнинг мустақиллиги, дарснинг ташкилий аниқлиги ва ўқувчилар ишида хавфсизликни таъминлашни ўз ичига олади.

Экскурсия – касб-хунар таълими ташкил этишнинг шундай шаклики, у орқали ўқувчилар бевосита ишлаб чиқариш шароитида жиҳозлар билан танишиб, технологик ва меҳнат жараёнларини ташкил этишни кузатиб боради.

Масофавий таълим – махсус ўқитиш воситалари ёрдамида ўқитувчи билан боғланиш, шахсий жадвал билан ўзи хоҳлаган жойда ўқиши, ўз устида интенсив, мустақил ишлаши лозим бўлган, мақсадга йўналтирилган билим олиш тури.

“Модел” тушунчаси илм-фаннинг кўп соҳаларида қўлланилади. Модел – схема, физик конструкциялар, белгили шакллар ва формулалар кўринишида сунъий ҳосил қилинган объект бўлиб, у тадқиқ қилинаётган объектга ўхшаш бўлади, унинг тузилишини, хусусиятларини, объектнинг элементлари орасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларни содда ва тушунарли тарзда акс эттиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. – Тошкент., Ўқитувчи, 1992.-320 б.
2. Болтабоев С.А., Абдуллаева Қ.М. касб таълими методикаси. – Тошкент., ТДПУ, 2001.-104 б.
3. Голиш Л.В. Таълим шакллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. – Тошкент., ЎМКХТРИ, 2002.-44 б.

4. Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма. – Тошкент., Ўқитувчи, 1992.-208 б.
5. Баҳолаш методлари. / Нишонов А., Ҳайдаров Б., Нуридинов Б. Ва бошқалар. – Тошкент., ЎМКХТРИ, 2003.-156 б.

## 6-мавзу: ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ – 2 соат

Режа:

1. Кўргазмалилик- дидактик тамойиллари асосида
2. Замонавий таълим воситаларининг турлари ва тавсифи
3. Таълимда ўқув-ишлаб чиқариш воситалари
4. Таълим воситаларининг ривожланиш истиқболлари
5. Таълим воситалари тизимини шакллантириш технологияси ҳамда улардан мажмуавий фойдаланиш

Таълим воситаларидан фойдаланишда кўргазмалилик дидактик тамойили муҳим ўрин тутди. Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материални баён этишда дидактиканинг энг муҳим принципларидан бири — **кўрсатмалилик** принциpidан фойдаланадилар.

Дидактикада **кўрсатмалилик** принциpi конкрет билан абстрактнинг бирлиги тўғрисидаги қоида асосида кўриб чиқилади. Нарса ёки ҳодисанинг аслини ёки тасвирини идрок этиш инсон учун атрофдаги борликни, бирор ҳақиқатни билишнинг дастлабки ва энг оддий акти ҳисобланади ҳамда ўрганилаётган нарсалар, жараёнлар, ҳодисалар тўғрисида аниқ тасаввурлар ва абстракт тушунчалар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтайди.

*Кўрсатмали қўлланмалар* — ўқувчиларни ўрганиладиган объектлар, ҳодисалар, жараёнлар тўғрисида яққол (асосан кўриш) тасаввурлар ҳосил қилиш методида ўқитиш мақсадида ишлатиладиган воситалар. Ўзлаштириладиган билимлар характериға, ўқувчиларда мавжуд бўлган тасаввур, тушунча, ҳаёт ва иш тажрибасига, дарснинг конкрет вазифаларига қараб кўрсатмали қўлланмалар ўқитишда ҳар хил ролни бажаради. Улар билимлар манбаи сифатида, шунингдек, ўқитувчи сўзлаб бериш, тушунтириш, суҳбат вақтида фойдаланадиган расм сифатида хизмат қилиши мумкин. Кўпинча, бу иккала вазифа комплекс тарзда келиши мумкин.

Натурал (табiiй) объектлар. Табiiй объектларға сирасига жонли ва жонсиз табиат объектлари киради, таълим олувчилар улар билан машғулотларда тарқатма ёки намойиш қилинадиган материаллар шаклида танишадилар. Кўргазмалилик - табiiй объектларни танлаб олиш ёки табiiй объектларни ўз ичига таркибий қисм қилиб киритган турли қўлланмаларни лойиҳалашға кўйиладиган асосий талаблардан бири. Шу мақсадда ўрганилаётган тушунчаларнинг мазмунини очиб бериш учун керак бўлган айрим типик белгиларни аниқ ифодалашға ёрдам берадиган объектлар ажратиб олинади. Натурал объектларнинг қўлёмалигини кучайтириш учун турли кодлаш усуллари қўлланилади: рангли, рақамли, ҳарфли. Табiiй объектларни ўқитиш жараёнида улар билан ишлаш услубларидан асосийлари кузатиш ва тажриба ўтказиш ҳисобланади. Кўргазмали қўлланмалар сифатида ишлатиладиган табiiй объектлар аввало унинг жиҳоз ва мосламаларига махсус ишлов бериш зарур.

Ўқув моделлари, муляжлар, макетлар. Моделлар табiiй объектларнинг сунъий кўриниши бўлиб, уларнинг муҳим сифатлари, алоқалари ва муносабатларини қайта такрорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар ҳисобланадн. Ҳақиқий объект (микро ва макро объектлар) хусусиятларини кўрсатишда шартлилик (рамзийлик)ка амал қилинади, ўлчамни катталаштириш ёки кенгайтириш орқали объект қурилмаси схема тарзида акс этирилади. Моделларнинг энг кенг тарқалган типик турлари бу моддий (предмет) моделлардир. Моделлар ўз ҳажмиға эға ёки текис моделларға бўлинади. Уларнинг

оралиғида рельеф жадваллар жойлашган. Хажмга эга моделлар таркибий қисмларга бўлиниши мумкин. Хажмга эга бўлган моделлар сирасига муляж ва макетлар киради. Муляж (макет)лар моддий объектларга айнан ўхшатиб яратилган қўлланмалардир.

Композицион - расм ва фотосуратлар;

Графикли: (чизма, диаграмма, схема ва бошқалар);

Белгили - рамзий формула, ҳарф ва сўзлар билан ифодаланувчи. Сўнгги пайтда электрлашган жадваллар кенг қўлланилмоқда, яъни, стендлар, хавфсизликка оид техникалар.

Ўқитиш воситалари орасида охириги пайтда энг кўп қўлланилаётган воситалар - бу плакатлардир.

Экран ва экран - товушлик ўқитиш воситалари

Реал таълим воситалари, техник воситалар ва чоп этилган ўқув материаллари. Реал таълим воситаларига ўқитишда қўлланиладиган барча реал ёрдамчи воситалар: машиналар, тракторлар, жиҳозлар, дастгоҳлар, тайёр маҳсулотлар ва ҳоказолар киради. Техник воситаларига, проектор, кино аппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, компьютер, видеофильмлар, мультимедиа ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари синф доскаси, доска — стенд, доска — блокнот, кодоскоплар ҳам техник воситаларга киради. Чоп этилган ўқув материалларларга чоп этилган ўтказилган барча ўқув ва кўргазмали материаллар киради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Шарипов Ш.С., А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
3. Толипов Ў.Қ., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов Касбий педагогика. – Тошкент.: 2003. – 88б.
4. Ҳайдаров Б., Б.Нуридинов ва бошқалар Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – ЎМКХТРИ. Тошкент.: 2002.- 184б.

### **7-мавзу: КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВ ХОНАЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ – 2 соат**

Режа:

1. Касб-ҳунар коллежлари ўқув хоналари, лабораториялари ҳамда ўқув устахоналарини ташкил қилиш бўйича умумий талаблар, касб-ҳунар таълими ўқув устахоналаридаги таълим ва тарбиянинг вазифалари ҳамда уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар.
2. Касб-ҳунар таълими ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш ва уларни ўтказишга қўйиладиган талаблар ва уларни жиҳозлаш.

**Касб-ҳунар коллежлари ўқув хоналари, лабораториялари ҳамда ўқув стахоналарини ташкил қилиш бўйича умумий талаблар, касб-ҳунар таълими ўқув стахоналаридаги таълим ва тарбиянинг вазифалари ҳамда уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар.**

Касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш устахоналари тўғрисидаги Низомга асосан:

#### ***1. Умумий қоидалар***

1.1. Касб-ҳунар коллежларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Касб-ҳунар коллежлари ҳақида»ги Низом асосида ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ташкил этилади.



1.2. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари касб-ҳунар таълими ўқув муассасасининг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларни режали равишда малакали ишчилар тайёрлайдиган асосий бўлагидир.

1.3. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида ўқувчилар ўқув дастури асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмаларини бажариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларида ўз касб маҳоратларини ва амалий кўникмаларини орттириб борадилар.

1.4. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари қуйидагича бўлиши мумкин:

- ўқув босмахона;
- ёғоч материалларига ишлов бериш участкалари;
- металлга ишлов бериш участкалари;
- корхона қошидаги ўқув участкалари;
- тикув цехлари (ателье);
- кишлок хўжалик машиналарини йиғиш участкалари;
- ўқув дала полигони.

Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида ўқув жараёнини мукамал ташкил этиш мақсадида, улар қошида асбоблар сақлаш хонаси, хом-ашёлар учун омборхона, таъмирлаш ва тайёрлов бўлимлари, тайёр маҳсулотлар учун омборхона ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилади.

### ***II. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарининг фаолияти***

2.1. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналаридаги амалий машғулот (ишлаб чиқариш таълими) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар асосида олиб борилади.

2.2. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида ишлаб чиқариш машғулотлари ва ишлаб чиқариш фаолияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган касб-ҳунар коллежларида ўқув ишлаб чиқаришни режалаштириш, ўқув ишлаб чиқариш вақтини баҳолаш ҳақидаги низом асосида тузилади.

2.3. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар амалдаги қоидага асосланиб ҳамда шартномалар ва буюртмачиларнинг таклифларига биноан жўнатилади (тарқатилади).

2.4. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарини сақлаш учун сарф-харажат режалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан тасдиқланади.

2.5. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида ишлаб чиқарилган ҳамма маҳсулотлар, моддий техника воситалари, молия-хўжалик ишлари, бюджет ташкилотлари ҳисобхоналарида ҳисобга олиш ҳақидаги кўрсатмаларга асосан олиб борилади.

2.6. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарининг фаолиятларини касб-ҳунар коллежи директорлари, ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари ва юқори ташкилотлар назорат қиладилар.

### ***III. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарининг жиҳозлари***

3.1. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарининг майдонларининг юзаси дастгоҳларнинг сони, шу йўналишдаги корхоналарнинг ўқиш мақсадида ишлатиладиган технологик лойиҳа меъёрларига тўғри келиши керак.

3.2. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари меҳнат хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган замонавий жиҳозлар, мосламалар ва асбоблар билан таъминланиши керак.

3.3. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида ўрганилаётган мутахассисликлар бўйича ҳар бир ўқувчи (ўқувчилар сонига қараб) ва амалиёт ўқитувчиси учун иш жойи билан таъминланади. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида умумий фойдаланиш учун ишлаб чиқариш дастурлари талабларига кўра пармалаш ва чархлаш дастгоҳлари, механизациялашган асбоблар билан ишлаш столи ўрнатилади.

3.4. Амалиёт ўқитувчисининг иш жойи иш столи, кўргазма қурулларини сақлаш учун жавонлар, намойиш қурилмалари, синф тахтаси, техника воситалари билан жиҳозланган

ўқув-методик қўлланма, адабиётлар, ўқув кўргазма қуроллари, асбоб ва мосламалар билан жиҳозланади.

3.5. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида бажариладиган ишлар намунаси, схемалар, жадваллар, меҳнат хавфсизлиги ва техник хизмат кўрсатиш қоидалари, йўриқномалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Устахоналарда бажариладиган ишлар меҳнат хавфсизлиги низомига асосланиб ўтказилиши керак.

3.6. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарини замонавий ўқув қуроллари, жиҳозлар, машиналар, асбоблар ва материаллар билан таъминлаш касб-ҳунар коллежлари Низоми ва тайёрланаётган касблар асосида амалга оширилади.

3.7. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналаридаги жиҳозларни ўрнатиш, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилинган, машина ва пиёдалар ўтиши учун жой қолдирилган, техник эстетика қоидаларига риоя қилинган, ўқувчиларни оммавий ва яккама-якка ўқитишга шарт-шароитлар яратилган ҳолда амалга оширилади.

3.8. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарининг жиҳозлари ўқув муассасаси ҳисобида бўлади.

3.9. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналаридаги жиҳозларига техник қаров ва таъмирлаш ўқув муассасаси хизматчилари ёки шартнома асосида бирон ташкилот (корхона) ёрдамида амалга оширилади.

#### ***IV. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарини бошқариш***

4.1. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари хизматчилари сони ва таркиби вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳажмига қараб коллеж ўқув ишлаб чиқариш устахоналари бошлиғи (мудири) лавозими киритилиши мумкин.

Агар штат жадвалида ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бошлиғи (мудири) лавозими бўлмаса, ўқув ишлаб чиқариш устахонаси раҳбарлиги коллеж бош амалиёт ўқитувчи зиммасига юклатилади.

4.2. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бошлиғи (мудири) лавозимига касб-ҳунар коллежи йўналишига қараб олий техник маълумотли, 3 йил иш стажига эга бўлган шахс ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосарлари томонидан тавсия қилинади ва директор буйруғи билан тасдиқланади.

4.3. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бошлиғи (мудири) ўқув муассасаси ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари ва бош амалиёт ўқитувчисининг бевосита раҳбарлигида ишлайди.

4.4. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бошлиғи (мудири) ўзининг фаолиятини юқори ташкилотларнинг буйруқлари, йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлари, ўқув ишлаб чиқариш бўйича режа ҳамда коллеж директори буйруқлари, фармойишлари, ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари, бош амалиёт ўқитувчиси кўрсатмалари ва ушбу Низом асосида амалга оширади.

4.5. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бошлиғи (мудири):

- бош амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда ўқув ишлаб чиқариш дастури асосида ишлаб чиқариш режа фаолияти лойиҳасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун коллеж раҳбарига тақдим этади;
- молия, шартнома ва меҳнат интизомига риоя этган ҳолда рўйхатга олади ва ҳисобга олишни таъминлайди;
- бош амалиёт ўқитувчиси билан бирга ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бошлиғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун материаллар, асбоблар, техник ҳужжатлар ва бошқа зарур нарсалар билан ўз вақтида таъминлайди, энергетик, ёнилғи ва хом-ашёларни тежаб фойдаланишига жавоб беради;
- касб-ҳунар коллежи механиги билан устахонадаги жиҳозлардан тўғри фойдаланишни ва ўз вақтида таъмирлаш ишларини олиб боришни, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилишни ва амалиёт ўқитувчилари билан иш жойларида хавфсизлик техникасини таъминлайди;

- касб-хунар коллежи қошида ташкил этилган (агар бўлса) назорат-ўлчов лабораторияси асбоблари фаолиятини назорат қилади;
- амалиёт ўқитувчилари билан инструкторив методик йиғилиш ўтказишда иштирок этади;
- бош амалиёт ўқитувчиси билан ишлаб чиқариш ишларининг рўйхатини тузади, корхоналардан олинган буюртмаларни бажаришга тайёрлайди.

4.6. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўқув ишлаб чиқариш устахонасига ходимларни ишга олиш, мукофотлаш, интизом чоралар ва ишдан бўшатиш ҳақида касб-хунар коллежи раҳбариятига таклифлар киритади;
- ўқувчиларни ишлаб чиқаришдаги билимларини синашда иштирок этади, ишчи-хизматчиларни ва ўқувчиларни меҳнат хавфсизлиги талабига жавоб бермайдиган жиҳозларда, мосламаларда, асбоб ва ускуналарда ишлашга рухсат бермайди.

4.7. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси ходимларига меҳнат ҳақи ва мукофот ишлаб чиқариш даромадидан тўланади.

#### **Касб-хунар таълими ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш ва уларни ўтказишга қўйиладиган талаблар ва уларни жиҳозлаш**

Касб-хунар таълими ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш касб таълимини чоракка, ярим йилга мўлжаллаб режалаштириш ва уста, ўқитувчининг машғулотга аниқ тайёргарлик кўришидан бошланади. Ўқитувчи, уста календар мавзу режаси ва ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхати асосида дарснинг режа ва конспектини тузади. Дарсда такрорлаш учун саволларни ва фанлараро алоқаларни белгилайди, ўқувчилар тайёрлайдиган меҳнат объектининг намунасини ҳозирлайди, бунда ўзи касб-хунар усулларини такомиллаштириш мақсадида машқ қилиб олади, асбоблар ва мосламаларни дарсга тайёрлайди, асбоб-ускуналарнинг ишга яроқли эканлигини текширади, технология ҳужжатларини ҳозирлайди ва машғулотни ўтказиш методикасини ўйлаб кўради.

Машғулотнинг методик томони мазкур машғулотнинг ташкилий шаклини (дарс, амалий-лаборатория иши, экскурсия ёки кино дарси, ўқувчиларнинг ишини фронтал ёки гуруҳ тарзида ташкил қилиш) аниқлаб олишдан иборат бўлади. Ўқитувчи, уста мазкур ўқув материални ўрганиш вақтида касб таълимининг қайси методларидан (оғзаки баён қилиш, суҳбат, меҳнат усулларини амалий тарзда кўрсатиш, билимларни муаммоли баён этиш ва ҳоказолар) фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаб олади, ўқувчилар илгари ўзлаштирган умумий таълим фанлари (физика, химия, математика, чизмачилик ва ҳоказолар) бўйича олган билимларидан қайсилари касб таълими дарсида иш беришини, олдинги мавзунини қандай қилиб мустаҳкамлаш, бунда ўқувчиларнинг эътиборини нималарга жалб қилиш кераклигини аниқлаб олади.

Ўқитувчи, уста ўрганилаётган операция бўйича машқлар ўтказиш методикаси, асбоб ва мосламалардан мақсадга мувофиқ фойдаланишини пухта ўйлаб олиши лозим. Ўқитувчи, уста меҳнат усулларида йўл қўйилган камчиликларни осонлик билан аниқлаш ва уларга барҳам бериш чораларини кўриш имконини берадиган назорат тизимини ҳам ишлаб чиқиши зарур. Топшириқни мустақил бажариш жараёнида ўқитувчи, уста ўқувчиларнинг ишини диққат билан кузатиб бориши лозим, чунки машғулотнинг бу элементи унга ўқувчилар йўл қўйган хатоларини аниқлашдагина ёрдам бериб қолмасдан, шу билан бирга бу хатолар орқали ўзининг ишидаги айрим камчиликларини ҳам кўришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг топшириқни мустақил бажариш даври ҳам машғулотнинг жуда муҳим элементи ҳисобланадики, бу вақтда ҳар бир ўқувчининг олган билимларидан амалда фойдалана олиш, конструкторлик-технологик вазифаларини ҳал қилишда ижодий ва билиш фаолиятининг даражаси, қийинчиликларни мустақил енга олиш, дўстлик, ўзаро ёрдам туйғуси ва бошқа фазилатлар қарор топади.

Касб таълими машғулотининг сўнгги элементи яқунловчи инструктор(йўлланма)дир. Айрим ўқитувчилар бу йўлланмага баъзан етарли эътибор бермайдилар, айрим ҳолларда эса уни бутунлай инкор қиладилар. Машғулотнинг

яқунловчи босқичида ўқувчиларнинг ҳар бири ўзи олган баҳони билиши учун ва ана шу баҳо орқали ўзининг эришган мваффақиятларини, йўл қўйган камчиликларини кўриши, бу камчиликларга олиб келган сабабларини билиши ва уларни тузатиш йўллари ҳамда усулларини аниқ тасаввур қилиши учун ўқитувчи, уста улар бажарган ишларни ҳар томонлама таҳлил қилиб бериши лозим. Шундай қилиб, ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш, уларни ўтказишнинг тўғри методикасини қўлланиш ўқувчиларнинг техникавий билимларини, касбий кўникма ва малакаларини муваффақиятли эгаллашлари учун имкон яратади.

Ўқувчиларнинг иш ўрнини режалаштиришни ташкил этиш ва жиҳозлаш, ўқув устахоналарини ташкил этиш ҳамда ўқув ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятлари, табиийки турли касблар учун турличадир. Аммо умуман ўқув устахоналари учун хос бўлган бир қатор умумий талабларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўқув устахоналарида қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: устахоналарнинг меъёрий ўрнатилиши, жойлаштирилиши ва ишлаш учун шароитларга (майдон, бинонинг қавати, баландлиги, технологик оқимни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ҳоказо) меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиена талабларига мувофиқ бўлиши (ёнғин ва портлаш хавфи бўлган билимларни, шунингдек чанг ва газ чиқарадиган бўлинмаларни асосий бинолардан ажратиш, кўтарма транспорт қурилмаларнинг ёнғин пайтида чиқиш йўллари ва ўт ўчириш воситаларнинг мавжудлиги, меъёрий ва сунъий ёритгичлар шамоллатиш қурилмаларнинг мавжудлиги, бинода меъёрий иш ҳароратининг таъминлаши ва ҳоказо). Бу талабларнинг меъёрийлари тегишли меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган бўлиб, турли тармоқлар учун турличадир, ишлаб чиқариш эстетикаси талабларга - бинонинг ранги ва бўёқ турлари (шифти оқ, деворлари оч сариқ панеллари оч яшил, деразалари оқ рангли бўлиши), безаклар ва мебель ғилофи ҳамда деворлардаги безаклар услубининг уйғунлиги пол ва деразаларни яхшилаб тозалаш имкониятини мавжудлиги ва ҳоказо.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Касб-хунар коллежлари ҳақида»ги Низом. Тошкент, 2005 йил

#### **8-мавзу: ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИДА МАШЎУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – 4 соат**

Режа:

1. Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лаборатория ўқув устахоналарини ташкил қилишнинг умумий асослари
2. Ўқув устахоналарида ўқитиш вазифалари ва уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар
3. Ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси қоидалари
4. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахонасидаги иш ўрни, асбоб ускуналар, мосламалар уларни сақлаш ва унга қўйиладиган талаблар
5. Касб-хунар таълимини режалаштиришнинг умумий масалалари, касб-хунар таълимини режалаштирувчи ҳужжатлар, ўқув технологик ҳужжатлар, тақвим мавзу режа, дарс режаси

#### **Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лаборатория ўқув устахоналарини ташкил қилишнинг умумий асослари**

Касб-хунар коллежларидаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари тегишли тикувчилик ихтисосига оид кийим тикишдаги ўзига хос ишлар ва технологик жараёнларнинг кўпгина қисмини ташкил этиш ва худди ўзидай акс эттириш имконини беради.

Янги ўқув устахоналарини лойиҳалаётганда ўқув гуруҳларидан алоҳида, лекин улар ўртасида иссиқ ўтиш йўли бор бинолар қуриш назарда тутилади. Устахоналарни лойиҳалаштириш якка тартибда ва оммавий тарзда кийим тикиш учун таянч корхонадаги кийим тикиш шароитига мумкин қадар яқинлаштирилган бўлиши керак.

Ўқув тикувчилик устахоналари қуйидаги ўқув ва ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мос бўлиши керак: малака характеристикасига мувофиқ ишлаб чиқариш таълими дастурини бирин-кетин ва тўлиқ эгаллашни таъминлаш, касб маҳорати асосларини ялпи ва якка тартибда ўргатиш имкониятини яратиш. Устахона хонаси кенг (бир кишига камида 14 м<sup>2</sup> тўғри келадиган), шиплари баланд (камида 3,25 м), ҳаво алмашуви яхши, ҳарорати меъёрда (қишда камида 16°C, ёзда 20°C дан ортмайдиган), яхши ёритилган, ускуналар қулай жойлашган, ўтиш йўллари етарлича кенг, уста билан ўқувчиларнинг иш ўринлари қулай жойда, керакли ранг берилган, меҳнат хавфсизлиги меъёрларига жавоб берадиган бўлиши керак.

Кўмакчи хизмат жойлари (ўқув ательелари, кийдириб кўриш жойи, бичиқчилик хонаси, омборхоналар, катта уста, технолог, механик ва ҳ. к. ларнинг хоналари) улар билан ўқув устахоналарининг алоқа қилиши қулай бўладиган қилиб жойлаштирилиши керак.

### **Ўқув устахоналарида ўқитиш вазифалари ва уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар**

Ўқувчиларнинг касб-ҳунар таълими асосларини тизимли энг қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида касб-ҳунар коллежларида ўқув хоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари ташкил этилади. Уларнинг энг муҳим педагогик ишларни таълим-тарбия вазифаларини ҳал қилишга тўла-тўқис бўйсиндиришдан иборатдир. Касб-ҳунар коллежларнинг ўқув устахоналари бир қанча вазифаларни: касб-ҳунар таълимининг хилма-хил ташкилий шакллари ва методларидан фойдаланиш; техникавий маълумотларни маълум қилиш; тадқиқотчилик характеридаги ишларни амалга ошириш; касб-ҳунар кўникмалари ҳамда малакаларини таркиб топтириш; техникавий билимларни, меҳнат усулларини ва бажарилаётган амалий топшириқларнинг сифатини текшириш; ўқувчиларда эстетик дидни ва мустақил ишлаш малакаларини таркиб топтириш ҳамда конструкторлик-технологик характердаги ижодий вазифаларни ҳал қилиш учун касб маданияти малакаларини тарбиялаш; юксак меҳнат интизомига ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун яхши шарт-шароитлар яратиши лозим.

Юқоридаги вазифаларга амал қилиб, касб-ҳунар коллежларининг ўқув устахоналари қуйидаги асосий санитария-гигиена ва ташкилий методик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Устахоналар учун мўлжалланган бино ўқув-педагогика, санитария-гигиена ва ишлаб чиқариш, техник талабларини қондириши керак.
2. Ўқув устахоналарининг жиҳозланиши техниканинг ҳозирги даражасига, юксак касб маданиятига мувофиқ келиши ҳамда уларга касб-ҳунар таълими дастурининг барча мавзуларини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.
3. Ўқитувчининг ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган ўқув ишлаб чиқариш ишлари учун ҳам звено тарзидаги ишлар учун ҳам шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак.
4. Ҳар бир ўқувчи учун мустақил иш жойи ажратилган бўлиб, у тегишли асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланган бўлиши зарур.
5. Ўқитувчи учун намунавий иш жойи ажратилган бўлиб, у тегишли асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланиши ва пол устидан 250-300 мм баландликда бўлиши керак.
6. Устахоналарда ўқувчиларнинг қулай ва хавф-хатарсиз меҳнат қилиши учун энг қулай шарт-шароитлар яратилиши лозим.
7. Ўқув устахоналари ҳажмдор ясси кўрсатма қўлланмалар билан, шунингдек, таълимнинг техникавий воситалари билан жиҳозланган бўлиши зарур.
8. Ёрдамчи хизматхоналари (асбоблар сақланадиган хона ва омборхоналар) ўқув

устахоналарига яқинроқ жойлашган бўлиши керак.

9. Устахоналарда ўқувчиларнинг диққатини ишдан чалғитувчи ва меҳнат жараёнини бузувчи шовкинга ва ташқи овозларга йўл қўймаслиги керак.

### **Ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси қоидалари**

Касб-ҳунар таълимининг моддий базасини тубдан яхшилаш учун барча шарт-шароитларни инобатга олиш зарур.

Ўқув устахоналарининг майдони, мавжуд лойиҳаларга кўра, 70-90 м<sup>2</sup> ни ташкил этади. Устахоналар бир қаватли алоҳида бинога жойлашган бўлади. Улар таълим муассасасида ортиқча шовкин бўлмаслиги учун коллежнинг асосий биносидан бир оз нарироқда қурилади.

Ўқув устахоналари материаллар, ярим фабрикатлар, тайёр буюмлар, шунингдек асбоблар ва мосламаларни сақлаш учун зарур ёрдамчи хоналарга эга бўлади. Устахоналарнинг поли тахтадан тайёрланиши, улар яхши табиий ва сунъий шамоллатиладиган бўлиши меъёردа табиий ва сунъий ёритилган иш ўрни бўлиши, ҳаво температураси қишда 14-16<sup>0</sup>С, ёз даврида эса 20<sup>0</sup>С дан ошмаслиги керак. Ёритиш учун табиий ёруғликдан ёки шароитга қараб кундузги ёруғлик лампаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув устахона деворлари силлиқ бўлиб, ёрқин бўёқлар билан шипи оқ бўёқлар билан бўялиши керак. Булар хонанинг яхши ёритилишини таъминлайди. Устахонадаги жиҳозларнинг ранг жиҳатдан безатилишига ҳам эътибор бериш керак. Ёрқин, физиологик жиҳатдан асосланган бўёқлар жиҳозларнинг турли қисмлари, ишланувчи объектлар билан устахонанинг умумий фони ўртасида яққол фарқ бўлишини таъминлайди.

Устахоналардаги шовкин ва тебранишнинг камайишига шовкин ютувчи ва тебранишни йўқотувчи жиҳозлардан, энг тўғри касб-ҳунар усулларида фойдаланиш йўли билан эришилиши мумкин.

Ўқув устахоналаридаги асбоб-ускуналарни жойлаштириш вақтида ёнғинга қарши чораларга, меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат санитарияси талабларига риоя қилиш зарур, устахоналар асбоб-ускуналар билан тўлдирилиб юбормаслиги керак. Тикув машиналар ва уларнинг орасидаги ўтиш йўллари белгиланган меъёрлар даражасида бўлиши лозим. Дастгоҳлар, тикув машиналарнинг охириги қаторлари билан устахона деворлари орасидаги масофа камида 0,5 м бўлиши керак.

Устахонада қўл ювиш, устки ва махсус кийим-кечаклар сақланиши учун санитария-гигиеник талабларига риоя қилган ҳолда шарт-шарот яратилган бўлиши керак.

Устахоналарнинг майдонидан оқилона фойдаланиш, уларнинг тоза бўлиши, асбоб-ускуналарнинг тўғри туриши, эстетика талабларига риоя қилиш ва намунали тартиб – буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни интизомлилик ва давлат мулкани эҳтиёт қилиш руҳида тарбиялаш учун катта аҳамиятга эгадир.

### **Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахонасидаги иш ўрни, асбоб ускуналар, мосламалар уларни сақлаш ва унга қўйиладиган талаблар**

Тикувчилик устахоналарининг ташкил этилиши ва режалаштирилиши, турли ускуналар миқдори, хонанинг сатҳи енгил саноат ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун қандай ихтисосдаги (эркаклар ва ўғил болалар костюми, эркаклар ва ўғил болалар пальтоси, аёллар ва қизлар костюми, аёллар ва қизлар пальтоси, аёллар ва қизлар кўйлаги ва ҳ. к. тикадиган) тикувчилар тайёрланишига боғлиқ бўлади.

Қўл меҳнатининг улуши камроқ бўлган, ишлаб чиқариш ихтисослаштириладиган ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шакллари замонавий ускуналар жорий этиладиган оммавий тарзда кийим тикувчи корхоналар учун ишчилар тайёрлаш касб-ҳунар коллежларида ўқув устахоналарини ҳисоблаб чиқишни ва уларни жойлаштиришни фабрикаларнинг ишлаб чиқариш цехлари қиёфасига ва турларига яқинлаштиради, лекин бунда ўқув мақсадларини ҳам - масалан, машқ ишларини ўрганиш, ихтисос эгаллаш, меҳнат тақсимоли масалаларини ўрганиш ва ҳ. к. даврлардаги мақсадлар ҳам ҳисобга олинади.

Ўқув устахоналари сатҳини гуруҳдаги ўқувчилар сонидан ва битта ишловчи ўқувчига ихтисосига мувофиқ майдон меъёридан (енгил кийим учун 4-5 м<sup>2</sup>, уст кийим учун 5-5,5 м<sup>2</sup>), шунингдек ишлаб чиқариш устасининг 5,5-7 м<sup>2</sup> га тенг иш ўрнидан келиб чиқиб аниқланади:

$$S_{уст} = (S_{\dot{y}} \cdot n) + S_{y.\dot{y}}$$

бу ерда  $S_{уст}$  - ўқув устахонаси майдони,  $S_{\dot{y}}$  - битта ўқувчига керакли майдон меъёри;  $n$  - гуруҳдаги ўқувчилар сони;  $S_{y.\dot{y}}$  - уста иш ўрнининг майдони.

Ўқув устахонасидаги технологик ускуналар миқдори тикувчилик ихтисосига, гуруҳдаги ўқувчилар сонига, таълим жараёнининг қандай ташкил этилишига боғлиқ.

### **Ўқув устахоналарида ўқувчиларга касб-хунар ўргатишни ташкил қилиш усуллари**

Ўқув устахоналарида ўқувчиларга дарсда ўргатиладиган ўқув материали мақсад ва мазмунига қараб: ишлаб чиқариш операцияларини ўрганиш, комплекс ишларини бажариш, ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини текшириш бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Касб-хунар таълими дарсини ўтиш қуйидагича шарт-шароитлар яратишни талаб қилади:

ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантиришга қаратилган ўқув ишлаб чиқариш ишлари мунтазам равишда ўқитувчини раҳбарлигида ўтказилади; ўқитувчи машғулотлар пайтида бутун гуруҳни кўриб туриши керак; технологик жараён ўқув ишлаб чиқариш ишларининг мақсад ва вазифаларига бўйсундирилиши лозим.

Фронтал иш шакллари учун ўқувчиларнинг иш ўринлари бир хил бўлгани маъқул; ўқитувчи учун махсус уюштирилган иш ўрнини ҳозирлашга ҳаракат қилиш зарур; устахона, участка, жиҳозлар ўқитиш мақсадларига мос бўлиши лозим; жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва мосламалар таълимнинг фронтал бўлишига эришиш имконини бериши керак;

комплекс-операцион тизим асосида таълим бериш учун ўқув ишлаб чиқариш ишларини ўқув даврларига мослаб махсус танлаб олиш зарур;

ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида замонавий, юксак даражадаги маҳсулдор жиҳозлар асбоб-ускуналар, мосламалар бўлиши лозим.

Асосий операцияларни бажариш бўйича эгаллаган кўникмалар ўқувчилар томонидан бошланғич малака ишларини бажаришлари билан мустаҳкамланган тақдирдагина бошланғич операцион ва комплекс даврларда ишлаб чиқариш таълимининг дарс тизими тўлиқ амалга оширилди.

#### ***Ишлаб чиқариш операцияларини ўрганиш дарси (машғулот)нинг структураси***

Кириш инструктажлари ишлаб чиқариш таълими дастурининг мавзуси, мавзучаси ёки бўлимини ўрганишдан олдин берилади. Буларнинг вазифаси ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш ишларини онгли равишда энг самарали усуллар билан бажаришга тайёрлаш, брак ва хатоларнинг олдини олиш, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишига эришишдир.

Таълим бериш пайтида инструкцион (йўл-йўриқ) хариталаридан фойдаланиш тавсия этилади. Инструкцион (йўл-йўриқ) хариталаридан фойдаланиш ўқувчиларга:

- меҳнат қилиш усулларини ўрганиш борасидаги ишни анча мустақил, бинобарин, фаол ишга айлантириш;
- гуруҳдаги ўқувчиларнинг фаолиятдан қатъий назар ўқувчининг тайёргарлиги, шахсий тажрибаси ва индивидуал хусусиятларига қараб материални ўрганиш суръатларини танлаб олиш;
- умуман ишни ёки унинг тугалланган қисмини ўзича тасаввур этиш (бу материални анча тушуниб ўзлаштиришга асосланади);
- бутун таълим олиш даври жараёнида зарурат туғилган пайтларда инструкцион-технологик материалнинг исталган қисмига қайтиш;

- касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълими самарадорлигини ошириш имконини беради.

Жорий инструктаж бериш ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш пайтида ўқувчиларнинг фаолиятига раҳбарлик қилишдир. Жорий йўл-йўриқ беришнинг асосий шакли ҳар бир ўқувчига индивидуал тарзда йўл-йўриқ беришдир. Агар гуруҳдаги ўқувчиларнинг анчагина қисми бир хил хатога йўл қўйса, бир хил иш усулларини билмаса, қўшимча жамоавий инструктаж (йўлланма) бериш зарур.

Якуний инструктаж бериш пайтида ўқитувчи кўпинча комплекс баҳолар қўядилар (назария масалалари ва илгари ўрганилган материални билиши; билимларни амалда қўллаш олиши; иш усулларини тўғри бажариши; хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши; иш ўрнида белгиланган тартибни қўллаб-қувватлаши; чизмани ўқий олиши; топшириқни мустақил бажара олиши; бажарган ишнинг сифати; агар иш меъёрланмса, белгиланган меъёрда бажариши), бундай баҳолар ижобий натижалар беради. Бунда ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга қизиқишлари анча ортади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
3. Панкратова В.А. Тикувчиликдан ишлаб чиқариш таълими асослари.- Тошкент., “Ўқитувчи” 1997 й. 250 б.
4. Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 208б.

### **9-мавзу: «КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ» ФАНИДАН БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИ – 2 соат**

#### **Битирув малакавий ишларининг мақсад ва вазифалари, уларнинг мавзуларини танлаш ва тасдиқлашга қўйиладиган талаблар, битирув малакавий ишларни бажариш ва унга қўйиладиган талаблар.**

*Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари.* Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) — олий ўқув юрти бакалавриятида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир. Малакавий ишни бажариш мақсади:

Таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

Ижодий ишлаш, ишлаб чиқиладиган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

Замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлаш.

*Битирув малакавий ишларнинг мавзуси.* Малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини ақс эттириши керак.

Малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва олий ўқув юрти ёки факультетнинг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда уч йилда бир мартадан ортиқ қайта кўриб чиқилмайди.

Малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга (рейтинглари бўйича камайиш тартибида) малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт



маблағини тўловчи буюртмачи зарурий асослар билан малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага малакавий ишга тегашли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли олий ўқув юртининг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

*Малакавий ишни бажаришига раҳбарлик қилиши.* Малакавий ишларга раҳбарлар ушбу олий ўқув юртининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Малакавий иш раҳбари:

- топшириқ беради;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режа-лаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказиши;
- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларининг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди.

Малакавий иш раҳбарининг таклифига биноан, кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консултантларни таклиф этиши мумкин.

Малакавий ишнинг бўлимлари бўйича консултантлар этиб, олий ўқув юртининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Консултантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширадилар.

Мутахассис чиқарувчи кафедра малакавий ишга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳажмини белгилаган ҳолда малакавий ишни бажариш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқади ва талабаларни таъминлайди.

Малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта, номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми (пояснительная записка) малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодаланиши лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмига графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий кўшимча ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Тушунтириш қисми қўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Тушунтириш қисми камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТлар талабларига қатъий мувофиқ келиши зарур. Одатда, чизмалар А2 форматли қоғозда (5-6 варақ ҳажмида) қаламда бажарилади ёки техника воситалари орқали экранда кўрсатилади. Архитектура йўналишидаги чизмаларга қўйиладиган талаблар мувофиқ ўқув-методик бирлашмалар (ассоциациялар) томонидан белгиланади.

Кафедранинг тавсиясига биноан малакавий иш чет тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

*Малакавий ишнинг бажарилиши.* Малакавий иш олий ўқув юртининг, одатда, ушбу

мақсадда махсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш корхоналар, муассасалар, илмий, лойиҳалаш ва бошқа муассасаларда бажарилиши мумкин.

Малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудири олдида ҳисобот беради. Кафедра мудири малакавий ишнинг тайёрлик ҳолатини белгилайди.

Талаба-иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

*Битирув малакавий ишларини амалга оширишда тадқиқот методлари.* Педагогик тажрибаларни ўрганишда ва илмий-техникавий тадқиқотлар ўтказишда турли хил методлардан фойдаланиш мумкин.

Кузатиш - бу усул таълим-тарбия жараёнини амалдаги ҳолати билан таништиради ва натижаларни билишга ёрдам беради. Бу усулни қўллашда кузатувчи ўқув жараёнида қатнашмайди. Фақат кузатиб маълум хулосага келади. Шунинг учун кузатувчи маълум мақсад асосида режа тузиш, йиғилган далилларни таҳлил этиб қиёслаш негизида ташкил этсагина самарали бўлади.

Эксперимент тажриба – синов усули. Бу усул асосида ўқув жараёнининг асоси (ўқув режаси, дастури, дарслиги), ўқитиш шакли ва усуллари, тарбия жараёнларининг янги самарали усуллари ўқув-тарбия ишларини бошлашнинг янги усуллари аниқланади. Бу усулдан фойдаланишда албатта экспериментал ва таққослаш объектлари ажратилади. Бу усулни қўллашда:

- 1) режа тузилади;
- 2) ўтиш жойи аниқланади;
- 3) ўтказиш вақти ва муддати;
- 4) тажриба ўтказиш учун керак бўлган асбоб-ускуналар тайёрланади;
- 5) тажриба натижалари таҳлил этилиб, хулоса чиқариб тавсиялар берилади.

Илғор тажрибаларни ўрганиш - бу усул илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ўрганилади ва таҳлил этилиб, ўқув жараёнини ташкил этишга оид тавсиялар ишлаб чиқилади. Илғор тажрибаларни ўрганиш - илғор ўқитувчилар билан суҳбат, иш методларини ўрганиш, кинога олиш, ўқувчиларнинг ишлари билан таниши орқали амалга ошириш мумкин.

Назарий тадқиқотлар – юқоридаги усуллар билан тадқиқот қилиб бўлмайдиган масалалар бу усул орқали ўрганилади. Масалан, ўқув материални мазмунини асослаш амалиётда тўпланган билим ва малакаларни текшириш таҳлил методи билан ўрганилса, билим ва кўникма малакаларини алоҳида элементларга ажратиб, ўқув дастури мазмунига мослаб танлаб олинади, яъни синтез қилинади. Таҳлил ва синтез назарий тадқиқот методидир.

Суҳбат – бу усулдан фойдаланиш учун аввалдан савол тузилиши, вақти ва ўтказилиши жойи белгиланиши, суҳбат иштирокчиларининг сони, вазибалари билан танилиши керак. суҳбат ўтказиш учун эркин ва қулай гаплашиш имконияти яратилиб, суҳбат натижаларини тезда таҳлил этиш, хулоса чиқариш, мактаб ҳаётига татбиқ этиш керак.

Математик тадқиқот усулидан педагогик ҳодисаларни миқдор тавсифномасини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

*Битирув малакавий ишнинг расмийлаштирилиши.* Тушунтириш хати давлат тили, рус тили ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин. Тушунтириш хати жадвал ва расмлар билан 50-60 бетдан иборат бўлиши лозим.

Тушунтириш хатининг мазмуни 2 бўлимдан (техник ҳамда педагогик) иборат бўлади. Бўлимлар кичик қисмларга бўлиниши мумкин. Ҳар бир бўлим ва қисмлар янги саҳифадан бошланиши тавсия этилади. Бўлимлар араб рақамида белгиланади. Шунингдек, бўлим тартиб рақами билан ифодаланади ва нукталар билан ажратилган боб ва бўлим

рақамларидан ташкил топади (масалан 1.2.).

Барча расм ва жадвалларнинг тартиб рақами ва номерлари кўрсатилиши лозим. Улар матнда ёзилиш кетма-кетлиги бўйича белгиланади. Олдин бўлим рақами, сўнгра бўлимдаги расм ёки жадвалнинг тартиб рақами кўрсатилади, масалан: Расм 1.2 (Расм номи), Жадвал 2.1 (Жадвал номи). Ҳар бир расм ёки жадвалга матн тушунтириш берилади.

Ҳисоблаш ва бошқа формулалар, матнинг ўртасида берилади. Бунда ҳарфларнинг маъноси тушунтирилиши керак.

Берилган бўлим доирасида тушунчалар рақамланиши лозим, масалан, (2.2) – иккинчи бўлимнинг иккинчи формуласи. Формула номери кичкина қавс ичида 1-ҳошия чегарасида ёзилади. Формулалар шартли белгилар босма ҳарфда аниқ қилиб ёзилиши керак.

Тушунтириш хати қисмидаги расмлар ва схемалар алоҳида оқ қоғозда чизилиб матнга биноан жойлаштирилади. Расмлар ва схемалар қора сиёҳда ёки компьютердан фойдаланган ҳолда ДТС қоидасига биноан бажарилиши лозим.

Ўлчов бирликлари, ҳажм ва катталиклар белгилари халқаро СИ тизимига мос бўлиши керак.

БМИ асосий қисми ва иловалари саҳифаларининг тартиб рақами иккиёқлама характерда эга бўлиши керак. Мундарижада БМИ нинг ҳар бир бўлими саҳифаларининг тартиб рақами кўрсатилади.

Намойиш қилинадиган материал А1 форматли ватман қоғозда ЕСКД талабларига биноан (ёки электрон талқинда) бажарилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ёзишга ҳам алоҳида эътибор берилади

**Изоҳ:** Техник воситалар ёрдамида БМИ ёзиш имкони бўлмаган ҳолда раҳбарият розилиги билан БМИ нинг тушунтириш хати қўлда ёзилиши мумкин (ҳажми 50-60 бет).

*Малакавий ишни ҳимоя қилиш.* Белгиланган тартибда расмийлаштирилган малакавий иш талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар, малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Кафедра мудири, тақдим этилган материаллар асосида, малакавий ишни талаба томонидан ДАК да ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар, кафедра мудири талабанинг малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киритилган малакавий иш тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларни истеъмол қилувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун ДАК га юборади.

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Малакавий иш ҳимоядан сўнг (камида 10 йил) олий ўқув юртида сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича малакавий ишни бошқаларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (тадбиқ этиш, танловлар ва ҳақозо), ишдан нусха олинади (ишнинг асл нусхаси олий ўқув юртида қолдирилади).

*Ҳимоя қилиш ва унга қўйиладиган талаблар.* Ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ОЎЮ битирувчиларини аттестация қилиш ҳақидаги Низом асосида белгиланган. Малакавий битирув иши ҳимоясида талаба:

- ишнинг мавзусини, унинг мақсади, долзарблиги, амалий аҳамиятини;

- ишнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини, унинг мазмуни ва касб-ҳунар коллежларида ўтиладиган махсус фанни ўқитишнинг ишлаб чиқилган услубиётини қисқа,

аник, лўнда ҳолда тушунтириб бериш лозим;

- иш бўйича макет, қурилма, электрон талқинини намоёйиш қилиниши керак;

- маъруза давомийлиги 10-15 дақиқа;

БМИ ҳимояси натижасига кўра “аъло”, “яхши”, “қоникарли”, “қоникарсиз” баҳо қўйилади. Қоникарсиз баҳо олган тақдирда талаба белгиланган тартибда академик маълумотнома олади ва белгиланган тартибда ишга юборилади. Биринчи ҳимоядан камида бир йил ўтгандан сўнг у ўз БМИ ни 3 йил давомида қайта ҳимоя қилиши мумкин. Ҳимоя ва қайта ҳимоя ўртасидаги оралиқ 1 йилдан кам бўлмаслиги керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Олий таълим. Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишни бажаришга қўйиладиган талаблар. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабр №362 сонли буйруғи.

2. А.Р. Ходжабоев, Н. Ўролова, Ж.Ж. Хўжабоев Диплом ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. – ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, Т.: 2006. – 44б.

3. Муслимов Н.А. ва бошқалар Бакалаврларнинг битирув малака ишини бажариш учун методик қўлланма. – Тошкент.: ТДПУ, 2005. – 34 б.

## **10-мавзу: ЎҚУВ - ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИНИ МЕЪЁРЛАШТИРИШ – 2 соат**

### **Меъёрлаштириш мақсадлари ва методлари, ўқувчилар ишига вақт меъёрини белгилаш, шогирдлик вақт меъёрини белгилаш, меъёрлашга қўйиладиган талаблар.**

Меъёрлаш ишлаб чиқариш таълими жараёни учун фақат техник жиҳатдагина эмас, балки педагогик жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Меъёрлашнинг техникавий (ҳисоб билан) методиди фақат берилган ишни бажариш учун сарфланган вақт аниқланади.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлашнинг педагогик аҳамияти шундаки, ўқитувчи ўқувчилардан ҳар бир топширикни белгиланган вақт меъёрида бажаришларини талаб қилар экан, уларни меҳнатнинг юқори унумдор усулларини эгаллашга ундайди, мақсадга эришишда қатъийликни тарбиялайди, ижодий қобилиятни ўстиради. Тажриба кўрсатишича, ўқув ишлаб чиқариш ишларини меъёрлашга етарлича баҳо бермаслик ўқувчилар меҳнатининг унумдорлигини пасайтиради, давр талабларидан орқада қолишга сабаб бўлади.

Ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаш куйидаги мақсадларни кўзда тутати:

Ишлаб чиқариш илғорларининг иш методлари ва усулларини ўқувчилар томонидан аста-секинлик билан эгаллашга ёрдам беришни; ўқувчиларга вақт факторларини қадрлашга ўргатиш ва шу орқали ўқитишнинг охирига келиб корхоналарда шунга мувофиқ касб ва малака даражасидаги ишчилар учун белгиланган меъёрларни эгаллашларини таъминлашни;

ишлаб чиқариш таълимини тўғри режалаштириш ва мавжуд жиҳозлардан тўғри фойдаланиш учун бошланғич маълумотларни аниқлашни;

ўқувчиларнинг белгиланган меъёрини бажариш кўрсаткичлари асосида уларнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўзлаштиришларини оқилона баҳолашга ёрдам беришни;

касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар ишини техник меъёрлаш, ишлаб чиқариш имкониятлари, технологик жараёнга мувофиқ иш режимлари ва ишлаб чиқариш илғор тажрибаларини ҳисобга олиб ўтказилади. Ташкилий-техникавий ва бошқа характердаги камчиликлар натижасидаги йўқотишлар вақт меъёрига кирмайди.

Шогирдлик вақт меъёрларини тўғри аниқлаш ва қўллаш ўқувчиларда режалаштириш ва ўз фаолиятларича назорат қилиш малакаларининг вужудга келишига, касб маҳоратининг мукамаллашиб боришига, умуман касбий-техникавий тайёргарлик сифатининг яхшиланишига таъсир қилади.

*Меъёрлаш методлари.* Ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими беришда икки асосий даврни: операцион ва комплекс даврни ажратиб кўрсатиш мумкин. Операцион даврда дастлабки малакалар шаклланса, комплекс даврда улар мукамаллашади ва мустаҳкамланади.

Операцион давр ўқитувчи ўқувчиларга мазкур меҳнат операциясини ташкил этувчи айрим ҳаракат ва усулларни тўғри ҳамда мақсадга мувофиқроқ бажаришга ўргатади. Бу даврда ўқувчиларга вақт меъёри (ёки маҳсулот тайёрлаш меъёри) ҳақида гапириш салбий натижалар бериши мумкин, чунки бунинг оқибатида уларнинг эътибори ишнинг сифат томонига эмас, балки миқдор кўрсаткичларига қараб йўлланиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқувчилар асосий иш усуллари, яъни меҳнат операцияларини ўрганаётганларида уларга меъёр ҳақида ҳеч нарса гапирилмайди. Улар фақат маълум ишларнинг бажарилиши учун ташкил этиладиган ўқув жараёнини режалаштириш мақсадларигагина хизмат қилади. Ўқувчилар бажарадиган комплекс ишлар меъёрланади ва вақт меъёри ўқувчиларга маълум қилинади.

Шогирдлик вақт меъёрини белгилаш учун аввал ҳисоб (техникавий) вақт меъёри аниқланади. Ҳисоб (техникавий) методи орқали вақт меъёрининг қуйидаги таркибий қисмлари сарфланадиган вақт миқдори аниқланади: оператив вақт, иш жойига қараш вақти, дам олиш танаффуслари ва табиий зарурат учун сарфланадиган вақт тайёргарлик ва яқунлаш вақти.

Оператив вақт бу берилган топшириқ (операция)ни бажарилишига сарф қилинадиган вақт бўлагидир. Операцион вақт асосий (технологик) ва ёрдамчи қисмларга бўлинади.

Асосий (технологик) вақт деб, ишлов берилаётган деталнинг геометрик ва шакл ўлчамини (асбоб-ускуна ёки тикувчилик ишлари) ўзгартиришга ёки маҳсулот қисмларининг ўзаро жойлашувини (йиғув ишлари) ўзгартириш учун сарфланадиган вақтга айтилади.

Асосий (технологик) вақт қуйидагича бўлиши мумкин: қўлда, агар деталь ҳеч қандай механизм қўлланмай, ишчи томонидан ишланса, масалан, тикувчилик ишлари (қўлда қавиш, қирқиш ва ҳоказо).

Ёрдамчи вақт деб, ишчининг деталларни ўрнатиш ва олиш, тикув машинасини ишлатиш ҳамда тўхтатиш, узатишни улаш ёки узиш, деталларни ўлчаш ва бошқалар учун сарфланадиган вақтга айтилади.

Иш жойига хизмат қилиш вақти - кун бўйи иш жойига қараш учун сарфланадиган вақтдир. Бунга смена алмаштиришга ҳамда асбобларни чархлаш, машинани иш жараёнида сошлаш ва йўлга солиш, қириндини йиғиштириш, жиҳозларни мойлаш ва тозалаш, асбобларни йиғиш ва жойига қўйиш учун сарфланадиган вақт киради.

Дам олиш танаффуслари вақти маълум юк айланмаси ва иш суръати оширилган жисмоний толиқтирадиган оғир ишларни бажарилиши учун кетган вақт меъёрига қўшилади. Қолган пайтларда дам олиш вақти меъёрига киритилмайди.

Тайёргарлик-яқунлаш вақти - бу ишчининг мазкур ишга тайёрланиш ва уни яқунланишига алоқадор ҳаракатларни амалга ошириши: техника ҳужжатлар, асбоб ҳамда мосламаларни олиш ва топшириш; чизмалар билан танишиш ва бажарилаётган иш бўйича инструктаж олиш; жиҳозларни сошлаш; иш жойини тайёрлаш; асбоб ва мосламаларни ўрнатиш ва олиш; ишни топшириш кабиларга сарфланадиган вақтдир. Тайёргарлик-яқунлаш вақти-бу ишчи ишнинг бошланиши ва якунида берилган деталь партиясини устида сарфлайдиган вақт; унинг давомийлиги детальларнинг сонига боғлиқ эмас.

Донали вақт деб, битта маҳсулотни тайёрлаш учун сарфланадиган вақтга айтилади. Унга асосан (технологик): ёрдамчи; иш жойига хизмат қилиш; дам олиш учун танаффус вақтлари киради.

Деталь (маҳсулотлар) партиясини ёки битта детални тайёрлаш учун зарур бўлган вақт меъёри қуйидаги формула бўйича чиқарилади.

$$T_{\text{пар}} = T_{\text{дона}} Z + t_{\text{т-я}} (\text{мин}),$$

$$T_{\text{пар}} = t_{\text{асос}} t_{\text{ёр}} + t_x + t_d + \frac{t_{m-я}}{Z} \text{ (мин)}$$

бунда- $T_{\text{пар}}$  хар бир партия учун вақт меъёри:  $T$ -дона-донали вақт меъёри:  $Z$ -партиядаги деталлар сони:  $t_{т-я}$ -деталь партиясини тайёрлаш-яқунлаш вақти;  $t_{\text{асос}}$ -асосий (технологик) вақт;  $t_{\text{ёрдамчи}}$  вақт;  $t_x$ -иш жойига хизмат кўрсатиш вақти;  $t_d$ -дам олиш вақти.

Бир партия деталлар (ёки битта маҳсулот) учун вақт меъёрини минутларда аниқлаб бир соат ва бир сменадаги ишлаб чиқариш меъёрини қуйидаги формулага кўра топиш мумкин:

$$I_{\text{в}} = \frac{60}{T_{\text{дона}}} \text{ (соат)} \quad I_{\text{в}} = \frac{360}{T_{\text{дона}}} \text{ (6 соатда)}$$

Бунда  $I_{\text{в}}$ -ишлаб чиқариш меъёри (бир соат ёки сменада):  $T_{\text{дона}}$ -донали вақт меъёри.

Ишлаб чиқариш меъёри – вақт бирлигида (соат, сменада) ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотлар миқдори бирлигининг натурал (т, кг, м, дона) ифодасидир.

Корхоналарнинг буюртмаси бўйича завод ишлаб чиқариш технологиясига мос ўқув-ишлаб чиқариш ишларига ҳисоблаш (техник) меъёри сифатида корхоналарда қўлланиладиган меъёрлар ишлатилади. Корхоналарда ишлаб чиқилган меъёрлари йўқ бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ҳамда корхона технологиясидан сезиларли фарқ қилувчи технология (йирик серияли ва кўплаб ишлаб чиқариш ўрнига кичик серияли ва доналаб ишлаб чиқариш) бўйича бажариладиган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини ўқув юртлари меъёрлаш инструкциясида берилган меъёрлар жадвалидан фойдаланиб, ҳисобот меъёрларини мустақил белгилайди.

Умумғуруҳавий инструктажи, иш ўрнини тайёрлаш ва йиғиштириш, дам олиш учун танаффуслар ҳамда яқунлаш инструктажларига ажратилган вақтлар ишлаб чиқариш меъёрини белгилаш учун ўқув-ишлаб чиқариш вақтида қўшилмайди.

*Мисоллар келтирамиз.* Ўқув куни - 6 соат ёки 360 минут. Ишнинг бажариш учун белгиланган вақт 60 минут, бунда ўқув- ишлаб чиқариш вақти 300 минут бўлади. Демак, ўқув меъёри хар бир маҳсулот учун айтайлик 120 минут бўлганда ўқувчининг кундалик ишлаб чиқариш меъёри қуйидагича бўлади.

$$\text{Ишлаб чиқариш меъёри} - \frac{300_{\text{мин}}}{120_{\text{мин}}} - 2,5 \text{ маҳсулот (3 та маҳсулот олинади).}$$

Агар гуруҳ бир хилдаги ишларни бажарса унда маҳсулот сони ўқувчилар сонига кўпайтириб, бутун гуруҳ учун кундалик ишлаб чиқариш меъёрига эга бўламиз.

Белгиланган (ўқув ёки ишлаб чиқариш) меъёрнинг ҳақиқий бажарилиши ўқитувчи томонидан фоиз ҳисобга олинади ва ўқувчиларнинг иш вақтидаги ҳисобларига қайд этилади. Берилган вақт меъёрига нисбатан ҳақиқий бажарилган ишнинг фоизи қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$N_{\text{ҳақиқий}} = \frac{N_{\text{бер.меъёр}}}{V_{\text{ҳақиқий}}} \cdot 100$$

М и с о л. Агар  $N$  берилган = 12 соат - берилган меъёр, маҳсулот тайёрлаш учун кетган ҳақиқий вақт  $V_{\text{вақт}} = 8$  соат бўлса, унда  $N_{\text{ҳақиқий}} = \frac{12}{8} \cdot 100 = 150(\%)$  бўлади.

*Шогирдлик вақт меъёрини белгилаш.* Ўқитишнинг маълум ўқувчиларнинг ўқув ишларини бажариш меъёрлари, корхоналарда ишлаётган малакали ишчилар меъёридан фарқ қилади.

Корхонадаги меъёрни ҳисоблашда ишчида зарурий малака ва ишлаб чиқариш тажрибаси мавжуд деб назарда тутилади. Ўқувчилар эса таълимнинг бошланғич даврида талаб қилинадиган малакаларга бутунлай ёки етарлича эга бўлмайдилар, уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари жуда чекланган бўлади. Шу сабабларга кўра

ўқувчилар ишни малакали ишчилар учун қабул қилинган техник меъёрлар бўйича бажара олмайдилар.

Ўқувчиларда узоқ вақт давомида зўр бериб ишлашни талаб қилувчи қатор ишларни бажариш шароитлари учун етарли жисмоний мослашганликнинг йўқлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, ўқувчилар ўқув топшириқларини бажариш жараёнида инструктаж олиш учун ҳам вақт сарфлайдилар. Шу туфайли ҳар бир касб бўйича тузатиш коэффицентларининг ягона шкаласи киритилган.

Малакали ишчининг ҳисоблаш (техник) меъёридан шогирдлик меъёрига ўтишида тузатиш коэффицентининг шкаласи тажрибада синалган, касб-хунар коллежларида жамланган материаллар асосида ўқитишнинг ҳар бир ойига мос қилиб тузилади. Унда таълим давридан ташқари ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг мураккаблик даражаси ҳисобга олинади. Шкала ўқувчиларнинг малака даражаларини аста-секин оширишни ва ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш ишларини биринчи ўқув йилининг охирига келиб 1-2 разряд, иккинчи ўқув йилининг охирига келиб 2-3 разряд меъёрларига мувофиқ бажаришларини назарда тутиб тузилган.

Шогирдлик вақт меъёри қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$T_{\text{ш}} = (T_{\text{дона}} + \frac{T_{\text{т-я}}}{Z}) K \text{ ёки } T_{\text{ш}} = TK,$$

Бунда  $T_{\text{ш}}$  - шогирдлик вақт меъёри, минут;  $T_{\text{дона}}$ -донали вақт меъёри, минут (бир топшириқни тайёрлаш учун сарфланадиган вақт);  $T_{\text{т-я}}$ -тайёрлаш якунлаш вақти, мин;  $T$ -техник (ҳисоблаш) вақт меъёри, минут;  $Z$ -партиядаги деталлар сони;  $K$ -меъёрлаш бўйича инструкциядаги жадвалдан олинган тузатиш коэффицентига мувофиқ.

Вақт меъёрини белгилаш катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бунда ўқувчилар ўз меҳнатларини тўғри ташкил қилишга ва унумли меҳнат қилишга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга вақт меъёрини белгилаш ўқувчилардан кўпроқ маҳсулот олишни назарда тутмайди. Асосий эътибор меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, тежамкорликни, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга интилишни тарбиялашга қаратилади.

Ўқув ишлари меъёрлашни татбиқ қилар экан, ишлаб чиқариш таълими ўқитувчиси ўқувчилар томонидан меъёрнинг бажарилишини қатъий ҳисобга олиб бориши ва ана шу асосда уларнинг ҳар бирида меҳнат унумдорлигини аста-секин ошириб бориш чораларини кўриши зарур.

## 11-мавзу: КАСБ ТАЪЛИМИДА ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – 2 соат

Режа:

1. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида авторитар, демократик, либерал бошқариш фаолияти.
2. Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш.. Касб-хунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботи

### **Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида авторитар, демократик, либерал бошқариш фаолияти**

Педагогик муносабатлар жараёнини таҳлил қилиш унда иккита кўшимча тизимларни ажратиш кўрсатишга имкон беради:

-Ўқитувчини ижодий фаолиятга тайёрлаш.

-Ўқитувчилар билан бевосита муносабатлар давомидаги ижодий фаолияти.

Педагогик муносабат педагогик фаолият таркибида иштирок этади.

Муносабатнинг коммуникатив тури маълумотлар алмашиш, бир-бирига таъсир кўрсатиш, бошқанинг хулқига таъсир кўрсатишни кўзда туттади.

Коммуникатив жараённинг воситалари нутқ, имо-ишоралар, мимика, пантомимика, овоз оҳанги, тўхталишлар, «кўз орқали боғланиш» тизимлари ҳисобланади.

Муносабатнинг интерактив тури ўзаро алоқалар умумий стратегиясини кўзда тутлади. Муносабатнинг перцептив тури бошқа одам образини ташкиллаштириш жараёнини ўз ичига олади. Бу жараёнда асосий механизмлар қуйидагилардан иборат:

Тенглаштириш - ушбу одамни маълум бўлган унга ўхшашига ўхшатиш.

Рефлексия - идрок этиш объектини бошқа одамлар қандай қабул қилишларини англаб етиш.

Мазмуни мақсадлари ва воситаларига кўра муносабат бир неча турга ажратилади. Уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- моддий (фаолият предметлари ва маҳсулотлари билан алмашиш)
- когнетив (билимлари билан алмашиш)
- кондицион (психик ва физиологик ҳолатлари билан алмашиш)
- сабаблилик (истаклари, мақсадлари, қизиқишлари, талаблари билан алмашиш)
- фаолиятлилик (ҳаракатлари, иш бажаришлари, маҳоратлари, кўникмалари билан алмашиш)

Воситалари бўйича муносабат қуйидагича бўлиши мумкин: бевосита; билвосита; тўғридан-тўғри; тааллуқли (боғланиш) алоқа ва масофалилик; диалогик ва монологик; оммавий ва шахслараро.

Мутахассислик-педагогик муносабат босқичлари қуйидагича:

- ўқувчи билан бўладиган муносабатни педагог томонидан ишлаб чиқилиши (тахмин қилиш босқичи)
- аудитория билан бевосита муносабатларни ташкил этиш (муносабатнинг бошланғич даври)
- педагогик жараён пайтида муносабатларни бошқариш
- амалга оширилган муносабатларни таҳлил қилиш ва кейинги фаолият учун янги муносабат тизимини тузиб чиқиш.

Моделлаштириш босқичи - бу ўзаро алоқалар коммуникатив тузилмани ўзига хос режалаштириш деб ҳисобланади.

Бу тузилма педагогика масалаларига, вужудга келган вазиятга педагог индивидуаллигига, ўқувчилар хусусиятларига мос тузилади.

Бевосита муносабатларни ташкил этиш. Бу босқичда ташаббусни педагог ўз қўлига олади. Шу мақсадда бўлажак муносабатлар шароитида мўлжаллар амалга оширилади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

- Педагогнинг ўқувчилар билан муносабатлари ўз усулини англаб етиши.
- Унинг ўқувчилар аниқ бир жамоаси билан муносабатлари тажрибасини хаёлан қайта тиклаш, эсга олиш.

Янги коммуникатив шароитларда муносабатлар усулини аниқлаш. Муносабатларни бошқариш - қўлланилаётган таъсир кўрсатиш усулларини коммуникатив таъминлашдан иборат бўлади. Муносабатларни бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- муносабат моделини аниқлаштириш
- муносабатлар шароитини ва тузилишини аниқлаш
- бевосита муносабатларни амалга ошириш.

Педагогик муносабатларнинг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш коммуникатив масалаларнинг ечилиши якуний босқичи ҳисобланади. Бу босқичнинг асосий вазифаси ташхис тузатиш ҳисобланади.

Педагогнинг ижтимоий вазияти педагогик муносабат усулида акс эттирилади.

Педагогик муносабатларни турларга ажратиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- авторитар усул
- демократик усул
- либерал усул

Муносабатнинг авторитар усули ўқувчилар фаолияти бўйича ҳамма масалаларни педагогнинг бир ўзи ҳал қилишидан иборат бўлади. Демократик ёки ҳамкорлик усулида



ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларида субъектнинг ролини оширишга, умумий ишни бажаришга ҳаммани жалб этишга эътибор қаратади. Бу усулнинг хусусияти - бир-бирини тушуниш ва бир-бирини ўйлаш ҳисобланади.

Муносабатнинг либераль (бепарволик, эътиборга олмаслик) усулида ўқитувчи ўқувчилар фаолиятига камроқ аралаштиришга интилиши билан ифодаланади.

Бепарволик муносабат усули аралашмаслик тактикасига амал қилади, эътиборсизлик ва қизиқтирмасликни ифода этади. Муносабатларнинг усулига қуйидагилар киради:

Педагогик муносабатнинг дўстона илтифотларига асосланган усули.

Муносабатлар - масала

Муносабат - қўрқитиш

Муносабат - ҳазиллашиш.

Педагогик муносабатлар жараёнида эмпатия - ҳамдардлик катта аҳамиятга эга бўлади.

Эмпатия педагогик масалаларни муваффақиятли ҳал этиш ва педагогик мақсадга мувофиқ педагоглар қамда ўқитувчилар ўзаро муносабатларини ўрнатишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, педагогик муносабат ижодиёти алоҳида туридан иборат бўлади, маълумотлар етказиш маҳоратида, ўқувчилар ҳолатини тушуниш, муносабат бўйича шеригига таъсир кўрсатиш санъатида, ўзининг психик ҳолатини бошқаришда ўз ифодасини топади.

### **Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш**

Билим, кўникма ва малакалар сифати энг аввал уларнинг пухталиги ва онглилиги билан характерланади. Билим, кўникма ва малакаларнинг пухталигига ишонч ҳосил қилиш учун уларни фақат ўзлаштирилаётган пайтда эмас, балки ўқувчиларнинг кейинги фаолиятларида ҳам текшириш керак.

Таълим жараёнида ўқувчиларни тизимли ва режали назорат қилиш катта аҳамиятга эга. Касб-ҳунар таълими дарсларида олинадиган билим, кўникма ва малакаларнинг сифати кўп жиҳатдан уларнинг “ихчамлиги”, яъни уларни ўқувчилар янги меҳнатнинг шароитларида қанчалик қулай олишларига боғлиқ. Масалан, ўқувчилар тикувчилик дарсларида олган билим ва малакаларидан фойдаланиб тикувчилик машиналари(оверлог, тўғри ва ҳар хил чок тикадиган, зигзаг, тугма қавийдиган, петля тикадиган ва ҳ.к.)да мустақил ифодалаш топшириғини қўйиш мумкин. Политехник таълим вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчилар бундай топшириқларни бажаришга тайёрланган бўлиши керак.

Ўқув устахоналаридаги машғулотларда мустақил кузатиш бўйича ўқувчилар амалий иш бажараётганда улар вақт меъёрини объектив белгилаш мақсадида ўз меҳнат фаолиятини ўзи кузатишига оид бериладиган топшириқни кўрсатиш мумкин.

Бошқача сўз билан айтганда, ўқувчилар ҳар йили ёки бир неча йил давомида такрорланиб турадиган энг типик ва мунтазам иш турларини бажаришда ўз фаолиятлари юзасидан ўзлари хронометраж (вақт ўлчами) ўтказишлари мумкин.

Хронометраж жараёнида ҳар бир ўқувчи секундомер ёрдамида ҳар қандай буюмни тайёрлашда ҳар бир меҳнат операциясига сарфланадиган умумий вақт меъёрини хронокартага қайд этади. Бундай кузатиш давомли (чорак, ярим йил) бўлади. Бу меҳнатни меъёрлашни ўрганиш маъносида ўқувчиларнинг ўзлари учун ҳам, ўқув устахонаси учун ҳам қимматли бўлиб бундан ташқари тайёрланадиган маҳсулот учун ўқувчиларга объектив вақт меъёрини белгилашда биринчи навбатда, касб-ҳунар таълимининг ташкилий томонларини яхшилашга ёрдам беради.

Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларини бўш вақтларини бошқаришда дарсдан ташқари ишлар яъни мустақил таълим олиш катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятлари, шунингдек, ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

- семинарлар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- лойиҳалар ва амалий топшириқларни бажариш;
- диплом ишига тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимларини топиш;
- макет, модель ва намуналар яратиш;
- ҳисоблашлар ва график ишларни бажариш;
- берилган мавзу бўйича компьютерлардан керакли маълумотларни мустақил излаб топиш ва реферат тайёрлаш;
- электрон дарсликлардан фойдаланиб, топшириқларни бажариш.

Ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин. Ўқув дастурларида ўқувчи мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади.

Ҳар бир фан бўйича ўқувчининг мустақил ишига раҳбарлик қилиш ўқитувчининг шахсий иш режасида қайд этилади.

Ўқувчи мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедра ёки бўлимда тузилиб мудирлари томонидан тасдиқланадиган маслаҳатлар жадвали асосида амалга оширилади.

Ўқувчининг мустақил иши бўйича маслаҳат соатлари гуруҳ журналида қайд этилиб борилади. Ўқувчи мустақил ишини назорат қилиш ўқув машғулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Ўқувчининг мустақил иши, муайян фан ўқув дастурида ажратилган соатларга мос баҳоланади ва натижаси бўйича ўқувчининг умумий баҳосига киритилади. Ўқувчининг ўзлаштириш кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича олган баҳолари гуруҳ баҳолаш ойнасида ёритиб борилади.

Ўқувчининг мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари тегишли бўлим ёки кафедра томонидан белгиланади ва касб-хунар коллежи илмий педагогик кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари ўқувчиларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдида методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

Фанлар кесимида ўқувчиларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда гуруҳларда, бўлим йиғилишлари ва коллеж илмий педагогик кенгашида муҳокама этиб борилади.

Ўқувчининг мустақил иши бўйича бажарган ишлари (ҳисобот, реферат, ҳисоблашлар ва ҳ.к.) рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сақланади.

Ўқувчиларнинг юқори даражада баҳоланган мустақил ишлари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Касб-хунар коллежларида мустақил ишларни замон талаблар асосида ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилар яхши педагог ва касб-хунар сирларини яхши биладиган мутахассислар бўлиши керак.

Касб-хунар коллежларида мустақил ишларни самарали ташкил этиш учун қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш керак:

- ўқувчиларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш мазмуни, шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириш;
- таълим, тарбия ва ривожлантириш мақсадларининг бирлиги, умумилмий, умумкасбий ва махсус тайёргарликнинг узвийлигини таъминлаш;
- илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, фан ва техника ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда таълим-тарбия жараёнига жорий этишдан иборат.

Мустақил ишларда иштирок этиш касб-хунар коллежларидаги барча раҳбарлар, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар учун мажбурий бўлиб, уларнинг педагогик фаолиятини ажралмас қисми ҳисобланади. Касб-хунар коллежларидаги мустақил ишларнинг мазмуни

ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан тасдиқланган мустақил ишлар тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - ТДПУ, Тошкент., 2003 й. 176 бет.
2. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқуддусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. (ЎМКХТ марказининг 2005 йил 17 августдаги 192-сонли буйруғига 5-илова) Тошкент., 2005 й. 32 бет.

### **12-мавзу: КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИ ВА ЎҚУВ УСТАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР – 2 соат**

Режа:

1. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномаси.
2. Касб-хунар таълими ўқувчисининг функционал вазифалари
3. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг ҳуқуқ ва бурчлари
4. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасини тайёрлаш ва унга қўйиладиган талаблар
5. Ўқув режалари ва дастурларнинг бажаришини ҳисобга олиш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини, давоматини ва хулқ – атворини ҳисобга олиш, касб-хунар таълими ўқув устасининг ҳисоботи

#### **Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномаси**

Касб-хунар таълими тизимида кичик малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан касб таълими ўқитувчилари ва ўқув устасининг лаёқатларига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий педагогик кўникма ва малакалар тизими яратилади, ўқувчилар керакли ишлаб чиқариш тажрибасига, касбий маҳоратга эга бўладилар. Шунинг учун касб-хунар коллежлари касб таълими ўқитувчилари ва ўқув усталари ишлаб чиқариш жараёнининг ва ўз меҳнат фаолиятининг мазмунини аниқ тасаввур этиш лозим. Ҳозирда касб-хунар таълими тизимида ҳар йили махсус педагогика маълумоти ва таълим-тарбия иш тажрибасига эга бўлмаган янги муҳандис педагоглар, яъни корхоналарнинг малакали ишчилари, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчилари келиб қўшилмоқда. Касб-хунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган муҳандис-педагоглар мутахассислик малакасига ҳамда педагогик малакага эга бўлиши лозим.

Мутахассислик малакаси деб, касб таълими ўқитувчилари ва ўқув устанинг махсус соҳа бўйича кўникма ва малакалари назарда тутилади. Уларнинг малакаларининг иккинчи қисми “Касбий педагогика” билим соҳасига тегишли бўлиб, педагогик малакаларини ўз ичига олади. Чунки ўқув жараёни фақатгина билим беришга асосланиб қолмасдан, балки таълим ва тарбия психологияси билан узвий боғланган. Бу эса улардан психология, касбий педагогика, иқтисод асосларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш асослари бўйича ҳам малакаларга эга бўлишини талаб этади. Мутахассислик ва педагогик малакалар билан бир қаторда касб таълими ўқитувчилари ва ўқув усталарида шахсий ва ижтимоий лаёқатларнинг ҳам бўлиши талаб этилади.

Шахсий лаёқатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: ўзини тутиши, шахсий ижодкорлик, масъулиятлилик ва бошқалар. Ижтимоий лаёқатларга ташкилотчилик қобиляти, ўқувчилар билан муносабат, жамоа билан муносабат киради. Бундан ташқари ўқитувчи ва ўқув усталар раҳбарлик қобилятиларига ҳам эга бўлишлари лозим. Чунки касб таълими ўқитувчилари ва ўқув усталар фақат ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини бажарибгина қолмай, балки гуруҳларга раҳбарлик қиладилар.

Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан 2001 йил 16 ноябрда тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар, педагог ва муҳандис-педагог ходимларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида”ги Низомда ўқитувчининг ва касбий таълим ўқитувчисининг лавозим мажбуриятлари аниқ баён қилинган.

### **Касб-хунар таълими ўқитувчисининг функционал вазифалари**

Касб таълими ўқитувчисининг лавозим вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, маҳорат ва малакасини ривожлантириш;
- танланган касб ва ихтисослиги ўқув фанлари бўйича чуқур билимларни, илмий дунёқарашни шакллантириш;
- таълим жараёнида ўқитишнинг самарали усуллари, воситалари ва шакллари, янги педагогик технологияларни кенг қўллаш;
- ўқитадиган фани бўйича дарсдан ташқари ишларни, тўғрақ машғулотларни ташкил қилиш;
- ўқувчиларни билим сифати, ўзлаштириш даражаси ва давоматини назорат қилиш;
- ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш;
- ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш;
- ўқув хоналарини жаҳон стандартлари ва дизайн талаблари даражасида жиҳозлашда катнашиш;
- илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш;
- мунтазам равишда малакасини ошириш.

#### Билиши зарур:

- Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларни;
- ўқитадиган фаннинг ўқув режа, дастур ва дарсликларнинг мазмунини;
- давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини, таълим ва ёшлар тўғрисида ҳукумат томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларни;
- мустақил Ўзбекистон рамзларининг мазмун ва моҳиятини;
- ўсмирларнинг ёш ва махсус психологиясини, педагогикани, ўсмирлар ривожланишининг асосий қонуниятларини;
- педагогик, илмий-методик ва ташкилий бошқарув вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳажмда умумназарий фанлар асоаларини;
- педагогик цикл фанларини;
- ёш физиологияси ва ўқувчилар гигиенасини;
- информатика ва электрон ҳисоблаш техникаси асосларини;
- ўқувчиларнинг турли хил жамоаларини шакллантириш ва бошқариш йўлларини;
- ўқув хоналар ва ёрдамчи хоналарни жиҳозлашга қўйилган талабларни;
- таълим воситаларини ва уларнинг дидактик имкониятларини;
- таълимни ва педагогик фан тараққиётининг асосий йўналишларини ва истиқболини;
- меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ҳуқуқ асосларини.

Касб таълими ўқитувчилари бундан ташқари мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш технологияларини, иқтисод асослари, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш асосларини билиши керак.

#### Малака талаблари

Олий тоифали ўқитувчи – фан доктори, номзоди иш стажига талаб қўйилмайди, педагог (муҳандис-педагог) ихтисослиги бўйича магистр; педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис ва тегишли фандан 1-тоифали ўқитувчи сифатида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши лозим;

1-тоифали ўқитувчи – педагог (муҳандис-педагог) ихтисослиги бўйича магистр, педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис ва

тегишли фандан 2-тоифали ўқитувчи сифатида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши лозим;

2-тоифали ўқитувчи - педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис ўқитувчи сифатида камида 3 йил иш стажига (магистр иш стажига талаб қўйилмайди) эга бўлиши лозим;

ўқитувчи - педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис, иш стажига талаб қўйилмайди.

#### Режалаштириш бўйича вазифалар:

Ўқитувчининг лавозим мажбуриятларини иш бажариш кетма-кетлигига қараб 3 босқичга бўлиш мумкин:

- Режалаштириш бўйича вазифалар;
- Амалга ошириш бўйича вазифалар;
- Баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича вазифалар.
- Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар асосида таълимнинг мақсад ва мазмунларини танлаш ва режалаштириш;
- ўқув режа ва дастурлар асосида календарь мавзули режа ва дарс режасини ишлаб чиқиш;
- таълимни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;
- ўқувчиларнинг қобилиятлари ва билимларини баҳолаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;
- корхонанинг турли бўлимларида ўқувчиларни ўқитиш жойларини режалаштириш;
- қўйилган мақсадларга жавоб берадиган иш топшириқлари ва машқларни тайёрлаш;
- амалий машқлар ҳамда лойиҳаларни ўтказиш учун хомашё ва чиқим материалларни режалаштириш;
- ўқув устахонасида ўқитиш учун етарли шароитларни тайёрлаш;
- ўқув-дидактик материалларни аниқлаш, танлаш ва ишлаб чиқиш.

#### Амалга ошириш бўйича вазифалар:

- ўқувчиларни ўқув амалиёти хоналари билан таништириш;
- ўқувчиларни амалий топшириқларни мустақил бажаришга жалб этиш;
- техника хавфсизлиги бўйича ва амалий топшириқлар, машқларга тааллуқли йўл-йўриқлар ҳамда иш ўрнида ўқув суҳбатлар ўтказиш;
- ускуналар билан ишлаш ёки ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ишларига тааллуқли намоишлар ўтказиш;
- анъанавий ёки ноанъанавий усулларга асосланган амалий машқларни ўтказиш.

Баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича вазифалар Ўқувчиларнинг амалий натижаларини кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- ўқувчиларнинг ўзлаштирилган назарий билимларини баҳолаш;
- ўқувчиларнинг хулқини баҳолаш;
- таълимнинг мавжуд шароитларининг сифатини баҳолаш;
- режалаштириш ва ташкиллаштириш бўйича ҳужжатларнинг сифатини баҳолаш;
- ўқув-дидактик материалларнинг сифатини баҳолаш;
- ўзи берган йўл-йўриқ ва намоишларни ўзи баҳолаш;
- берилган топшириқларнинг сифатини ўзи баҳолаш.

#### **Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг ҳуқуқ ва бурчлари**

Ўқув жараёнида ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнайди. Касб-хунар таълимида вақтнинг асосий 80 % ини ўқувчиларнинг мустақил амалий ишларида ўқитувчининг роли катта, ҳамма нарса ўқитувчи томонидан олдиндан пухта ўйланса ва яхши ривожлантирилса, ўқувчилар мустақил ишлай оладилар. Бу эса касб-хунар таълими ўқитувчисининг кенг билимдонлиги, пухта амалий тайёргарлиги, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг касб-хунар коллежларидаги касб-хунар таълими ўқитувчилари ва ўқув усталари:

1. Юксак ахлоқий фазилатларга, ўз касбига оид тегишли маълумот ва касбий

- тайёргарлигига эга бўлган қобилиятли бўлиши;
2. Миллий маданият ва қадриятларни, дунёвий билимларни яхши билиши ва диний илмлардан ҳам хабардор бўлиши;
  3. Юқори методик, психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши;
  4. Эркин ва ижобий фикрлай оладиган талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи керак.

### **Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасини тайёрлаш ва унга қўйиладиган талаблар**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи замонавий педагогга қўйиладиган талаблар мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг ушбу мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий (фундаментал) талаблар қуйидагилардан иборат:

-таълим бериш маҳорати:

-тарбиялай олиш маҳорати;

-ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари:

-таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

**Таълим бериш маҳорати** педагогга қўйиладиган талаблар ва ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш шартлари билан боғлиқ бўлган қуйидаги бош (доминант) омиллар билан аниқланади:

-қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;

-педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлиги;

-фанни чуқур билиши, касбий омилкорлик ва эрудиция;

-янги педагогик ва компьютер технологияларни билиш;

-касбий ахборот манбалари сифатида чет тилларни билиш;

-янги услуб ва билим манбаси сифатида илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

-узлуксиз таълим тизимининг меъёрий хужжатларини билиш;

-ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишнинг моддий техника базаси билан боғлиқ бўлган ахборот базаси ва ресурслари.

**Тарбиялай олиш маҳорати** педагогнинг юксак маданият ва маънавият савиясига, шахсий ахлоқи, ватанпарварлик ва бурч (ҳислар)ига асосланади. Таълим олувчиларда дунё яхлитлиги юксак маданият, маънавият ва дунёвий тафаккурни шакллантириш учун педагогнинг ўзи гуманитар ва гуманистик руҳида тарбияланган ҳамда ўқув-тарбия ишини ташкил этиш маҳоратига эга бўлиши шарт.

Педагогнинг ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи **шахсият фазилатларига** қуйидагилар қиради: талабчанлик ва адолатлилик, ҳалоллик ва хайрихоҳлик, киришимлилик ва ҳазил-мутойиба ҳисси. Ушбу фазилатлар педагогнинг таълим олувчилар олдида обрўсини белгилайди. Педагогнинг шахсий фазилатлари унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини холисона **баҳолаш ва назорат қилиш** маҳорати психологик-педагогик жиҳатдан педагогнинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳорати билан узвий боғлиқ. Педагог таълим олувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини билиши ва уларни мукамал равишда рейтинг назоратда қўллаш олиши, ҳамда стандарт тестларни ишлаб чиқа олиш ва қўллаш олиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

**Ўқитувчининг меҳнати ва маҳорати.** Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчилик фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва характер билан боғлиқ. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, ширин сўзлик каби хислатларга эга бўлиши керак. Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлса, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўлсагина тез обрў ҳурматга эга бўлади.

*Ўқитувчининг фаолияти ва касбий имиджи.* Ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳар бир бошқа фаолият каби ўзининг аниқ услубига эга бўлади. Фаолият услуби-тўла маънода усуллар, ҳолатлар, шаклларнинг турғун тизимидан иборат бўлиб, у ҳар хил шароитларда ҳам мавжуд бўлади. У фаолият тузилишига боғлиқ бўлиб, унинг-субъектнинг шахсий-психолог хусусиятига боғлиқ. Бугунги кун ўқитувчисига қўйилаётган замонавий талабларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Ўқитувчининг касбий фаолияти фавқулодда умумий ва хусусий қобилиятларни талаб қилади. Касбий-педагогик фаолиятнинг муваффақияти хусусий педагогик қобилиятларга боғлиқ бўлади. Педагогик қобилиятларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

- объектга (талабага) нисбатан сезгирлик;
- коммуникативлик – инсонларга юз тутиш, хайрихоҳлик, муомалалик;
- перцептив қобилиятлар – касбий етуклик, эмпатия, педагогик туйғу;
- шахс динамикаси – иродага таъсир эта олиш ва мантиқий ишонтира олиш қобилияти;
- ҳиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;
- креативлик – ижодий иш қобилияти.

Педагогнинг хусусий қобилиятларига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир. Ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилиятларига қуйидагилар киради:

- талабани тушунишни кўриш ва сезиш, бундай тушунишнинг даражасини ва характерини ўрнатиш қобилияти;
- ўқув материални мустақил танлаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;
- материални етарли баён қилиш, унинг барча талабаларга тушунарлилигини таъминлаш қобилияти;
- талабаларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;
- ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;
- талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;
- ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;
- ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;
- мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.

Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилиятларга қуйидагилар киради:

- бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилияти);
- тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;
- тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;
- мулоқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;
- ҳурмат қозониш, талабалар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

**Ўқув режалари ва дастурларнинг бажаришини ҳисобга олиш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини, давоматини ва ҳулқ – атворини ҳисобга олиш, касб-ҳунар таълими ўқув устасининг ҳисоботи**

Ўзлаштиришни ўз вақтида, тизимли тарзда, ҳар ёқлама, тўғри йўлга қўйиб ҳисобга олиб бориш ўқув режаси бажарлишини, ҳар бир ўқувчи ишлаб чиқариш таълими дастури ҳамма мавзуларини бажараётганини назорат қилишга, билим, малака ва кўникмани баҳолашга ёрдам беради.

Ишни объектив, ўз вақтида ва мунтазам баҳолаб бориш ўқувчиларни уюштиради, интизомли қилади ва уларнинг масъулиятини ва ўқишга қизиқишини оширади.

*Жорий ҳисобга олиш.* Кун давомида ишлаб чиқариш таълими устаси ўқувчилар ишини кузатади, улар фаолиятини назорат қилади, ўқув-ишлаб чиқариш ишларидаги турли кўрсаткичларга биноан ўқувчилар билимини, малакасини ва кўникмаларини аниқлайди.

Таълим даври, дастур мавзуи ва дарс мақсади қандайлигига қараб, уста ўқувчилар фаолиятини баҳолашнинг аниқ, бир кўрсаткичларини белгилайди ва уларни ўзининг дарс иш режасига киритади. Бунинг учун уста иш режасига схема-жадвал киритиб, унга кириш йўл-йўриқлари ва жорий йўл-йўриқлар бериш давомида баҳолар қўйиб боради. Шундай қилиб, яқунловчи йўл-йўриқ бериш олдидан ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими дарсидаги фаолиятининг ҳамма соҳалари учун қўйилган баҳолар уста қўлида бўлади.

Схемалар таълим даврига қараб ўзгара бориши мумкин. Масалан, ихтисосни эгаллаш даврида ва назорат-яқунлаш даврида схемага ўзлаштиришни баҳолашнинг қуйидаги кўрсаткичлари киритилиши мумкин: режани бажариш, ишлов бериш сифати, ишга баҳо бера олиш, ишдаги мустақиллик, ёзма йўл-йўриқлар тузиш ва уни дарсда қўллаш билиш ва ҳ. к.

Ишлаб чиқариш таълими устаси, шунингдек ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётидаги фаолиятлари баҳосини ҳам ҳисобга олиб боради. Ҳисобга олиш ва баҳо қўйиш учун ишлаб чиқариш таълими журнали билан устанинг шахсий кундалик дафтари асосий ҳужжат бўлади.

Айниқса ўқувчилар турли ательеларга ёки тикувчилик фабрикасининг бошқа-бошқа цехлари ва сменаларига тақсимлаб юборилганларида, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти-даги ишини улар бириктирилган ишчилар ва смена усталари ҳам баҳолашлари керак.

Уста ишнинг қандай ва қайси усулда бажарилаётганини ку-затади, кийимлар ва операциялар сифатини, ўқувчилар билимини текширади, шундан кейингина баҳо қўяди.

*Мавзу бўйича ҳисобга олиш* - бу ишлаб чиқариш таълими дастури мавзуларидан билимларни, малакаларини ва кўникмаларни аниқлаш; бунда назорат-текшириш ишлари воситасида мавзу бўйича ҳисоб олиб борилади.

Ишлаб чиқариш таълимидаги назорат-текшириш ишларидан ва курс ишларидан мақсад ўрганилаётган мавзулар вазифасига мувофиқ ўқувчиларнинг муайян вақт орасидаги билимлари, малакаси ва кўникмаларини вақт-вақтида текшириб туришдан иборат.

Нazorat-текшириш ишлари таълимнинг ҳамма даврларида ўтказилади. Назорат ишига намуна-эталонлар тайёрлаб қўйиш керак бўлиб, ўқувчилар бажараётган назорат-текшириш ишларини шуларга солиштириб кўришлари мумкин бўлади.

Нazorat ишларининг амалий қисмига уста саволлар ҳам тайёрлаб қўяди. Мақсади ва мавзу қандайлигига қараб, уста назорат асосий масалаларини, билимларни, малакаларни ва кўникмаларни баҳолаш кўрсаткичларини аниқлайди, дарс режасига назорат-текшириш ишини баҳолаш жадвалини қўшади.

Нazorat иши ўтказилаётганда ҳар бир ўқувчига топшириқ - карточка билан бирга ҳамма керакли моддий-техника воситалари (газламалар, бичиқ деталлари, бичиқ, фурнитура, асбоблар, иплар ва ҳ. к.) ҳам берилади. Уста назорат-текшириш ишини бажариш тартиби ҳақида, бажарилаётган ишга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳақида гапириб беради, намуна-эталонлардан қандай фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради, иш учун ажратилган вақтни маълум қилади.

Ўқув устахонасида ускуналар етарли бўлса, назорат-текширув ишини ялпи ўтказса ҳам бўлади, лекин ускуналар етишмаса, унда уста ўқувчиларнинг иш ўринларига ўта боришлари жадвалини олдиндан тузиб қўйиши керак.

Уста тайёрлов давридаги назорат-текшириш ишларини альбомларда сақлаб қўйишларини ўқувчиларга айтади. Кейинчалик ўқувчилар шу намуналарга қараб, дарсларда ва уйларида методик ва дидактик материаллар тайёрлайдилар, бундан эса кейин фойдаланиш мумкин бўлади.

Дарсдан кейин уста иш сифатини, ёзма жавобларни яна бир бор текшириб, назорат-текшириш ишларига баҳо қўяди. Кейинги дарсда уста ишларни батафсил таҳлил қилади, баҳоларини ўқувчиларга эълон қилади ва бу баҳоларни ишлаб чиқариш таълими журналига ёзади.



*Даврий ҳисобга олиш* — бу маълум вақт орасида ёки иш тугалланган (тикиб бўлинган)дан кейин ўқувчилар ишлаб чиқариш таълимига яқун яшаш. Бир ойга, ярим йилга, бир курсга яқун ясалади. Бу ҳолда кундалик ўзлаштиришлар, назорат-текшириш ишлари ва курс ишлари ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш таълимнинг курс ишлари учун ҳар бир курс охирида кийим тури ва уни тикишга сарфланадиган вақт аниқланади. Назорат иши ўтказишдан мақсад — ўтилатган дастур талабларига мувофиқ билимлар, малака ва кўникмалар даражасини аниқлаш ҳамда малака тоифаларини босқичма-босқич белгилаш. Курс ишини касб-ҳунар коллежи комиссияси қабул қилади ва баҳолайди.

Тайёр кийимга баҳо қўяётганда уста буюмни қабул қилиб ва унинг сифатини текширишни уюштирибгина қолмай, балки айна вақтда ўқувчилар билимларини текшириши ҳам керак. Нуқсонлар топилиб қолса, уста уларни тузатиш юзасидан кўрсатмалар беради ва нуқсонлар тузатилгандан кейин кийимни яна текширади, унинг сортини, кийимга сарфланган вақтни ва маҳсулот битириб чиқариш меъёрини белгилайди. Кийимни тикиш давридаги кундалик баҳоларни ҳисобга олиб, уста узил-кесил баҳо қўяди.

Ўқувчилар фаолиятини баҳолашда тезкорлик малакаси баҳосининг ва ишлаб чиқариш режаси бажарилиш ҳисобга олинишининг, маҳсулот тайёрлаб чиқариш амали меъёрини (% да) аниқлашнинг муҳим аҳамияти бор; бу меъёр куйидаги формуладан аниқланади:

$$\text{режа бажарилиш \%} = \frac{Ma}{Mp} \times 100,$$

бу ерда:  $M_a$  – кийимларда ёки операцияларда тайёрлаб чиқариш амалий меъёри;  $M_p$  - кийимларда ёки операцияларда тайёрлаб чиқариш режа меъёри.

*Яқунловчи ёки жамловчи ҳисобга олиш.* Ишлаб чиқариш таълими яқунловчи-назорат даврида шундай ҳисобга олиб борилади. Малака бериш имтиҳонларини махсус комиссия қабул қилади; бу комиссияга ишлаб чиқариш корхонаси ва касб-ҳунар коллежи вакиллари киради. Корхона вакили малакасини аниқлаш комиссиясининг раиси бўлади. Малакасини аниқлаш имтиҳонлари ўтказиш ва ўқувчиларнинг имтиҳонларга киришига рухсат бериш ҳақида буйруқ чиқарилади. Имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказишда малакасини аниқлаш имтиҳонлари ҳақидаги низомга амал қилиш керак. Комиссия ишларга баҳо қўяди. Малакани аниқлаш юзасидан имтиҳон топширган ўқувчиларга тегишли ихтисосдан разряд берилади.

Имтиҳонлардан кейин касб-ҳунар коллежида ўқувчилар иши кўргазмаси ташкил этилади.

*Ҳисоб-китоб ҳужжатлари.* Ҳисоб-китоб олиб боришнинг асосий ҳужжати ишлаб чиқариш таълими журнали бўлиб, унинг шаклларида қуйидагилар акс этади: ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар, ўқув режаси ўзлаштирилишини ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш таълими дастурлари, касб-ҳунар коллежи устахоналарида ва корхонадаги ишлаб чиқариш амалиётида таълим олиш давридаги ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатининг бажарилиши; ўзлаштиришнинг кундалик, даврий, яқунловчи ҳисобга олиниши, ўқувчилар давомати.

Ишлаб чиқариш таълими журналининг биринчи бетидаги шаклларда уни юритиш қоидалари берилган бўлиб, уста журнални тўлдираётганда уларга риоя қилиши керак. Ихтисос, дастурлар, ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг ҳажми қандайлигига қараб, журналдаги баъзи шаклларни тўлдиришнинг ўзига хос томонлари бор.

Журнални тўлдиришда “Корхоналардаги, техник хизмат пунктларидаги, ўқув хўжаликларидаги ишлаб чиқариш таълими (устахоналарда) ва амалиёти даврида ўқувчиларнинг ўқув дастурларини бажаришлари ҳисобга олиш” деган № 1 шаклнинг баъзи хусусиятлари бор.

Бу шаклда, асли, дастур мавзулари, кичик мавзулари (топшириқлар) яқка тартибда ҳисобга олиб борилади: тайёрлов даврида — операция мавзулар, кийим деталлари ва узелларини тикиш ҳисобга олиб борилади (соат ҳисобида), ихтисос эгаллаш даврида эса

— ўқувчилар тиккан кийимлар ҳисобга олинади. Чап томондаги “Дастур бўлими мавзулари №” хонасининг рўпарасида мавзунинг номери ва номи ёзилади. “Топшириқлар №” хонаси рўпарасида ишлаб чиқариш ишлари рўйхатига мувофиқ буюмнинг № ёзилади. Кейин ҳар бир ўқувчининг фамилияси рўпарасидаги “Текшириш санаси” хонасига кийимнинг амалда тикиб битказилган куни, унинг ёнидаги хонага эса кийим учун қўйилган узил-кесил баҳо ёзилади. Гуруҳда 15 киши бўлгани учун ҳар қайси ўқувчига иккита қатор (чизиқ) ажратиб, инкинчи қаторга кийимни тикишга сарфланган соатлар миқдори ва ҳар бир ўқувчининг режани бажариши % ҳисобида ёзилиши мумкин.

Ўнг томондаги “Мавзулар, ишлаб чиқариш ишлари, топшириқлар №” хонасида ҳам рўйхатга биноан мавзунинг, кийимнинг номи, унинг ёнига эса режада шу кийимга мўлжаллаб ажратилган соатлар миқдори ёзилади. Кўпроқ аниқлик бўлиши учун булар ёнида кийимни тикиб топширишнинг режадаги куни кўрсатилади. Бу исталган ўқувчи ишда қанчалик улгураётганини таққослаб, унинг меҳнат унумини кўриб туришга ёрдам беради.

Шакл №1

Журналнинг чап томони

Дастур бўлими мавзулари №								
Топшириқлар №	1-кузги баҳорги пальто							
Ўқувчининг исми, фамилияси	Текшириш санаси	Баҳо	Текшириш санаси	Баҳо	Текшириш санаси	Баҳо	Текшириш санаси	Баҳо

*Ўқувчининг ишлаб чиқариш таълимидан кундалик дафтари.* Ўқувчиларга устахоналардаги ишлаб чиқариш таълимига ва корхонадаги ишлаб чиқариш амалиётига алоҳида-алоҳида кундалик дафтар тутиш тавсия этилади. Кундалик тутиш ўқувчиларни интизомли қилади, уларга амалий билимлар орттиришда, ўтилган материални мустаҳкамлашда ёрдам беради. Ўқувчилар операцияларни бажариш усуллари, узелни, детални, кийимни тикиш тартиби, операцияларни технологик бажариш, меҳнат хавфсизлиги қоидалари ҳақида ёзиб борадилар, тикиладиган моделлар деталларининг узеллари расмини чизадилар, газламаларга, тикиладиган моделга характеристика берадилар, бажарилган ишларни ҳисобга олиб борадилар.

Кундалик дафтар ўқувчиларга ишни мустақил режалаштиришни, маҳсулот тайёрлаб чиқариш меъёрини ва вақт меъёрини ҳисоблаб чиқишни, ишлаб чиқариш режаси бажарилишини ҳисобга олишни, ишни соатма-соат бўлиб олишни ўргата боради. Бундан ташқари, кундалик дафтарлар тутиш устага ҳисоб-китобни ташкил этишда ёрдам беради.

Дарс мавзуи, ишлаш шароити қандайлигига қараб, кундалик дафтарга кириш йўл-йўриқлари, жорий йўл-йўриқлар, яқунловчи йўл-йўриқлар бериш вақтида ёки дарсдан кейин ёзиб борилиши мумкин ёхуд уй ишлари бажарилиши вақтида ёзилса ҳам бўлади.

Уста кундалик дафтар мунтазам текшириб борилишини унутмаслиги керак, шундагина ўқувчилар уни доимо тўлдирадиган бўладилар.

Таълим муддати қанчалигига, ўқиш ишлари рўйхатига биноан ишларнинг ва буюмларнинг миқдорига қараб, ҳар бир шакл учун муайян миқдорда саҳифалар ажратилади. Ҳар бир шаклни янги бетдан бошлаш керак бўлади.

*Устахонада ўзлаштиришни ҳисобга олиш стендлари.* Ишни ҳисобга олишни ташкил этиш ва ошкоралик бўлиши учун ўқув устахонасида стенд бўлиб, унга гуруҳ жамоатчилиги вакиллари ишлаб чиқариш таълими устасининг раҳбарлигида ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатининг ва ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ҳақида маълумот бериб бориши, иш натижаларига баҳо қўйиб бориши керак (1-шакл). Бундан ташқари стендда гуруҳдаги энг яхши бригада ва энг яхши ўқувчилар ёзилиши керак.

*Давоматни ва хулқ - атворни ҳисобга олиш.* Ҳар бир ўқувчининг ва умуман бутун гуруҳнинг интизомличилигини аниқлаш, ўқувчиларда хулқ-атвор талабларини онгли равишда бажариш одатини тарбиялаш мақсадида ўқувчилар хулқ-атвори ҳисобга олинади. Ўқувчилар хулқ-атворини баҳолашнинг асосий мезони ўқувчиларнинг касб-хунар коллеж ички тартиби қоидалари ва ўқувчиларга қўйиладиган умумий талабларда ифодаланган асосий бурчларни бажаришларидир.

Хулқ-атворни ҳисобга олишда:

- анча тиришқоқлик билан ўқийдиган, айниқса гуруҳнинг, касб-хунар коллежининг ижтимоий ҳаётида, ижтимоий-фойдали меҳнатда фаол қатнашадиган, касб-хунар коллежида, уйда, ётоқхонада, кўчада ўзини намунали тутадиган, касб-хунар коллежининг ички тартиб қоидаларини ва ўқувчиларга қўйиладиган талабларни қатъийлик билан бажарадиган ўқувчиларга “намунали”;

- ўз бурчларини бажарадиган, касб-хунар коллежининг ижтимоий ҳаётида ва ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашадиган ўқувчиларга “қониқарли”;

- касб-хунар коллежининг ички тартиб қоидаларида назарда тутилган бурчларини мунтазам равишда бажармайдиган, касб-хунар коллежида, уйда ва жамоат жойларда интизомсизлик қиладиган ўқувчиларга “қониқарсиз” деган баҳолар қўйилади.

Касб-хунар коллежининг раҳбари, ўқув ишлари, касб таълими ва маънавий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, гуруҳ раҳбари ҳар ойда камида бир марта ўқув ишларини ҳисобга олиш журналин (ўқув йили режаси ва дастурининг қандай бажарилаётганини, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳамда хулқ-атворини, уларнинг машғулотларга қатнашишларини, ҳисоб юритишнинг тўғрилигини) текширадилар. Текширувчилар текшириш натижаларини, таълимнинг йўлга қўйилишидаги ва ўқув ишини ҳисобга олишдаги камчиликларни бартараф этиш ҳқидаги ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини ўқув ишини ҳисобга олиш журнаliga ёзиб қўядилар. Ўқув йилининг ярми тугаши билан ўқитувчи ва усталар бу журналда ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига, хулқ-атворларига, шунингдек, ўқув режа ва дастурининг баарилганлигига яқун ясадилар.

Касб-хунар коллежидаги ярим йил ва йил давомидаги таълим-тарбиявий ишлар натижалари касб-хунар коллежининг педагоглар кенгаши йиғилишида муҳокама қилинади.

*Моддий бойликларни ҳисобга олиш ҳужжатлари.* Ишлаб чиқариш таълими устаси моддий қадриятлар ҳаракатини қаттиқ ҳисобга олиб бориши керак. Бичикни ва қотирма материалларини, фурнитурани уста талабномага биноан омборхонадан олади. Талабнома топшириқ режасига асосан тузилиб, уни катта уста, директорнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича муовини имзолайдилар.

Талабномага асосан кўрсатилган материаллар олинаётганда товарларни бериш учун юк ҳақи (накладной) бичиқлар сони, кийимлар артикули (маҳсулот сифатининг номери), ўлчамлари, баҳоси кўрсатилади. Материалларни олаётганда уста моддий бойликлар мавжудлигини юк ҳақи ёзилганига солиштириб кўради; юк ҳақиға товар бераётган омборчи билан товар олаётган уста қўл қўяди.

Бичиқ ва материалларни ўқувчиларга бераётганда уста юқорида кўрсатилган ҳамма маълумотларни журналга ёзади.

Кийим тикилиб, техник назорат бўлими қабул қилгандан кейин уста уни юк ҳақиға биноан омборхонаға топширади. Юк ҳақида кийимлар сони, уларнинг номери, газлама артикули, кийим ўлчами, рости, баҳоси кўрсатилади; юк ҳақиға моддий бойликларни топшираётган уста ва уларни қабул қиладиган омборчи қўл қўяди.

Ҳамма ҳужжатларда сана кўрсатилиб, шундан бошқа кунлари уларга қўшимча ёзув киритиш ман этилади. Яна моддий бойликлар олиш ёки топшириш зарурати бўлиб қолса, уларга янги ҳужжатлар ёзилади.

*Ишлаб чиқариш таълими устасининг ҳисоботи.* Гуруҳнинг ишлаб чиқариш фаолияти юзасидан ҳисобот ҳар ой охирида, ярим йилда, бир йилда тузилади.

Ой охирида ўқувчи кундалик дафтарида ўз иши якунини чиқаради, кейин уста гуруҳнинг иши ҳақида жамлама ҳисобот тузади.

Амалиёт даврида ҳар ойда гуруҳ мажлиси ўтказиб, унда ўқувчилар ўз ишлари (ишлаб чиқариш амалиётидаги) ҳақида ҳисобот берадилар ва бутун гуруҳ ишига якун ясалади. Мажлисда касб - ҳунар коллеж раҳбарияти вакиллари, бириктирилган ўқитувчи, цех устаси қатнашишлари керак.

Уста ҳар ойда касб - ҳунар коллежи бухгалтериясига ўқувчиларнинг корхонадаги иш ҳақини (сўм ҳисобида) топширади ва иш ҳақи касб-ҳунар коллежининг жорий ҳисобига ўтказилишини ҳамда корхонада ишлаб топилган иш ҳақининг белгиланган фоизини касб-ҳунар коллежи бухгалтерияси ўқувчиларга ёзишини ва унинг тўланишини кузатиб боради.

Ярим йил, бир йил охирида ва гуруҳнинг ишлаб чиқариш таълими тугаганда уста гуруҳ иши ҳақида ёзма ҳисобот тузади. Режанинг бажарилиши, иш сифати ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги рақамли маълумотлардан ташқари уста гуруҳдаги тарбиявий иш ҳақида ҳам ҳисобот ёзиши керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент., Шарқ, 1998. - 64 б.

2. Давлатов К., Воробьев А., Каримов И. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.

3. Елдашева Г. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Тошкент.: ЎМКХТКМО ва УҚТИ. 2006. – 126 б.

### **13-мавзу: КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ – 2 соат**

Режа:

1. Баҳолашнинг объективлиги ва табақалаштирилганлиги
2. Баҳолашда эътиборга олинган омиллар
3. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг рейтинг тизими ва уни амалга ошириш

#### **Баҳолашнинг объективлиги ва табақалаштирилганлиги.**

*Баҳолаш ва унинг аҳамияти.* Таълим олувчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини назорат қилиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли босқичларида таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

*Баҳолаш* – таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишда иборат жараёнлар.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳолашнинг моҳияти ҳақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

*Нима учун баҳолаш керак?*

- Ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;
- ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш учун;

- ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- ўқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;
- ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- ўқувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;
- ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш учун.

*Нимани баҳолаш керак?*

- Назарий билимларни;
- амалий кўникма ва малакаларни;
- хулқ — атвор ва шахсий фазилатларни.

*Қачон баҳолаш керак?*

- Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш);
- Таълим жараёни давомида (жорий баҳолаш);
- Таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

*Баҳолашнинг асосий хусусиятлари:*

- Таълим мақсадига йўналганлик;
- Мунтазам ўтказиб бориш;
- Педагогик, психологик ва ҳуқуқий тамойилларга асосланганлик;
- Умумий қабул қилинган натижа стандартларига асосланганлик.

Юқорида таъкидланганидек, назарий билимлар баҳоланаётганда когнитив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади. Амалий кўникма ва малакалар баҳоланаётганида психомоторик, хулқ - атвор ва шахсий фазилатлар баҳоланаётганида эса — аффектив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади.

*Баҳонинг объективлиги*, айрим ўқувчилар меҳнати натижаларини таққослаш имконини берувчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари (буюмнинг аниқлиги, буюмлар миқдори ва ҳоказолар)га асосланади. Баҳонинг ягона талаблар асосида қўйилиши ҳам унинг объективлигидир. Ана шу талаблар қуйидагилардан иборат:

**1. Ишлаш аниқлиги.** Аниқлик – ҳар қандай маҳсулотни, шу жумладан, тикувчилик саноати маҳсулотларини тайёрлашга қўйиладиган талабдир.

**2. Вақт меъёри.** Меъёрлаш хусусида меҳнат топшириғини бажаришни вақт бўйича чегаралаш ўқувчилар меҳнат операцияларини бажариш усулларини эгаллаб олганларидан кейин амалга оширилиши керак. Бунда ўқувчилар бир йўла ҳам ишнинг сифатли бажарилишини кузатишни, ҳам уни маълум муддатда бажаришга интилишни удралай олмаслиги ва таълимнинг биринчи босқичида вақт меъёри киритилса, миқдор кўрсаткичлари сифат ҳисобига ортишидан келиб чиқади.

**3. Ўқувчиларнинг билимлари.** Ўқувчиларнинг амалий ишлари уларнинг билимларига асосланиб ташкил қилинади. Шу сабабли уларнинг фаолиятини баҳолашда ўқувчилар дастур материални қандай ҳамда ва қанчалик чуқур ўзлаштирганини ҳисобга олиш керак.

**4. Меҳнат усулларини тўғри бажариш.** Ўқувчилар асбобни ушлаш, иш ҳолатида туриш, асбобнинг ишлов берилаётган сиртга нисбатан қандай ҳолатга тутиш ҳақидаги кўрсатмаларни қатъий бажаришлари керак. Меҳнат усулларини тўғри бажариш кўникмалари ўқитувчи томонидан баҳоланади.

**5. Иш ўрнини тўғри ташкил қилиш.** Ишлаб чиқаришда иш ўрнини тўғри ташкил меҳнат унумдорлигини оширади. Ўқувчилар меҳнат маданиятининг савияси кўпроқ ўз иш ўрнини тўғри ташкил қила олишига боғлиқдир.

**6. Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.** Агар ишнинг хавфсизлигини таъминловчи қоидалар бузилса, жароҳатланиш хавфи туғилади. Жихозлар ва асбобларни ишлатишдаги меҳнат усуллари ва ҳоказоларни бажаришдаги хавфсизлик қоидаларини бузган ўқувчиларнинг баҳосини пасайтириш керак.

## **Баҳолашда эътиборга олинадиган омиллар**

*Баҳолаш мезонлари.* Ҳар қандай баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши, яъни ўлчаниши лозим бўлади. Уларни таққослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни англатувчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткичлар сонлар («беш», «тўрт», «уч» ва ҳоказо) сўзлар («аъло», «яхши», «қониқарли» ва ҳоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, баҳолаш мезонлари таълим олувчининг қайси ўзлаштириш даражасини намойиш қилишига қараб мос қўйиладиган баҳо кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

*Баҳолаш шакллари.* Баҳолаш унинг моҳиятидан келиб чиқиб, икки хил шаклда ўтказилиши мумкин:

1. Мезонга асосланган баҳолаш
2. Меъёрга асосланган баҳолаш.

Мезонга асосланган баҳолаш — баҳоланувчининг таълим жараёнида қўлга киритган натижаларини, билим, малака ва кўникмаларини олдиндан белгиланган ўқув мақсадлари асосида ишлаб чиқилган ҳамма учун умумий ва бир хил мезонларга кўра таққослаш ва ўлчашдан иборат бўлган баҳолаш шаклидир. Бундай баҳолаш мезонларни аниқ белгилаб берувчи ўрганиш мақсадлари бўйича натижаларга баҳо бериш имкониятини яратади. Бу орқали натижалар тўғридан-тўғри ва холис баҳоланади, шунингдек, кучли гуруҳларни кучсиз гуруҳлардан яхшироқ фарқлаш имконини беради. Бу баҳолаш шакли икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда баҳоланувчининг эришган натижаларини аниқланади, иккинчи босқичда эса, натижалар мезонларга таққосланади ва ўлчанади.

*Баҳолаш турлари.* Баҳолаш ўтказилиш вақтига кўра уч турга ажратилади:

- Бошланғич баҳолаш
- Жорий, яъни шакллантирувчи баҳолаш
- Якуний, яъни умумлаштирувчи баҳолаш

Бошланғич баҳолаш — таълим жараёни бошида таълим олувчиларнинг дастлабки билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун ўтказилади. Бундай баҳолаш натижалари таълим жараёнининг мазмуни, усуллари ва шакллари танлаш имконини беради.

Жорий (шакллантирувчи) баҳолаш мунтазам равишда ўтказиб борилади. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, таълим жараёни самарасини тезкор (оператив) аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ва таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алоқани таъминлаш имконини беради.

Якуний (умумлаштирувчи) баҳолаш - таълим олувчининг таълим жараёнининг маълум давридаги ўзлаштириш натижаларини белгиланган мезон ва стандартларга жавоб беришини аниқлайди. Якуний баҳолаш таълим жараёнининг маълум босқичи якунида ўтказилади. У жорий баҳолаш натижаларини жамлайди.

Умумлаштирувчи баҳолашни ўтказишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Таълим олувчи умумлаштирувчи баҳолаш нима учун ўтказилиши ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим. Бу уни баҳолашга тайёргарлик кўришга олиб келади.

Баҳолашни ўтказиш шартлари унга жиддий ёндашишига, диққатни чалғитадиган ёки тасодифий узилишлардан ўзини четга олишга ҳамда таълим олувчини ўз қобилиятини намойиш қилишига имкон беради.

Баҳолаш ўтказиш шароитида ўқувчи ўзини эркин тутиши ва нохушлик ҳис қилмаслигига имконият яратиш керак. Баҳоловчи ва таълим олувчи баҳолаш нима бериши, у қачон, Ким томонидан ва қандай ўтказилишини билишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Қўйилган баҳо ўқув натижасини тушуниш ва уни мужассамлаштириш учун аҳамиятлидир. Таълим олувчи олдиндан белгиланган натижалар мезони ёрдамида баҳоланиши лозим. Режалаштирилмаган баҳолашни ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

*Баҳолаш тамойиллари.*

Қуйидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланади.

- Ўқув мақсадларига асосланганлик
- Ҳақиқийлик
- Ҳаққонийлик
- Ишончлилик
- Қулайлик

1. Ўқув мақсадларига асосланганлик. Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг қўйилиш даражасига қараб, баҳолашнинг шакли ва усуллари танланади. Шунингдек, ўқув мақсадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

2. Ҳақиқийлик. Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижанигина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши озим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим.

3. Ҳаққонийлик (объективлилик). Бир-биридан мустақил таълим берувчилар бир хил таълим олувчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ва тест ҳақиқий ҳисобланади. Бу ҳаққонийлик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар учун тааллуқлидир.

4. Ишончлилик. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усулардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Услуб ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур. Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш мақсадларини назорат қилишга йўналтирилганлигини қанчалик ишончлиэканлиги назарда тутилади.

5. Қулайлик. Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўқув ва ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим оувчи учун қулай бўлиши лозим. Баҳолашни ўтказишда имкон қадар компьютерлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Баҳолаш тизимлари.* Охириги пайтларда Республикамиз таълим муассасаларида қуйидаги иккита баҳолаш тизими қўлланилиб келинмоқда.

1. Баҳолашнинг беш баллик тизими.
2. Баҳолашнинг рейтинг тизими.

Баҳолашнинг беш баллик тизимида баҳолашга қуйидаги дидактик талаблар қўйилади:

➤ Текшириш ва назорат қилиш тизимли, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, ўқувчиларнинг ўқишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир қилади. Таълим олувчилар дарсга ҳар куни тайёрланиб боришлари керак. таълим берувчининг доимий равишда назорат қилиб туриши шунга мажбур этади.

➤ Билимларни баҳолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир ўқувчи унинг билимлари, кўникма ва малака баҳоланаётганини тушуниши керак.

➤ Давлат таълим стандартларига асосланганлик. Таълим оувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари давлат ўқув дастурларининг бажарилиши нуқтаи назаридан текширилади ва баҳоланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. (ЎМКХТ марказининг 2005 йил 17 августдаги 192-сонли буйруғига 5-илова) Тошкент., 2005 й. 32 бет.
2. Баҳолаш методлари / Нишонов А., Б.Ҳайдаров, Б.Нуридинов ва бошқалар. Тошкент., ЎМКХТРИ, 2003. - 156 бет.
3. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.

## 14-мавзу: КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚУВЧИСИНИНГ МЕТОДИК ИШЛАРИ – 2 соат

Режа:

1. Ўқитувчининг мустақил методик ишлар: ўз сиёсий онгини ўстириш, касби бўйича билим ва тажрибани кенгайтириш, таълим-тарбия соҳасидаги ўз билим ва маҳоратини шакллантириш.
2. Касб-хунар таълимида методик ишларни ташкил қилиш структураси
3. Методик уюшмалар ва уларнинг фаолияти
4. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш
5. Ўқувчининг жамоавий методик ишлари: педагогик ишлар, очиқ дарслар ва уларни ўтказиш

Ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда касб таълими ўқитувчиси етакчи роль ўйнайди. Таълим-тарбия жараёнининг аҳволи, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ўқитувчи касбий малакасига, педагогик маҳоратига, маданият даражасига боғлиқ.

**Якка тартибдаги** методик иш бутун ўқув йилига тузилган режа бўйича олиб борилади. Унда ўқитувчи муҳандис-педагог ўз педагог маҳоратларини ва ўз билимларини чуқурлаштириш мақсадида якка тартибдаги методик топишириқлар назарда тутилади. Уларга қуйидагилар киради: педагогик мавзулар бўйича маърузалар тайёрлаш; ўқув дастурининг энг қийин мавзулари бўйича методик кўрсатмалар тузиш; анчагина меҳнат қилиниши талаб қилинадиган муаммоли изланиш ишларини белгилайди. Бу топишириқлар ҳар бир педагог учун мажбурий минимум ҳисобланади.

Ҳар бир педагог, муҳандис-педагог иш режаси тўртта бўлимдан ташкил топиши керак:

1. Гоявий-сиёсий савияни ошириш.
2. Методик-педагогик маҳоратини такомиллаштириш.
3. Ўқитилаётган меҳнат тури соҳасидаги илмий-техникавий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.
4. Педагог меҳнатини илмий асосда ташкил этиш соҳасидаги билим ва малакаларини такомиллаштириш.

Бу режа методик кенгаш мажлисида кўриб чиқилиб, тасдиқланади. Бу режанинг бажарилиши ҳақида ўқитувчилар билан муҳандис-педагоглар ҳисоботлари эшитилиб турилади.

**Гоявий-сиёсий савияни ошириш** - материаллар ишлаб чиқиладиганда ҳозирги замон ҳаёти ва ишлаб чиқаришни назарда тутиш керак. Касб таълими ўқитувчиси ёшларга меҳнат тарбияси ва политехник таълим беришнинг моҳияти анча тўла ёритилган асарларни, президент қарорларининг касб-хунарга оид ҳужжатларини ўрганиши, сиёсий семинарлар ва назарий конференциялар ишида қатнашиш, матбуот, радио, телевидение орқали ҳозирги сиёсат билан танишиш ва амалий ишда қўллаш.

**Методик-педагогик маҳоратини такомиллаштириш** - тайёрланадиган маърузалар, кўрсатмалар, тавсияларда ўқувчилар билан бўладиган ўқув-тарбиявий ишлари шаклини мукаммаллаштириб бориш назарда тутилади. Касб таълими ўқитувчисининг ўз устида мустақил ишлаши касб-хунарга оид илмий журналлар ва асарлар билан мунтазам танишиб бориши, методик маҳоратида эса машғул олиб бориш сифатини такомиллаштириб, бунда янги методик кўрсатмалар тайёрлаш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштириш масаласини ечиш, илғор педагогик тажрибаларни эса бошқа ўқитувчилар орасида ёйишга ёрдам беришдир.

Назария бўйича дарсларга текшириш учун кирган ўқитувчи дарсларнинг календарь мазули режа ва ҳар бир дарс бўйича режаси ҳамда дарс ўтиш учун маъруза матн борлигига; дарс мавзуси бўйича тузилган режа ва дастурга мос келишига; таълим воситаларидан унумли фойдаланиладиганлигига; дарсда ўқув тарбиявий ишнинг қўйилиши ва унинг амалга оширилишини, қўйилган мақсадни ҳал этиш учун танланган дарс турининг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериш; дарснинг структурасини тўғри



танланганлигига, вақтнинг сарфланишига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигига эътибор бериш керак.

**Ўқитилаётган меҳнат тури соҳасидаги илмий-техникавий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш** – илғор технология ва рационал меҳнат усуллари, техника янгиликларини мунтазам ўрганиб бориш, илмий-техникавий семинарларда қатнашиш, техникага оид мавзулардаги маърузаларни эшитиб бориш, кўргазмаларга бориб туриш, илғор корхоналарга ўтказиладиган экскурсияларда қатнашиш ва ҳоказолар орқали эришилади. Амалий кўникмалар ва малакалар касб таълими ўқитувчиларининг малакали методистлар ва ишлаб чиқариш илҳорлари раҳбарлигида илғор иш усуллари эгаллаш йўли билан такомиллаштирилади.

**Педагог меҳнатини илмий асосда ташкил этиш соҳасидаги билим ва малакаларини такомиллаштириш** – касб таълими дарсларида амал қилинадиган ҳужжатларни илмий асосланган тарзда ишлаб чиқиш; ўқув устахоналарини зарур материаллар, асбоб-ускуналар билан мунтазам таъминлаб туриш тадбирларини белгилаш, иш жойини илмий асосда ташкил этиш, таълимнинг энг самарали кўрсатмали ва техникавий воситаларидан оқилона фойдаланиш йўли билан эришилади.

#### **Дидактик материаллар тайёрлаш**

Назарий ва амалий машғулотлар учун манба сифатида ишлатиладиган воситаларимиз қуйидагича фарқланади:

Кўпинча ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш, ўрганиш учун ишлатилади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш деганда, ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ва назарий ёки амалий машғулотлар мақсадига мослаштирилиши тушунилади.

Агар тайёр воситалар йўқ бўлса, у ҳолда бу восита уларни ўқитувчининг ўзи тайёрлашига тўғри келади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлашда амалиёт ўқитувчиси чегараланган вақт ва техник имкониятларни инобатга олган ҳолда эътиборини қуйидагиларга қаратиши лозим:

-иш варақлари, тарқатмалар (босилган матнлар нусхалари), слайдлар, доска тасвирлари учун эскизлар;

-ёзма топшириқлар, ёзма ва оғзаки тестлар учун сўров қоғозлари;

- баҳолаш варағи, назорат қоғози;

- иш режалари, ташкилий ҳужжатлар.

Ўқитувчи учун материаллар нафақат соҳага тегишли маълумотларни, балки ташкилий ишлар, усул ва натижаларни баҳолаш борасидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади. Талабалар учун материаллар эса қоида бўйича фақатгина соҳага тегишли жиҳатларни ўз ичига олади.

Дидактик материаллар талабаларга мўлжалланган бўлса, ўқитиш материаллардан фарқ қилиши мумкин. Масалан: топшириқлар варақлари, саволномалар, йўналтирувчи усул саволлари ва муайян тарқатма материаллар.

Талабаларга тарқатиладиган материаллар таркибида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- содда тилда ёзилган ўқув матнлари

-матнларда бўш қолдирилган жойлар (талабалар томонидан тўлдирилиши учун)

-талабанинг эркин фикрлашига имконият берувчи саволлар

-устахонада ишлаш учун мўлжалланган, иш босқичлари кўрсатилган тушунарли чизмалар (эскизлар) ва жадваллар

- материал, жиҳоз, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситалар ҳақида маълумотлар.

Матн тайёрлаш бўйича энг янги усуллардан бири бу матнларни ранглар билан ажратиш саналади:

-оқ қоғозлар: мазмуний жиҳатлар борасида матнлар (ўқитувчи ва талабалар учун)

-яшил қоғозлар: талабаларга топшириқлар

-кизил қоғозлар: ўқитувчининг методик ҳужжатлари ва топшириқларнинг жавоб варақалари

Рангларни кодлаш ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштиради

Худди шу усулдан семинар ҳужжатларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

Слайдларни тайёрлаш учун:

- оддий ацетат қоғози ёки шаффоф сунъий қоғоз;
- нусха олиш мумкин бўлган махсус қатламли слайдлар;
- фламастер, перманент ва сувда эрувчан слайдларни тозалаш учун спирт;
- сурат чизиш мосламалари (шаблон, чизғич ва бошқалар)лар ишлатилади.

**Слайдларни қўлда тайёрлаш учун:**

- сурат ёки матн қоғозга эскизланади
- слайдни унинг устига қўйиб, скрепка билан маҳкамланади
- намунадаги сурат слайдга кўчирилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - ТДПУ, Тошкент., 2003 й. 176 бет.
2. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқуддусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.

### **15-мавзу: БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ – 4 соат**

Режа:

1. Педагогик амалиётнинг ўқув меъёрий ҳужжатларда акс этиши ва уни олиб бориш тартиби, амалиётчи талабага маслаҳатлар.
2. Педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари. Актив ва пассив амалиёт. Касб – ҳунар коллежи билан танишиш, таълим муассасалари раҳбарлари ишларини ўрганиш.
3. Педагогик амалиётга қўйиладиган талаблар, педагогик амалиёт бўйича ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш, педагогик амалиётни яқунлаш ва ҳисобот топшириш тартиби.
4. Касб-ҳунар таълими устасининг ўқув – тарбиявий ишларини ўрганиш. Касб – ҳунар коллежида дарсдан ташқари ишларни ўрганиш. Ишлаб чиқариш устаси ва гуруҳ раҳбарлари олиб борадиган касбга қизиқтириш ишлари билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш.
5. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари.

#### **Педагогик амалиётнинг ўқув меъёрий ҳужжатларда акс этиши ва уни олиб бориш тартиби, амалиётчи талабага маслаҳатлар.**

*Малакавий амалиёт.* Талабалар умумкасбий фанларни ўзлаштиришида олган билимларини назарий ва амалий мустаҳкамлаш; техникавий лойиҳавий ва технологик ҳужжатлар турларини ва ўтиш босқичлари тартибини ўрганиш; энергетик машиналар ва аппаратлар элементлари ва узеллари лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўникмаларини эгаллаш; соҳада қўлланиладиган ҳисоб методлари билан танишиш; корхона конструкторлик бўлимлари чизмалари хўжалигини ва структурасини ҳамда автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимини ўрганиш; корхонада конструкциялашнинг даражалари ва босқичлари билан танишиш; энергетик машиналар деталларининг чизмаларини чизиш ва мураккаб узелларини лойиҳалаш бўйича конструкторлик кўникмаларини ҳосил қилиш; деталлар ва узелларни мустаҳкамликка, ишлов берилиши аниқлигига, ишончлилиқка ва бошқаларга ҳисоблаш кўникмаларини эгаллаш.

*Ўқув-танишиш амалиёти.* Талабалар ички ёнув двигателлари ва уларнинг комплектловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар структураси, уларнинг ташқи ва

ички алоқалари, ички ёнув двигателларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш асослари билан ҳамда корхоналарда фойдаланиладиган станоклар ва жиҳозларнинг ҳар хил турлари билан танишадилар.

*Ишлаб чиқариш амалиёти.* Талабалар ички ёнув двигателларининг асосий деталларига ишлов беришнинг технологик жараёнлари, двигател тайёрлашнинг асосий босқичлари, ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари, мотор ишлаб чиқарувчи корхона бўлимларининг хусусиятлари билан танишадилар; двигателларни ишлаб чиқариш, йиғиш ва уларга хизмат кўрсатишнинг баъзи операцияларини бажариш кўникмаларини ҳамда ишлаб чиқариш кўникмаларини эгаллайдилар.

*Технологик-конструкторлик амалиёти.* Талабалар конструкторлик масаласини ечиш учун зарур бўлган конструкторлик-технологик билимларни ва амалий кўникмаларни эгаллайдилар; технологик ҳужжатлардан фойдаланишни, конструкторлик ҳужжатларини технологик назорат қилишни, деталлар конструкцияларига ишлов бериш технологик жараёнларини ишлаб чиқишнинг амалий кўникмаларини эгаллайдилар.

*Битирув-малакавий иши (лойиҳаси) олди амалиёти.* Битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; конструкторлик бюросида конструкторлик иши амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материалларни тўплаш.

*Педагогик амалиёт:* ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўтказилади ва унда талабалар олий таълим муассасаларида олий назарий билимларини илк бор ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилади. Унинг мазмуни махсус низом билан белгиланади.

*Ўқув амалиёти:* машинасозлик соҳаси йўналлишларида ўқитиладиган умумқасбий ва махсус фанларига оид корхоналар билан танишиш, корхоналар ҳақида маълумотлар тўпланади.

**Амалиётчи талабага маслаҳатлар.** Педагогик амалиёт касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда шундай жараёндики, бунда ҳар бир талаба ўқиш даврида тўплаган билимларини комплекс тарзда фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун педагогик амалиёт даврида ўқиш жараёнидаги барча камчиликлар яққол кўриниб қолади. Педагогик амалиёт, касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда ўзига хос синов ҳисобланади. Шунинг назарда тутиш керакки, амалиётчининг ёши у раҳбарлик қилаётган ўқувчиларнинг ёшидан жуда кам фарқланади. Бундай вазиятда биринчи кундан бошлаб тўғри йўл танлаш, ўқувчиларга нисбатан тақаллуфсизликка йўл қўймаслик, такаббуруна муносабатда бўлмаслик жуда муҳимдир. Тажрибанинг кўрсатишича, амалиётчи талаба ўқувчилар билан тўғри муносабатда бўлса, яъни уларга хайрихоҳлиги ва камтарлигини намоён қилсагина у тезда болалар билан иноқлашиб кетади.

Амалиётчи талабанинг ташқи қиёфаси ҳам муҳим рол ўйнайди. У ўқувчига намуна бўлиши зарур. Амалиётчи талаба оддий, озода кийиниши лозим, бу шартни бажармаган талаба ўқувчилардан шу нарсани талаб қила олмайди. Амалиётчи талаба нафақат ташқи қиёфаси билан, балки ўзининг одоби, ҳулқи, катта ва кичикларга муомаласи билан намуна бўлиши керак. Бу эса талабанинг амалиёт даврида турли тўсиқларга дуч келмасдан амалиётни тугатишига ва давр талабидаги педагог кадр бўлишига замин бўлади. Талабалар амалиёт даврида коллеж педагогик жамоанинг аъзоси бўладилар, бинобарин коллеж тартибига бўйсунадилар, меҳнат интизомига амал қиладилар.

Педагогик амалиётнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабанинг мустақиллиги ва фаоллигига, унинг ишга ижодий ёндошишига боғлиқ бўлади. Мана шу амалиёт даврида талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича тадқиқот материалларини тўплаш ва умумлаштириш учун имконият яратилади.

## **Педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари. Касб – ҳунар коллежи билан танишиш, ўқув юрти раҳбарлари ишларини ўрганиш**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим тизими жумладан, олий педагогик таълим муассасалари олдига педагогик кадрларни тайёрлашни тубдан яхшилаш вазифасини кўймоқда.

Бўлажак касб таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг муҳим босқичларидан бири педагогик амалиёт саналади. Олий таълим муассасаси аудиториясида эгалланган назарий билимлар, малака ва кўникмалар махсус таълим муассасаларида амалиёт давомида синовдан ўтади, ривожлантирилади.

Педагогик амалиёт талабаларнинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқув тарбиявий ишларга касбий педагогик ва психологик тайёрлаш, ижодий фикрлаш, касбий маҳорат ва қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

### *Педагогик амалиётнинг вазифалари:*

- талабаларда касбий ишонч ва барқарор педагогик қарашларни шакллантириш;
- талабаларнинг педагогик-психологик фанлар ҳамда махсус фанлар бўйича назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш;
- бўлажак ўқитувчиларни амалий кўникма ва малакалар билан, зарурий ҳолатларда умумий психологик-педагогик қонуниятларни қўллаш малакалари билан таъминлаш;
- талабаларни мактаб, лицей ва кабс-ҳунар коллежларидаги ўқув-тарбиявий ишларнинг замонавий аҳволи, илғор педагогик тажрибалари билан таништириш;
- ўқитувчиларнинг муҳим касбий ва шахсий хислатларини ривожлантириш;
- талабаларда педагогик касб ва меҳнатга ҳурмат ва муҳаббат уйғотиш;
- талабаларни бевосита педагогик-психологик фаолиятда қатнашишларига эришиш;
- талабаларни мактаб, лицей, касб-ҳунар коллеж ўқувчиларини педагогик касбга йўналтириш ва тарбиявий тадбирларни ўтказишга ўргатиш;
- педагогик фаолиятнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишларини жорий ва истикболли режалаштиришни ўргатиш;
- талабаларда ўқитувчининг иш режасига асосланиб, касб таълими йўналишни ҳисобга олган ҳолда, касб ҳунар коллежи ўқувчилари билан тарбиявий юиларни олиб бориш малакасини шакллантириш;
- таълим тарбиявий ишларнинг асосий шакллари (дарс, суҳбат, ўйин ва бошқалар)ни амалиётга тадбиқ қилишни ўргатиш;
- талабаларда касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини ўрганиш кўникмаларини шакллантириш;
- замонавий ўқитиш методларини қўллаб дарс ўтишни ўрганиш кабилардан иборат.

### **Касб-ҳунар коллежларида ўтказиладиган педагогик амалиёт мазмуни ва уни ташкил этиш**

Талабалар ўзлари бириктирилган касб-ҳунар коллежларида таълим тарбиявий ишлар, гуруҳ мураббийлари ва фан ўқитувчисининг режалари билан танишадилар. Амалиётнинг биринчи кунда талабалар дарсларда ва дасрсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни ўрганадилар. Гуруҳ мураббийси ва фан ўқитувчиси ўқув усталари билан суҳбатда бўладилар.

Талабалар мустақил равишда иш бошлашдан олдин ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари ҳамда ўқишга оид ҳужжатларни ўрганадилар.

Амалиётнинг асосий масалалари талабалар фаолиятининг аниқ турларида ҳал қилинади. Ҳар бири гуруҳга талабалар бириктирилади. Улар синфда ўқитувчи вазифасини бажарадилар, ҳар бир талаба бутун амалиёт мобайнида индивидуал иш режасини тузадилар. Гуруҳ тарбиячиси сифатида ишлаётган ҳар бир амалиётчи талаба тарбиячи ишини ўрганади. Кун тартибидаги ҳар бир тадбирни (гуруҳ, ўқувчилари билан суҳбат, очик дарс ва машғулотлар, ота-оналар билан иш), олиб боради. Барча ишларни талаба бириктирилган фан (мутахассилик) ўқитувчиси ва гуруҳ методисти билан келишилган

ҳолда олиб боради. Талабалар битирув малакавий ишларида барча тажрибалардан мисоллар киритиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи бўлиб ишлаш мобайнида талаба умумкасбий махсус фанлардан дарс беради. Ҳар бир талаба амалиёт давомида тахминан 2-4 ҳафталарда дастлабки, 4-6 ҳафтада синов дарсини ўтади. Ҳар бир дарс учун режа конспект тузилади. Амалиётчи-талаба курсдошлари дарсларида қатнашади ва уни таҳлил қилади, дарсни жамоа бўлиб муҳокама қилишда қатнашади, синф журналини юритади, ўқувчиларга берилган барча вазифаларни қабул қилиб баҳолайди.

### ***Касб-ҳунар коллежи фаолиятини ўрганиш***

1. Касб - ҳунар коллежи раҳбарлари билан суҳбат.
2. Касб - ҳунар коллежи тарихи ва анъаналарини ўрганиш.
3. Касб - ҳунар коллежининг ўқув - моддий базаси билан танишиш ва унинг педагогик фаолиятни илмий ташкил қилиш талабларига жавоб бериши даражасини аниқлаш.
4. Ўқувчилар контингенти, қандай касбларга ўқитилишини ўрганиш.
5. Муҳандис - педагог кадрлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илмий - педагогик ишлари билан танишиш.
6. Касб - ҳунар коллежи методик ишлари билан танишиш.
7. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва уларни қўллаш аҳволи билан танишиш.
8. Касб-ҳунар коллежида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнини ўрганиш.
9. Ҳунар таълими усталарининг касбни тарғиб қилиш ишлари билан танишиш.
10. Ўқувчиларни, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ва тарбия ишларига муносабатларини ўрганиш.
11. Гуруҳ устасининг кундалиги, ўқувчиларнинг шахсий варақалари, оила ва ётоқхонадаги шахсий ҳаёти билан танишиш.
12. Гуруҳда олиб борилаётган меҳнат, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия сифатини ўрганиш.
13. Гуруҳдаги ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш.
14. Гуруҳ жамоасининг аҳиллиги, фаоллиги шаклланишида синф раҳбари ва устанинг ролини ўрганиш.

*Тавсиялар:* Амалиёт даврида ўқувчилар шахсини ўрганишнинг ҳамма методларини (гуруҳ устаси, синф раҳбари, ота - оналар билан суҳбат, ўқувчиларнинг уйларида бориш) қўллаш лозим.

Ўқувчилар гуруҳи жамоасининг меҳнат фаолиятини ташкил қилишда гуруҳ устаси ва синф раҳбарининг ролига эътибор бериш керак.

### **Педагогик амалиётга қўйиладиган талаблар, педагогик амалиёт бўйича ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш, педагогик амалиётни яқунлаш**

Педагогик амалиёт тугаганидан сўнг талабалар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- 1) Амалиётчининг шахсий иш режаси.
- 2) Педагогик амалиёт кундалиги.
- 3) Амалиётчи талабанинг мутахассислик фанлар бўйича камида 40 та дарснинг таҳлили.
- 4) Махсус фанлардан календар мавзули режа.
- 5) Тарбиявий иш режаси.
- 6) Тарбиявий соатлар таҳлили.
- 7) Махсус фанлардан ташкил қилинган тўғарак ишлар режаси.
- 8) Ёш физиология ва гигиена фанидан мустақил иш топшириқларига жавоблар.
- 9) Тарбиявий тадбир сценарийси.
- 10) Ўқувчига психологик - педагогик гавсифнома:  
а) гуруҳ учун; б) 2-та ўқувчи учун.
- 10) Амалиётчи талаба дарс ўтадиган мутахассислик фанидан 6-8 та дарснинг режа - конспекти.
- 11) Очиқ дарс режаси ишланмаси.
- 12) Очиқ дарс учун талаба томонидан тайёрланган ўқув-қўргазмали курул

- 13) Очiq дарс тахлили ва коллеж метод бирлашмаси (Мактаб пед.кенгаши) баённомасидан кўчирма.
- 14) Амалиётчи талаба учун педагогик амалиёт ўтган ўқув муассасасининг тавсифномаси.
- 15) Ҳисобот.

Амалиётнинг умумий баҳоси талабанинг тарбиячи ва ўқитувчи сифатида бажарган иши, ўқувчига ёзилган педагогик тавсифнома, ҳамда ҳхжжатларнинг ўз вақтида топширилиши ва сифатини ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизимин асосида қўйилади.

Педагогик амалиётни ўташда талаба педагогика, психология, умумтехник ва методик фанлардан эгалланган билимларига таянади.

*Педагогик амалиёт юзасидан ҳисобот.* Амалиёт тугагач, талаба 3 кун ичида ҳисобот топширади. Унга кундалик, тавсифнома, дарс режалари, очiq дарслар муҳокамаси қарорларидан кўчирма, ўтказилган дарслар режаси ва конспекти, қатнашган дарслари тахлили баёни, ўтказилган тарбиявий ишларнинг сценарийси (матни), 2 та ўқувчига психологик - педагогик тавсифнома, амалиётчининг иш дастури, амалиёт даврида гуруҳнинг ўқув-тарбия ишлари ойлик ва йиллик (семестр) иш дастурлари, касб -хунар коллежи ҳақида маълумот, келгусида касб - хунар коллежи ишини ривожлантириш, дарс сифатини оширишга оид фикрлари илова қилиниши керак.

*Педагогик амалиётни яқунлаш.* Педагогик амалиёт факультет миқёсида конференция ўтказиш билан яқунланади. Яқунловчи конференцияда педагогик амалиётга узил-кесил хулосалар чиқарилади. Докладлар амалиётчилар фаолиятининг асосий йўналишларини (дарсларни ўтказиш, ўз ихтисосидан дарсдан ташқари иш ўтказиш, гуруҳ раҳбари сифатида ишлаш) акс эттирилиши лозим. Улар аниқ бўлиши ва у ёки бу тадбирни ўтказиш вақтида амалиётчи қандай қийинчиликларга дуч келганини ва уларни қандай бартараф этгани, қандай масалаларни ҳал этишда ўзини дадил тутгани ва бунда унга нима ёрдам бергани, касб-хунар коллежида олинган қайси билим ва ўқувлар етишмагани, амалиёт давомида унинг муваффақиятли ўтиши учун барча зарур шароитлар яратиб берилган ёки йўқлиги, амалиёт бундан ҳам муваффақиятлироқ ўтиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида тингловчиларда аниқ тасаввур ҳосил қилиши даркор. Яқунловчи конференция вақтида хонада амалиётчиларнинг фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилади.

**Касб-хунар таълими устасининг ўқув – тарбиявий ишларини ўрганиш. Касб – хунар коллежида дарсдан ва ўқишдан ташқари ишларни ўрганиш. Ишлаб чиқариш устаси ва гуруҳ раҳбарлари олиб борадиган касбга қизиқтириш ишлари билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш.**

*Касб таълими ўқитувчисининг ўқув-тарбиявий ишларини ўрганиш*

1. Касб таълими дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш методларини ўрганиш мақсадида дарсларга қатнашиш ва уни таҳлил қилиш.
2. Ўқитувчининг дарсга тайёрланишини ўрганиш ва унга қатнашиш (дарс режасини тузиш, унинг моддий - техник базасини тайёрлаш).
3. 3 - 4 мутахассислик дарсини дарс мустақил ўтказиш ва 5 - 6 дарсни таҳлил қилиш.
4. Педагогик тажриба орттириш учун мутахассислик фанлари туркумидаги дарсларга қатнашиш ва уларни таҳлил қилиш.
5. 3 - 4 назарий дарсни мустақил ўтказиш ва иккитасини таҳлил қилиш.
6. Касб-хунар таълими ўқитувчисининг ҳужжатлари билан танишиш.
7. Касб-хунар таълими ўқув режаси ва дастурини ўрганиш.
8. Мавзули (календарь - тематик) режани ўрганиш.
9. Касб таълими бўйича келтирилган вақт мейёрларини белгилашни ўрганиш.
10. Касб бўйича ўқув паспортини ўрганиш. Ўқув технологик ҳужжаларни ўрганиш
11. Ўқув - ишлаб чиқариш ишларининг рўйхатини тузиш
12. Гуруҳ учун касб-хунар таълими режаси.
13. Фронтал ўтилмайдиган мавзулар ва ўқувчилар иш жойларининг алмашиши.

**Тавсиялар:** Амалиётчи талаба ҳунар таълими устасининг иши билан батафсил танишади ва унинг иш тажрибидан ўз меҳнат фаолиятида ижодий фойдаланиши керак.

Амалиётчи ўзи бириктирилган гуруҳнинг ўқув ишларида қатнашади, жорий, бошланғич тушунтириш ишларини, сўнгра гуруҳда мустақил машғулот ўтказиши.

Амалиётчининг касб - ҳунар коллежидаги методик ишлари:

- педагогик кенгаш ишлари;
- фан - метод бирлашма йиғилишлари;
- инструкторив - методик йиғилишлар;
- ишлаб чиқариш таълими ва назарий таълим журналларининг тўғри юритилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш таълими бўйича гуруҳга ойлик ва (чорак) квартал режа ҳамда ҳисоботлар тузишда фаол қатнашмоғи лозим.

Очиқ дарс амалиётчи иштирокида фан - метод бирлашма йиғилишида таҳлил қилинади. Ўтказилган очиқ дарс учун барча ҳужжатлар (дарс режаси, конспекти, технологик карта, муҳокама қарори) талабанинг педагогик амалиёт юзасидан ҳисоботига илова қилинади.

*Касб таълими ўқитувчисининг дарсдан ташқари ишларини ўрганиши*

1. Ўқув - тарбия ишлари бўйича директор муовини, тажрибали уста ва ўқитувчилар билан дарсдан ташқари олиб бориладиган ишлар ҳақида суҳбатлашиш.

2. Дарсдан кейинги тадбирларни ташкил қилиш методикасини, аҳамиятини ўрганиш учун 2 тадбирни кузатиш.

3. Дарсдан кейинги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этиш.

4. Тавсиялар: Амалиётчи педагогик амалиётининг бошланишида ишлаб чиқариш устасининг тарбиячи сифатида олиб борадиган ишлари мазмуни ва методикаси билан танишиб, гуруҳ фаоллари билан яқиндан танишади.

5. Ишлаб чиқариш устасининг тарбиявий (дарсдан ва мактаб (коллеж) дан ташқари) ишлари режасини ижодий ўрганади.

*Касб таълими ўқитувчиси ва гуруҳ раҳбарининг касбга йўналтириши ишларини ўрганиши*

1. Умумтаълим мактаблари, касб - ҳунар коллежида ишлаб чиқариш устаси ва гуруҳ раҳбарлари олиб борадиган касбга йўналтириш ишларининг усуллари ва методлари билан танишиш.

2. Ишлаб чиқариш таълими устаси касбига қизиқтириш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- касб-ҳунар коллежида ёш малакали ишчилар тайёрлашда ишлаб чиқариш устасининг роли;
- Низомий номидаги ТДПУнинг республика таълим муассасаларига ўқитувчилар тайёрлашдаги роли;
- Низомий номидаги ТДПУ қабул шартлари, таълим ва тарбия шароитлари;
- Низомий номидаги ТДПУ га экскурсия уюштириш.

#### **Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари**

Педагогик амалиёт давомида талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш 100 баллик рейтинг тизими асосида амалга оширилади.

Ўқув режасидаги фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб баллар қуйидагича тақсимланади:

«Педагогика» фанидан – 25 балл

«Психология» фанидан – 10 балл

«Гигиена» фанидан – 5 балл

Мутахассислик фанидан – 60 балл

Талабаларнинг балларда ифодаланган ўзлаштиришлари қуйидагича баҳоланади:

86 – 100 балл – 5 «аъло»

76 – 85 балл – 4 «яхши»

55 – 75 балл 3 «қониқарли»

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Шарипов Ш.С. ва бошқалар Педагогик амалиёт. – Тошкент.: ТДПУ. – 2006. – 30 б.
2. Шарипов Ш., Якубова Ҳ., Аҳмадалиев С. Педагогик амалиёт жараёнида талабалар касбий мослашишининг ташкилий-методик омиллари (методик қўлланма). -Т.: ТДПУ, 2007. 36 б.
3. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш. Меҳнат ва касб таълими методикасидан амалий машғулотлар (Методик қўлланма). Т.: Низомий номли ТДПУ, 2002.

### **16-мавзу: КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАЖАРИШ МЕТОДИКАСИ - 2 соат**

Режа:

1. Мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологияси
2. Мустақил таълим олиш методикаси
3. Касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланиш.

#### **1. Мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологияси**

Мустақил таълим олиш етук мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу айниқса касбий тайёргарлик тизимида яққол намаён бўлади. Аждодларимиз ҳам ёш авлоднинг касб-хунар эгаллашига, етук, тарбияли, таракқиётга хизмат қилувчи инсон бўлиб етишишига аҳамият беришган.

Шарқнинг буюк алломалари ўз ижодларида меҳнат қилишни, касб-хунар эгаллашнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтганлар. Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос-Ҳожиб, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбандий, Абдурахмон Жомий, Имом ал Бухорий, Аҳмад Югнакий ва Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар меҳнатни, касб-хунарни улуғлаганлар. Баҳовуддин Нақшбандий (1318-1389 йил) буюк нақшбандийлик таълимотининг асосчиси бўлиб, «Дил ба ёр у, даст ба кор», яъни «Дилинг Оллоҳга, қўлинг меҳнатга бўлсин» деб ўргатганлар. Буюк мутафаккир Алишер Навоий деярли ҳар бир асарида хунар ўрганишни, ҳалол меҳнатни улуғлаганлар. Жумладан, «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай ёзади: «Хунарни асрабон неткумдир охир, олиб тупрокқаму кетгумдир охир».

Юқорида санаб ўтилган буюк алломалар ўз ҳаёти ва ижодий фаолиятларида касб-хунар эгаллашни улуғлаш билан бир қаторда касб-хунар эгаллашда мустақил иш бажаришнинг нақадар муҳимлиги таъкидлаганлар.

Педагог олимларнинг аксарият қисми мустақил таълимни ташкил этиш жараёнини фаоллаштириш масаласини умумий муаммо сифатида қарайдилар. Жумладан, бу борадаги ишларнинг бир қисмида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ташкил этишга шахс нуқтаи назаридан ёндошиш кўзга ташланади. Бунда у фаол, таълимда, касбий маҳоратини оширишда юқори натижаларга эришишга интилувчи, педагоглик касбини танлаш ва эгаллаш ишида жамият эҳтиёжларидан келиб чиқувчи шахсни шакллантиришда мустақил таълим муҳим омил сифатида қаралади.

Мустақил таълим олишни ташкил этиш учун нафақат муайян касбга ёки фаолият соҳасига қизиқиш, балки ушбу фаолият турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади.

Мустақил таълим шахснинг ўзи томонидан бошқарилишини эътиборга олиб, бу фаолият билан инсон эркин ҳолда ва истаган вақтида манбалардан ўзи танлаб, мақсад, восита, мазмун нуқтаи назаридан фойдаланиши мумкин.

Мустақил билим олишда автономлик бу-ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларни аниқлаш ва танлаш, уларни қийналмасдан ҳамда ташқи таъсир ёрдамсиз, амалга ошириш қобилиятидир.



Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқлиги сабабли унга берилган таърифни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: «Мустақил фикрлаш - инсоннинг ўз олдига турган муаммоларни мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир».

Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларда мустақил билим олишга қизиқиш ва қобилиятни педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантириш лозим. Муаммони ҳал этишнинг муҳим омили сифатида касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчилардан педагогик такомиллашиш, касбий билимларни чуқурлаштириш ва малакасини ошириш талаб этилади.

Касб таълими ўқитувчиси ўз билимини мустақил ошириш фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириши ва бу мақсадга эришиши учун қуйидаги шартларга риоя қилиши керак.

1. Ўз билимини мустақил ошириш мазмунини касб таълими ўқитувчиси мутахассислиги бўйича педагогик амалиёт ўтаётган таълим муассасасининг ўқув устахонасидаги аниқ шароитларга, амалиётнинг шароитлари, талабларига мослаштириши керак.

2. Касб таълими ўқитувчиси маълум мақсад асосида ва маълум тартибда ўзида қуйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак:

- талабаларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга ола билиш;

- талабалар билан эмоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолияти томонларига фаол таъсир этиш.

3. Касб таълими ўқитувчиси умумий педагогика, психология, меҳнат гигиенаси ва физиологияси, техника ва технология фанлари бўйича саволлар рўйхатини мустақил ўрганиб чиқишлари шарт.

4. Касб таълими ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини ошириш устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўллари танлаб олиши, технологик жараён ва техник объектларни тўғри танлаб фаолият кўрсатиши керак.

5. Касб таълими ўқитувчиси аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал ҳолда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларида фойдаланиши, амалий машқлар бажариши мақсадга мувофиқ.

6. Касб таълими ўқитувчиси ўз билимларини оширишни доимий ижодий изланишлар тарзида ташкил эти шва маълум мақсадга йўналтириш зарур.

Бунинг учун у:

- ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиши;

- ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик, психологик ва назарий тайёргарлигига боғлиқ бўлишини эсда тутиши лозим.

Юқоридаги фикрлар касб таълими ўқитувчисининг мустақил таълим олиши янгича ижодий тафаккурга эга бўлган кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

## **2. Мустақил таълим олиш методикаси**

«Мустақил таълим» тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга қуйидагича таъриф берилган: ***мустақил таълим*** – ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариши асосида назарий билим, амалий

*кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.* Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгаллиги муҳимдир. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилини, самарали шакллари, воситалари танланса, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва ўқув материалларининг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ҳамда вазифаларнинг кўп қирралилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин тутди. Аммо энг асосийси, талабаларнинг мустақил равишда таълим олиш фаолиятини ташкил этишда уларнинг интилиш ва қизиқишларига эътибор қаратиш зарур. Талабаларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишини, улар ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини қуйидаги мезонлар билан белгилаш мумкин:

- мақсадга йўналтирилган, мотивацион муҳитдаги мустақил таълим;
- мустақил тафаккур жараёнини таъминловчи кўникмалар;
- мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган кўникмалар.

Талабалар мустақил таълим олишлари жараёнида қўшимча адабиётларга мурожаат қилади, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпгина талабалар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайдилар, маърузалар, рефератлар тайёрлашда илмий-оммабоп, даврий нашрлардан фойдаланадилар.

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усуллари эгаллайди. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда топшириқларнинг берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хулосалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда ва масалаларда автоном ҳолда мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда мустақил билим олишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларда объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини акс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса, объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган ўқув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўқув топшириғи саналади.

Ўқув топшириғи муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳар бири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик ва техник-технологик мустақил ишларни ишлаб чиқишда ўқув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Топшириқ тўғри ифода этилса, талаба томонидан уларнинг қабул қилиниши осонлашади.

Мустақил билим олишда кўпинча шартлари ифода этилмаган топшириқларни бажаришга тўғри келади. Талаба масалани ечар экан, шартларни ўзгартириш тартиби билан танишади, аниқ бир муаммони таҳлил қилиш ва ўқув-педагогик ёки техник-технологик масалани бажаришда мавжуд кўникма ҳамда малакалардан фойдаланади.

Бундай педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Шартлари ифода этилган, бироқ ечиш учун зарур бўлган барча маълумотлар берилмаган масалалар. Улар назарий ва амалий масалалар тарзида икки гуруҳга ажратилади. Амалий масалалар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай масалаларни ечишда фақатгина ақлий фаолият, билим, малака ва кўникмаларгина эмас, балки сенсор ҳамда ҳаракатлар фаоллигига эришиш талаб этилади. Бу масалалар мустақил билим олиш технологияларининг амалиёт билан узвийликни таъминлашга ёрдам беради.

2. Ўзлаштирилмаган билим, ҳаракат ва операцияларга дуч келинмайдиган масалалар. Мазкур масалалар аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни янги вазиятларда қўллаш, фикрлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш ҳамда мавжуд билимларни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

3. Саволлар – янги билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга тайёрликни аниқловчи восита. Саволларда қуйидаги икки жиҳат кўзга ташланади: мавжуд билимларни текшириш ва мустақил хулосага келишга йўналтириш. Саволлар репродуктив ва продуктив тарзида икки гуруҳга бўлинади. Репродуктив саволлар хотирани мустаҳкамлаш, продуктив саволлар эса фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Улар субъектларга ақлий ҳаракатларни ўзлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, таҳлил, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш, муҳимини ажратиш, мустақил равишда хулосаларга келиш ва амалий қарорларни қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

*Мустақил таълим фаолиятининг биринчи босқичида* фанларга бўлган қизиқиш асосий манба бўлади. Бироқ бу қизиқиш етарли даражада қатъий ва чуқур бўлмайди. Бунда ҳам мақсадга йўналтирилган, тизимли, махсус ташкилий, мустақил таълим фаолияти мавжуд эмас. Фақат китоблар ўқиш, махсус маърузалар тинглаш, мустақил тафаккур фаолиятига интилиш бўлади. Шахсининг мустақил таълим олиш фаолиятига қизиқишлари ҳам мужассамлашмаган, у ҳам кўплаб қўшимча, кенг миқёсли ишларни амалга оширади, бироқ буларни узвий равишда эмас, балки баъзан ва чуқур билимга эга бўлмай амалга оширади.

*Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичида* талабалар мустақил (албатта, нисбатан) ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб, мустақил фаолият мазмунини англаб, ташкилий ишларни амалга ошириб борадилар. Бу даврда талабалар шахсий – ҳаётий режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси сифатида касбий вазифаларни ҳал этадилар. Иккинчи босқичда уларнинг мустақил фаолият қизиқишлари жиддийлашади, фаннинг алоҳида қисмини ўрганиш, бу орқали ўз ҳаётий режаларини тузиш, бирор касбни эгаллашга бўлган қатъий истак асосий ўрин тутади. Онгли равишда қўшимча фаолият билан шуғулланади, ўз ғояларини амалга ошириш воситасига айланган мустақил таълим билан шуғулланишга интилиш пайдо бўлади. Мустақил таълимни онгли равишда ташкил этади.

*Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичида* талабалар мустақил таълим билан бир неча йил шуғулланиб, ўз касбий мақсадлари, фаолияти йўналишларини вазифаларини аниқ белгилаш малакасига эга бўладилар.

Мустақил билим олиш даражасини баҳолаш ўз-ўзини баҳолаш ва ўқитувчи томонидан баҳолаш асосида қиёсланади.

Ўқитувчи тайёрлаш ўқув режасига киритилган таълим дастурларида талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олишлари назарда тутилган. Барча йўналишдаги бакалавр-ўқитувчи тайёрлаш ўқув юкламасининг

энг юкори хажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланган. Шундан аудитория ўқув ишлари хажми ҳафтасига 28 соат, қолган қисми, яъни 26 соати аудиториядан ташқари мустақил таълим олишга қаратилган. Касб таълими йўналишида бўйича бакалавр-ўқитувчилар тайёрлаш учун белгиланган ўқув юкмасининг умумий хажми 7344 соатни, шундан мустақил иш соатлари 2992 соатни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, бакалавр даражасидаги кадрларни тайёрлаш учун ўқув режасида белгиланган юкмасининг 48 % хажми мустақил таълим олишга қаратилган. Мустақил ишларни бажаришда талабалар фанлараро боғланишни ҳисобга олиб, ўқув адабиётларини танлайди, улардан керакли маълумотларни ёзиб олади, уларни таҳлил қилиб, мустақил ишнинг мазмунини ўрганади ва шу иш бўйича тушунчага эга бўлади. Ушбу ҳолатни қуйидаги 1-жадвалда ҳам кўриш мумкин.

#### 1 – жадвал

#### Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчилар тайёрлаш ўқув режаси асосида ажратилган соатлар миқдори

Фанлар блоклар номи	Талабанинг иш хажми (соатларда)		
	Умумий соатлар	Аудитория машғулотлари	Мустақил таълим
Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1836	1088	748
Математик ва табиий фанлар	1140	674	466
Умумқасбий фанлар	3278	1944	1268
Ихтисослик фанлари	640	380	260
Қўшимча фанлар	450	266	184
Ҳаммаси	7344	4352	2992

Берилган масаланинг бир қисмини аудиториядан ташқарида (кутубхона, лаборатория хонаси ва бошқалар) ҳам мустақил ишлашга рухсат этилади. Мустақил иш дастурини белгилашда ўтилган мавзуларнинг такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда талаба учун илмий, амалий жиҳатдан муҳим, ўрганган ҳамда ўрганаётган билимларидан ижодий фойдаланиш мумкин бўлган саволлар ва масалалар қўйилади.

Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчилар тайёрлашда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш қуйидаги йўллар асосида тартибга келтирилди:

- ўқув фаолиятида инсон объектив борликни ўрганишда, ўзининг ҳаётий тажрибасини бойитишда, табиатга таъсир кўрсатиш воситаларини билиб олишда, шу билан бир вақтда, ўзининг қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам берувчи идрок этиш малакаси муҳим аҳамият касб этади.

- талабалар амалий фаолияти жараёнида керакли билим, кўникма ва малакалар эгаллашлари, бу жараёнда ўқитувчи кузатишга, ўз кузатишларини тажрибалар йўли билан текширишга, ўқув адабиёти билан ишлашга, фан маълумотларидан кундалик ҳаётида фойдаланишга ўрганади.

Касб таълими методларидан талабаларда мустақил таълим олиш малакаси шаклланганлик даражасини аниқлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Уларни шартли равишда қуйидаги номлар билан аташ мумкин:

1. Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил иш жараёнини ташкил этишда умумийдан типикликни ва хусусийликни ажратиб олиш малакаси (ажрата олиш малака).

2. Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, амалий бажариш, техник чизмалар, схемалар тузиш малакаси (тузиш малакаси).

3. Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш малакаси (ташкил этиш малакаси).
4. Мустақил фикрлаш малакаси (фикрлаш малакаси).
5. Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси (назорат қилиш малакаси).

Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларини мустақил ишлаш малакаларига ўргатиш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

1. Талабаларга техник масалани, мисолни ечиш намунаси берилади, улар билан танишгандан сўнг талабалар мустақил ёки жамоа бўлиб, шунга ўхшаш масалани ечадилар. Уларга амалий иш бажаришнинг технологик харитаси берилади, талабалар харита асосида мустақил ҳолда фаолият билан шуғулланадилар. Тўпланган тажрибалари асосида талабаларнинг умумий фаолияти режасини тузиш, яъни масалани ечиш ва амалий машқларни бажариш тартибларини фойдаланадиган усулларни кўрсатишлари таклиф этилади.

2. Талабаларга техник масалани ечишнинг тайёр йўриқномаси (режа ёки алгоритми), амалий иш бажариш босқичлари, уни қўллаш намунаси ва мустақил иш учун топшириқлар берилади. Бажариш жараёнида топшириқнинг энг қийин босқичлари жамоа бўлиб ўрганилади.

3. Талабаларга мавзулардан бири бўйича масалани ечиш ёки техник-ижодий машқ бажариш режаси берилади. Унинг амалиётда қўлланилишини машқ қилиб, талабалар бошқа мавзуга ўтадилар, бунинг учун уларга аввал бажарилган машқлардан намуна сифатида фойдаланган ҳолда режа тузиш таклиф этилади.

4. Талабаларга мустақил ишнинг умумий режаси ва уни аниқлаштириш методи берилади. Улар аниқ бир мавзунини бажаришга киришиб, машғулот мавзусига биноан умумий режанинг дастлабки кўринишини тузадилар, кейин техник масалани ечиш ёки амалий машқ бажариш жараёнида уни мустақамлайдилар.

5. Талабаларга берилган мавзу, бўлим бўйича аниқ тарзда масалани ечишни ёки амалий машқ бажариш жараёнини қандай режалаштиришга оид тушунчалар берилади. Тузилган режалар кейинчалик талабалар томонидан мустақил иш бажариш жараёнида фойдаланилади.

### **3. Касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланиш.**

Касб таълимида мустақил таълим олишнинг энг мақбул шакллари танлаш, улардан фойдаланишнинг адекват усулларини қўллаш талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда, уларнинг амалий фаолият жараёнида мустақил, иждоий топшириқларни самарали бажаришларига олиб келади.

Мустақил таълимни ташкил этиш шакллари таълим жараёнининг ҳар бир босқичида намоён бўлса-да, биз асосан касб таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги мустақил таълим олиш шакллари илмий асослашга ҳаракат қилдик.

- а) аудиторияда ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари:
  - 1а-шакл - маъруза тинглаш ва баён этилганларни дафтарга қайд этиш;
  - 2а-шакл - амалий ва лаборатория ишларни бажариш;
  - 3а-шакл - чизмалар ва схемаларни ўқиш, чизишни ўрганиш;
  - 4а-шакл - техник моделлаштириш ва лойиҳалаш.
- б) аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари:
  - 1б-шакл - ўқув адабиётлари билан ишлаш;
  - 2б-шакл - назорат ишларига тайёрланиш;
  - 3б-шакл - маъруза тайёрлаш;
  - 4б-шакл - масофавий таълим технологияси.

Куйида *аудиторияда ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари*нинг мазмуни ҳақида қисқача тўхталиб ўтилади.

**1а-шакл.** Маъруза тинглаш ва баён этилганларни дафтарга қайд этиш. Касб таълими фанларидан маърузани тинглаш, уни дафтарда қайд этиш жараёнида маъруза манбалари арақнинг бир тарафига, иккинчи тарафига жой қолдирилган ҳолда ёзилади.

Иккинчи тарафига эса талаба томонидан чиқарилган хулосалар, техник ечимлар, мулоҳазалар, уларда пайдо бўлган саволлар, саволларга жавоб вариантлари, фактларни ёзиш ва ҳар хил белгиларни қўйиш тавсия этилади. Шунинг учун баъзан кенг ҳошиялар қолдирилади.

**2а – шакл.** Амалий ва лаборатория ишларини бажариш. Амалий машғулотлар талабада техник билимни мустаҳкамлашга, уларни янги вазиятга қўчириб, амалий масала ҳамда вазиятларни ҳал қилиш учун умум-педагогик тушунчалар ва асосий педагогик малакаларни ривожлантиришга қаратилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- технологик топшириқларни бажариш;
- педагогик-технологик вазиятлар ишлаб чиқиш;
- умумлаштирувчи техник-схемаларни моделлаштириш;
- керакли маълумотларни топиш;
- мустақил (қўшимча) билим олиш.

Лаборатория машғулотларининг асосий моҳияти шундаки, унда талабалар мустақил равишда мавзуга оид турли топшириқларни бажарадилар ёки тажриба ўтказдилар.

Амалий машғулот ўтказиш шакллари: турли хил педагогик-технологик вазиятларни лойиҳалаш, педагогик-техник масалаларни ҳал этиш, топшириқлар бажариш, техник-схемалар билан ишлаш, ўқитувчилар билан баҳс-мунозараларда иштирок этиш.

Амалий ва лаборатория ишларида талабаларнинг асосий иш фаолияти технологик машқлар ҳисобланади.

**3а – шакл.** Чизмалар, схемаларни ўқиш ва чизиш. Касб таълими йўналишида умумкасбий ва ихтисослик фанлари техникавий асосларга эга бўлганлиги сабабли чизмаларни ўқиш, схемалар чизиш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларга чизмаларни ўқиш ва чизишни ўргатиш учун дастлаб уларни график элементлари билан таништириш, уларда чизмаларни ўқиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Машғулотларда техник ҳужжатлар сифатида техник расмлар, эскизлар ва иш чизмаларидан фойдаланилади.

**4а – шакл.** Техник моделлаштириш ва лойиҳалаш. Касб таълими факультетларида техник моделлаш ва лойиҳалаш усулларида кўпинча ўқув устахоналаридан фойдаланилади. Ўқув устахоналарида касб таълими бўйича машғулотларнинг турли ташкилий шакл ва методларидан фойдаланиш; техник маълумотлар бериш; тадқиқотчилик ва амалий фаолият бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш ишларини амалга ошириш; техник билимларни, меҳнат усуллари, бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш; эстетик дид ва меҳнат маданияти кўникмаларини, мустақил ишлаш қобилиятини шакллантириш; конструкторлик-технологик таснифдаги ижодий масалаларни ҳал қилиш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.

*Аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари мазмуни.*

**1б – шакл.** Ўқув адабиётлари билан ишлаш. Аудиториядан ташқарида ўқув адабиёти билан ишлаш мустақил таълим олишнинг энг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Ўқув адабиёти билан ишлаш жуда осон ва қулай усул ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан ишлашни барча таълим олувчилар яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ўқув адабиётлари деганда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар, маълумотлар йўриқномалар ва ҳоказоларни тушуниш мумкин.

**2б – шакл.** Назорат ишларига тайёрланиш. Имтиҳонларга ва назорат ишларига тайёрланиш жараёни ҳам мустақил таълимнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Таълим жараёнида имтиҳонлар ва назорат ишлари топширишда талабалардан катта маъсулият талаб этилади. Имтиҳонларда ва назорат ишларида талабалар ўқув режасини қандай даражада ўзлаштирганликлари ҳақида ҳисобот берадилар. Талабалар ижобий баҳоланишлари учун назорат ишларига ўз хоҳишлари асосида мукамал тайёрланишлари шарт. Талаба ҳар бир дарсга ўз вақтида пухта тайёрланса ҳам назорат ишларидан олдин, барибир, қайта ўқиши, ўқиганларини умумлаштириши ва тизимлаштириши лозим.

**3б – шакл.** Маъруза тайёрлаш. Олий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва методларидан фойдаланилмоқда. Таълимнинг асосий шакли эса маъруза ҳисобланади. Маъруза тайёрлаш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Бўлажак касб таълими бакалавр-ўқитувчилари «Касб таълими методикаси» фанида, педагогик амалиёт жараёнида маъруза тайёрлашларига тўғри келади.

Маъруза вақтида ҳам, ҳар турли амалий машғулотларда ҳам, асосий эътибор талабаларнинг мустақил фикр юритишларини ривожлантириш, билим ва малакаларини оширишга қаратилган бўлади.

**4б – шакл.** Масофавий таълим технологияси. Масофавий таълим технологияси анъанавий таълим тизимини амалга оширишда дуч келинган муаммоларни ҳал этиш ёки шарт-шароит уни тақозо қилган ҳолда қўлланилади. У таълим самарадорлигини оширишга имкон беради.

«Масофавий таълим» тушунчаси фанга ўтган асрнинг 90 – йилларида кириб келган. Инглиз тилида «масофавий таълим» (distant education), «Масофадан ўқитиш» (distant learning) каби вариантларда ҳам қўлланилади. Таълим жараёнларини телекоммуникациялардан фойдаланган ҳолда ташкил этишни эса (tele training) деб юритилади.

Масофавий таълим жараёнининг асосини мустақил таълим ташкил қилганлиги учун ҳам талабаларда ижодий тафаккур ривожланиб боради. Масофавий таълимда ўқув жараёнининг муддати қатъий белгиланмайди. Назорат ишларини бажариш ва жавоб йўллашни талаба мустақил, ўзига қулай вақтда бажаради. Ушбу ҳолат масофавий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладди.

Масофавий таълим воситалари:

1. Электрон дарсликлар.
2. Тармоқ ўқув – методик қўлланмалари.
3. Оддий ва мультимедиа компютер таълими тизимлари.
4. Аудио ўқув – ахборот материаллари.
5. Видео ўқув – ахборот материаллари.
6. Лаборатория практикулари.
7. Узоқ масофадан уланувчи тренажёрлар.
8. Узоқ масофадан уланувчи маълумотлар ва билимлар баъзаси.
9. Масофадан уланувчи электрон кутубхона.
10. Эксперт асосидаги таълим тизими [27].

Масофавий таълимни ташкил қилишда бир қанча воситалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу воситалардан амалий жиҳатдан фойдаланиш масофавий таълим самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” – ТДПУ, Тошкент 2003 й. 176 бет.

2. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. “Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш” – ТДПУ, Тошкент 2006 й. 50 бет.

3. Қўйсинов О.А. “Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари” номзодлик дисс-яси. Тошкент 2008 й.

## **17-мавзу: ДАРСДАН ҲАМДА ЎҚУВ МУАССАСАСИДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛЛАШТИРИШ – 2 соат**

Режа:

1. Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишлари
2. Тўғарак ишларининг режаларини тузиш. Тўғарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари
3. Оммавий тадбирларни ташкиллаштириш

### **Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишлари**

Касбий таълим тизимини янада ривожлантириш учун тўлақонли хизмат қилмаётган соҳалар ҳам мавжуд. Жумладан, ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси, касбий билим ва кўникмаларини дарс жараёнида шакллантиришга бир қадар эътибор қаратилаётган бир даврда, дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда тизимлилик, мақсадга йўналтирилган етарлича ўз аксини топмай келмоқда.

Экскурсиялар таълим-тарбия, кўргазмали ўқитишда кенг қўлланиладиган машғулот шаклларида бири саналади. Меҳнат тарбиясини амалга оширишда музейларга, ишлаб чиқариш корхоналарига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид фермалар ва далаларга, қурилиш майдонларига, фирмаларга уюштириладиган экскурсиялардан кенг фойдаланилади.

Экскурсияларни амалда оширишда меҳнат тарбиясига оид самарага эришиш учун аввало таълим муҳитини бевосита буюмларни амалда кўриш, улар билан амалий иш бажариш шароитига эришиш лозим бўлади. Бунинг учун одатда ўқув муассасасига яқин масофада жойлашган объектлар танлаб олинади. Музейларга уюштириладиган экскурсиялар ҳам бу борада юқори самарага эришиш имконини яратувчи шакллардан бири саналади. Музейларда турлича экспонатлар билан танишиш имконияти яратилади, жумладан тарихий ҳужжатлар, асл буюмлар, Ватан ҳимоячилари ва турли меҳнат соҳасига оид ишчиларнинг шахсий буюмлари, турли мақолалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Касб-ҳунар таълими бўйича ўқув дастурида кўрсатилганидек, экскурсия соати ажратилган ўқув фанларининг ҳар бирида ишлаб чиқаришга бир мартадан экскурсия ўтказиш назарда тутилади. Экскурсиялар ўтказишдан мақсад аввало ўқувчиларда ҳозирги замон ишлаб чиқариши ҳақида тасаввур ҳосил қилишдир. Зеро, ўқув устахоналари шароитида ўқувчилар одатда материалларга ишлов беришнинг саноатдаги энг янги ютуқларини акс эттирадиган усуллари билан танишиш имкониятига эга бўлмайдилар. Шунга кўра айтиш мумкинки, экскурсия – ўқувчиларни замонавий техника, технология ва бевосита корхонада ишлаб чиқариш ташкил қилиш билан таништиришнинг ягона йўлидир. Экскурсия анчагина муҳим тушунчаларни, жумладан, «меҳнат унумдорлиги» тушунчасини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Бу тушунчани баён қилиш ва кўрсатмани қўлланмалардан фойдаланиш орқали ҳам шакллантириш мумкин, албатта. Лекин бунда мазкур тушунча ўқувчиларнинг амалий фаолиятидаги, жумладан, ишлаб чиқаришга уюштирилган экскурсиядаги каби мустаҳкам ўзлаштирилмайди. Улар режалашни тўғри бажариш ва бирикадиган деталларни аниқ мослаш қанчалик қийинлигини билдилар. Меҳнат унумдорлигини оширишда мураккаб тикувчилик йўлларида бири билан танишиш ўқувчиларда катта таассурот қолдиради ва уларнинг эсида яхши қолади. Шу тариқа тикув материалларини қайта ишлаш корхонасининг тайёрлов цехига ўтказилган экскурсия давомида, ўқувчилар ҳар хил машиналарнинг ишлашини, тикув материалларининг қирқилишини кўраётганларида уларнинг меҳнат унумдорлиги ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мумкин. Болалар экскурсияда баравар вақт мобайнида қўлларига нисбатан механик қайчи билан анча кўп иш бажариш мумкинлигини бевосита кўрадилар. Ана шу мисол орқали меҳнат унумдорлигини оширишнинг айрим йўллари кўрсатиш мумкин. Масалан, қўл қайчи ўрнига механизациялаштирилган қайчидан фойдаланиш қўл меҳнати ўрнини



механизациялашган меҳнат эгаллашининг намуналаридан биридир, меҳнат унумдорлигининг оширилиши эса ишда бир йўла бир неча асбобдан фойдаланишга мисол бўла олади. Меҳнат унумдорлигини ошириш нуқтаи назаридан қайчилаш жараёнини таърифлашда ўқувчиларга мустақил ҳолда бир неча мисоллар келтиришни тавсия этиш маъқул. Улар илгари ўрганилган материалларни: қўл ва электр машиналар билан тикиш, қўлда ва машиналарда аверлоглаш, қўл ва механик қайчиларда қирқиш ва ҳоказоларни эсласалар мазкур топшириқни бажарадилар.

Ишлаб чиқаришдаги экскурсияларни касб таълим ўқитувчиси бошқа фан ўқитувчилари, хусусан физика ўқитувчиси билан биргаликда ўтказиши мумкин. Бундай ҳолларда экскурсия вақти узайтирилади ва ўрганиш объекти анча чуқурлашади ҳамда кўп қиррали бўлади.

*Экскурсияларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.* Экскурсияларни ўтказиш методикасида қуйидаги асосий масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: экскурсияга тайёрланиш, экскурсияни ўтказиш ва уни яқунлаш. Буларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Экскурсияга тайёрланиш. Бу иш экскурсия объектини танлашдан бошланади. Объектни танлаш экскурсия жараёнида қўйиладиган вазифалар билан белгиланади. Масалан, ўқувчилар касб-хунар коллежининг биринчи курсида тикув материалларини қирқиш ишларини бажарадилар (тахта тиладиган корхоналарга экскурсия уюштириб, ўқувчиларни тикув материаллари қирқиш билан таништириш мумкин); 2-курсида материалларга ишлов бериш ўрганилгандан сўнг асосий таълимий вазифа ўқувчиларга технологик жараёнларни автоматлаштириш ҳақида тушунча беришдан иборат бўлади (табиийки, бундай пайитда экскурсия учун автомат линия ёки алоҳида автомат машиналар мавжуд объект танланиши керак).

Экскурсия объектларини танлашда қишлоқ жойларида касб таълими ўқитувчисининг имконияти ниҳоятда чекланганини назарда тутиш керак. Бунинг устига баъзан ҳамма экскурсияларни битта корхонанинг ўзида ўтказишга тўғри келади. Бундай ҳолларда касб таълими ўқитувчиси экскурсиялар мазмунан такрорланмаслиги ва уларга ўқувчиларнинг қизиқиши сусаймаслиги учун олдиндан устахоналарда таълим беришнинг бутун даври учун ўтказиладиган экскурсияларнинг режасини тузиб олади.

Ўқитувчи экскурсия учун объект танлагач корхона раҳбарлари билан келишиб олади ва экскурсияни кам ўтказиши масаласини ҳал қилади. Экскурсияни ўқитувчининг ўзи ўтказса, энг кўп таълимий самарага эришилади. Чунки ўқитувчи мана шу тадбирнинг таълимий вазифаларини, ўқувчиларнинг тайёрлиги ва фан асосларига доир билимларини яққол тасаввур этади. Буларнинг хаммаси унга ишни аниқ олиб бориш, ўқувчиларнинг диққат – эътиборини улар учун энг муҳим ҳисобланган асосий нарсаларга қаратиш имконини беради. Афсуски, ҳар бир касб таълими ўқитувчиси ҳозирги саноат корхоналарида ўтказиладиган экскурсияларни бошқаришга тайёрланган, деб бўлмайди. Ана шундай ҳолларда экскурсияни корхонанинг ходими ўтказиб, ўқитувчи унга аввал экскурсиянинг вазифаларини тушунтиради.

Касб таълими ўқитувчиси экскурсовод билан биргаликда экскурсиянинг маршрутини ва ўқувчиларга кўрсатиладиган объектни белгилайди. Бунда ўқувчилар учун хавфсизлик масалаларига катта эътибор берилади. Ўқитувчи экскурсовод билан биргаликда ўқувчиларнинг корхона территориясидаги ҳаракати хавфсизлигини қандай таъминлаш уларни цехга қандай жойлаштириш кераклиги ҳақида фикрлашади.

Ўқитувчи экскурсия вақтида ўқувчиларнинг активлигини ошириш учун уларга индивидуал топшириқлар беради. Бу топшириқлар турли характерда бўлиши, масалан: муайян деталга ишлов бериш тартибининг ёзишдан (маршрутли технологик карта тузишдан), қатор операциялар бўйича деталь заготовкасининг эскизини тайёрлашдан, қўл меҳнати билан машинада ишлашнинг унумдорлигини таққослашдан иборат бўлиши мумкин.

Экскурсияни ўтказиш. Одатда экскурсия қисқача кириш сўзи билан бошланиб, унда ўқувчиларга корхонанинг мазкур иқтисодий район ва умуман халқ хўжалиги учун

аҳамияти ёритилади. Ўқувчилар корхонанинг маҳсулотлари билан ҳам танишадилар, суҳбатни техника кабинетида ёки корхонанинг тарихи, ютуқ ва анъаналарини ифодаловчи стендлар билан жиҳозланган қизил бурчакда ўтказиш энг қулайдир. Ўқитувчи суҳбат охирида ўқувчиларга корхона территориясидаги хатти - ҳаракат қоидаларини тушунтиради ва индивидуал топшириқлар бериб, уларнинг қандай бажарилгани текширилишини айтади.

Экскурсия таълимий вазифаларга боғлиқ ҳолда ўтади. Масалан, ўқувчилар корхонага технологик жараён билан танишиш учун келсалар, тайёрлаш цехларидан бошлаб то йиғиш цехларигача, бирор характерли детални ишлашнинг ҳамма жараёнини кузатадилар. Шу тариқа улар аста секин бир цехдан иккинчи цехга ўтиб, умуман корхонанинг ишини билиб оладилар. Бунда ўқитувчи ҳар хил технологик жараёнларнинг типик томонларини алоҳида таъкидлайди. Натижада ўқувчилар фақат мазкур корхонага хос технологик жараён ҳақида эмас, балки бошқа корхоналардаги шунга ўхшаш жараёнлар ҳақидаги тушунчага эга бўладилар.

Иккинчи мисол. Ўқувчилар муайян ишлаб чиқариш жиҳозининг тузилиши ва иши билан танишишлари керак. Бундай ҳолларда кузатиш учун объектлар шундай танланадики, ўқувчилар жиҳозлар атрофида ишчига халақт бермайдиган, ўзларига ҳамма нарса кўриниб турадиган ҳолда жойлашадилар.

Ўқувчилар кузатишни маълум миқдорда малга ошириш учун уларга оғзаки ёки ёзма жавоб қайтариладиган конкрет топшириқлар берилади. Ўқитувчи ўқувчилар орасида айланиб юриб, улар топшириқни тўғри тушунган – тушунмаганини ва уни қандай бажараётганликларини текширади.

Экскурсия натижаларини яқунлаш. Экскурсия унинг натижаларини яқунлаш билан тугайди. Кўпинча меҳнат ўқитувчиси экскурсия тугагач ўқувчилар билан бирга техника кабинети ёки қизил бурчакка қайтади ва улар топшириқни қай тарзда бажара олганини, бунинг учун керакли материал тўплаган – тўпламаганини аниқлайди. Шундан сўнг ёзма ҳисоботларни топшириш ёки устахоналардиги машғулотларда яқунловчи суҳбат ўтказиш вақтини белгилайди.

**II. “КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ” ФАНИДАН МАЪРУЗА  
МАШҒУЛОТЛАРИНИ ИННОВАЦИОН  
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**Муаллифлар:  
Одил Алмуротович ҚЎЙСИНОВ  
Шерали Сайдиқаримович АБДУРАИМОВ  
Дилмурод Нормуродович МАМАТОВ  
Ўктам ТОҲИРОВ**

**1-мавзу: “ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, “КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ”НИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

<b>Маърузага ажратилган вақт</b> – 2 с	Талабалар сони – та
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Кириш маъруза
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	1.Ўқув курси ва машғулот мавзусига кириш. 2.Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўрта махсус, касб-хунар таълимига қўйилган талаблар. 3.Касб таълими методикаси фанининг бошқа касбий таълим фанлари билан алоқалари. 4.Касб таълими методикаси фанининг тадқиқот методлари. 5.Касб-хунар таълимининг тарихий шаклланган анъаналари. 6.Мавзуни яқунлаш.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Талабаларда “Касб таълими методикаси” фанининг ўзига хосликлари, предмети, мақсад ва вазифаларини, тадқиқот методлари ва тарихий шаклланган анъаналари ҳақидаги билим, кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> 1) “Касб таълими методикаси” фанининг тузилишини шарҳлаш; 2) Фан миқёсидаги методик ва ташкилий ишларнинг хусусиятлари, муддати ва баҳолаш мезонлари билан таништириш; 3) “Касб таълими методикаси” фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш; 4) Фаннинг бошқа фанлар билан алоқалари ва тадқиқот методларини ажратиб кўрсатиш; 5) Фаннинг методологик асосларини очиб бериш; 6) Касб-хунар таълимининг тарихий шаклланган анъаналарини баён этиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1) Фанга ажратилган умумий соатлар, уларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари вақтда тақсимланиши, фаннинг модул-блоклари ҳақида тушунчага эга бўлинади; 2) Фан бўйича машғулотларнинг бориши, БКМларни назорат қилиш турлари, шакл, метод ва воситалари, назоратларни ўтказиш вақти ва баҳолаш мезонлари ҳақида аниқ тасаввурлар шакллантирилади; 3) Фаннинг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини билиб оладилар; 4) Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаларини таққослайдилар ва тадқиқот методларини ўзлаштирадилар; 5) Фаннинг методологик асосларига доир тасаввурлар ҳосил қилинади; 6) Касб-хунар таълимининг тарихий шаклланган анъаналари тўғрисидаги билимларни ўзлаштирадилар.
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Б–Б–Б” стратегияси
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**Кириш маърузасининг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (20 минут)</b>	<p>1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади.</p> <p>1.2. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришни сўрайди (1-2-иловалар).</p> <p>1.3. “Касб таълими методикаси” фанининг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради (3-4-иловалар).</p> <p>1.4. “Касб таълими методикаси” фанининг микёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради (5-илова).</p> <p>1.5. Фаннинг рейтинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради (6-илова).</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>“Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришади.</p> <p>Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасавурлар тизимига эга бўлишади</p> <p>Рейтинг қайдномасини тўлдиришади</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдириш сўралади (1-2-иловалар).</p> <p>2.2. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (3-илова).</p> <p>2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади (3-4-иловалар).</p>	<p>“Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдиришади.</p> <p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
<b>3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)</b>	<p>3.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади (1-2-иловалар).</p> <p>3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасавурларини аниқлайди (1-2-иловалар).</p> <p>3.3. Аниқ тасавурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради (7-илова).</p> <p>3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради (6-7-илова).</p>	<p>“Б–Б–Б” стратегиясини тугаллашади ва ўз тасавурларини бошқаларники билан таққослайди.</p> <p>Ўз тасавурларини бойитади ва тўлдиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олишади.</p>

## Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

**Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ-**  
 Биладан/ Билишни  
 хоҳлайман/ Билиб олдим.  
 Мавзу, матн, бўлим  
 бўйича изланувчиликни  
 олиб бориш имконини  
 беради.  
 Тизимли фикрлаш,  
 тузилмага келтириш, таҳлил  
 қилиш кўникмаларини  
 ривожлантиради.

Жадвални тузиш қоидаси билан  
 танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда  
 жадвални расмийлаштирадилар.

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва  
 “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган  
 саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш  
 учун йўналтирувчи асос яратилади).  
 Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.

Маърузани тинглайдилар, мустақил  
 ўқийдилар.

Мустақил/кичик гуруҳларда  
 жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

## Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биладан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

### 3-илова

1. Кириш. “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш жараёнида касб таълими методикаси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўрта махсус, касб-хунар таълимига қўйилган талаблар.

1.2. “Касб таълими методикаси” фанининг бошқа касбий таълим фанлари билан алоқалари.

1.3. “Касб таълими методикаси” фанининг тадқиқот методлари.

1.4. Касб - хунар таълимининг тарихий шаклланган анъаналари.

### 4-илова

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

**шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;


**давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

**узлуксиз таълим** – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

**фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

**ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

### 5-илова



№	Назорат тури	Ажратилган балл	Изоҳ
1	Оралиқ назорат	40	Шундан 20 балл маъруза машғулотларида иштироки учун, қолган 20 балл ёзма оралиқ назорати учун қўйилади
2	Жорий назорат	30	Ҳар бир лаборатория машғулотига балл қўйилади
3	Якуний назорат	30	Якуний назорат ёзма топширилади

**Ҳар бир маъруза машғулот учун 0,5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

2,0 балл - «аъло»

1,5 балл - «яхши»

1,0 балл - «кониқарли»

0,5 балл - «кониқарсиз»

<b>Асосий адабиётлар</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент., Шарқ, 1998. - 64 б.</li> <li>2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим тўғрисидаги қарорлари. 1-қисм. Тошкент., 1998. - 106 б.</li> <li>3. Давлатов К., Воробьев А., Каримов И. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.</li> <li>4. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқуддусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.</li> <li>5. Мехнат таълими методикаси / Мағдиев О.Болтабоев С.А., О. Авазбоев, В.Н. Сатторов. - Тошкент., ТДПУ, 2000. - 92 б.</li> </ol>
--------------------------	---

## 2-мавзу: КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Маърузага ажратилган вақт	Талабалар сони – та
- 2 с	
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Анжуман-маъруза
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кириш. Касб-ҳунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар.</li> <li>2. Касб-ҳунар таълимида умумдидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмий ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия бирлиги, кўрсатмалилик.</li> <li>3. Маъруза юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш ва умумий хулосаларга келиш.</li> <li>4. Анжуман-маърузани яқунлаш.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Талабаларда касб-ҳунар таълимининг асосий дидактик тушунчалар ва онглилик ва фаоллик, илмий ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия бирлиги, кўрсатмалилик каби умумдидактик тамойиллар ҳақидаги билимларни таркиб топтириш




<b>Педагогик вазифалар:</b> 1. Касб-хунар таълими жараёнлари тахлили ва асосий дидактик тушунчалар тушунтириш; 2. Касб-хунар таълимида умумдидактик тамойиллар амалга ошириш тартибини баён этиш; 3. Онглилик ва фаоллик, илмий ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия бирлиги, кўрсатмалилик тамойилларини тушунтириш; 4. Маъруза юзасидан муҳокамалар жараёнини бошқариш ва умумий хулосалар қабул қилиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1) касб-хунар таълимнинг асосий дидактик тушунчалар тинглаб боришади; 2) умумдидактик тамойилларни бир-бирдан фарқли жиҳатларни ажратиб олиб, ўз дафтарларига қайд этадилар; 3) онглилик ва фаоллик, илмий ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия бирлиги, кўрсатмалилик тамойилларини юзасидан саволлар билан муурожаат этишади; 4) ҳар бир умумдидактик тамойиллар юзасидан муҳокама учун сўзга чиқадиладар ва умумий хулосалар қабул қилишда ўз муносабатларини билдиришади.
<b>Таълим методи</b>	Анжуман-маъруза, тушунтириш, суҳбат, мунозара, “Нима учун” графикли органайзер
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, компьютер, видеопроектор, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**Касб-хунар таълими тамойиллари мавзусидаги анжуман-маърузанинг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	(1) Касб-хунар таълими тамойиллари мавзуси бўйича тайёрланиш адабиётлар рўйхатини беради (1-илова). (2) Талабаларга мавзунини тақсимлаб беришни ташкиллаштиради (2-илова). (3) Маърузачиларга касб-хунар таълимнинг асосий дидактик тушунчалари бўйича реферат мавзусини батафсил тузиш топшириғини беради, маслаҳат беради. (4) Барча талабаларга Касб-хунар таълимида умумдидактик тамойилларига (онглилик ва фаоллик, илмий ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия бирлиги, кўрсатмалилик) оид қўшимча материалларни тўплаш ва тарқатма материаллар тайёрлаб келиш топшириғини беради (3-илова).	Маърузачилар мавзунини танлайдилар ва унинг режасини тузадилар. Қолганлари маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар реферат ёзишади ва кўргазмали материаллар тайёрлашади.
<b>1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (20 минут)</b>	1.1. Касб-хунар таълими тамойиллари мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади (3-4-иловалар). 1.2. Касб-хунар таълими жараёнлари	Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар. Бахс-мунозаралар

	<p>таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар тўғрисида талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради (3-4-иловалар).</p> <p>1.4. Умумдидактик тамойиллар асосида бахс-мунозаралар ташкил этади (5-илова).</p> <p>1.3. Вақт меъёрларига амал қиладилар, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p>	<p>ташкил этадилар.</p> <p>Ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p>
<p><b>2-босқич.</b> <b>Асосий (Англаш босқичи)</b> <b>(50 минут)</b></p>	<p>2.1. Касб-хунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади (3-4-иловалар).</p> <p>2. Касб-хунар таълимида умумдидактик тамойилларига (онглилик ва фаоллик, илмий ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия бирлиги, кўрсатмалilik) доир маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади (5-илова);</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- талабаларнинг ўз фикрларини билдиришларини, қўшимча саволлар беришни таклиф этади;</li> <li>- саволлар беради;</li> <li>- маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради.</li> </ul> <p>2.4. Касб-хунар таълими тамойиллари мавзусини қисқача умумлаштириш билан яқунлайди (3-4-5-иловалар).</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Бахс-мунозарага киришадилар.</p> <p>Касб-хунар таълимида умумдидактик тамойилларни таҳлил қиладилар.</p>
<p><b>3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи)</b> <b>(10 минут)</b></p>	<p>3.1. Талабаларга тўпланган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида “Тоифалаш” жадвалини тўлдиришни сўрайди (6-7-иловалар).</p> <p>3.2. Нима учун технологияси асосида “Касб-хунар таълими тамойилларини нима учун бажариш керак?” деган саволни беради. Иштирокчилар тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди (8-илова).</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради (6-7-иловалар).</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Берилган топшириқни топширадилар.</p> <p>Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.</p>

## 1-илова



1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ” Тошкент., 1998 й. 64 б.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат ТДПУ. Тошкент., 2003й. 176 б.
3. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. “Ўқитувчи” Тошкент., 1992 й.320 б.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар Касб таълими услуги “Иқтисод молия” Тошкент., 2006 й. 192 б.
5. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори “Ўқитувчи” Тошкент., 2001 й.432 б.
6. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси Тошкент., 2005 й. 58 б.
7. Йўлдошев Ғ.Ж., С.А. Усмонов Педагогик технология асослари. – Тошкент., Ўқитувчи. 2004. – 104б.



## 2-илова

- 2.1. Касб - ҳунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар.
- 2.2. Билим, кўникма, малака, касбий маҳорат.
- 2.3. Касб - ҳунар таълимида умумдидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмийлик ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим - тарбия бирлиги, кўрсатмалилик.
- 2.4. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва уларни касб - ҳунар таълимида қўллаш.

## 3-илова



грекча didaktikos сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Дидактика бу ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади. Педагогик назариянинг таълимотига кўра дидактика ва методика бир-бири билан узвий боғлиқ.



## ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

### ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Тоифали шархлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий ҳужум / кластер тузиш/ янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар.


Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Ҳолатларни / маълумотларни тоифага мос равишда бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Иш натижаларининг тақдими

12

## Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.



### “Қандай?” диаграммасини қуриш қодалари

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “буни қандай қилиш керак?”, “қандай” асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади. “Қандай” саволларининг изчил берилиши куйидагилар имконини беради: муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўлларини ҳам тадқиқ қилиш; куйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлайдилар.

Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

1. Барча ғояларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;

Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин;

Агарда чизмада савол унинг “шоҳларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни англатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин;

Янги ғояларни график кўринишда: дарахт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгга қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз;

Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

### 3-мавзу: КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМЛАРИ

<b>Мавзу: Касб-хунар таълимининг дидактик тизимлари.</b>	
<b>Маърузага ажратилган вақт –</b> 2 с	<b>Талабалар сони –</b> та
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	1. Таълимнинг дидактик тизими ҳақида умумий тушунча. 2. Предмет тизими, операция тизими, операция-предмет тизими, моторли-машқ тизими, операция-комплекс тизими ва бошқа тизимлар. 3. Касб-хунар таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Талабаларда касб-хунар таълимининг дидактик тизимлари ҳақидаги билимларини ошириш ва кўникмаларини шакллантириш
<b>Педагогик вазифалар:</b> 1. Таълимнинг дидактик тизими ҳақида умумий тушунча берилди. 2. Предмет ситемаси, операция, операция-предмет тизими, моторли машқ тизими, операция-комплекс бошқа тизимлар ҳақида маълумот берилди.. 3. Касб-хунар таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинади.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1. Дидактик тизимлар ҳақида билимларини оширади ва шу ҳақида тўлиқ маълумот бера олади. 2. Касб-хунар таълимининг дидактик тизимларини санаб беради ва уни амалиётга тадбиқ эта олади. 3. Касб-хунар таълимининг дидактик тизимларини такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф бера олади.
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, ақлий ҳужум, “Т-чизма” график органайзери
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гуруҳли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия, савол-жавоб


#### “Касб-хунар таълимининг дидактик тизимлари” маъруза машғулотининг технологик картаси.

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	1. Касб-хунар таълимининг дидактик тизимлари мавзуси бўйича тайёрланиш адабиётлар рўйхатини беради (1-илова). 2. Талабаларга мавзуни тақсимлаб беришни ташкиллаштиради (2-илова). 3. Маърузачиларга касб-хунар таълимининг дидактик тизимлари	Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар.  Қолганлари маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар


	<p>бўйича реферат мавзусини батафсил тузиш топшириғини беради, маслаҳат беради (1-2-илова).</p> <p>4. Барча талабаларга дидактик тизимлар ҳақида билимларини оширади ва шу ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш ва тарқатма материаллар тайёрлаб келиш топшириғини беради (3-илова).</p>	<p>тузадилар.</p> <p>Маърузачилар реферат ёзишади ва кўргазмали материаллар тайёрлашади.</p>
<p><b>1-босқич. Ўқув машғулотиға кириш (Даъват босқичи) (20 минут)</b></p>	<p>1.1. Касб-ҳунар таълимининг дидактик тизимлари мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади (2-илова).</p> <p>1.2. Касб-ҳунар таълимининг дидактик тизимларини такомиллаштириш йўллари тўғрисида талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради (3-илова).</p> <p>1.4. Касб-ҳунар таълимининг дидактик тизимлари асосида бахс-мунозаралар ташкил этади (3-илова).</p> <p>1.3. Вақт меъёрларига амал қиладилар, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар.</p> <p>Бахс-мунозаралар ташкил этадилар.</p> <p>Ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p>
<p><b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b></p>	<p>2.1. Касб-ҳунар таълимининг дидактик тизимлари мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади;</p> <p>2. Касб-ҳунар таълимининг дидактик тизимларига доир маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- талабаларнинг ўз фикрларини билдиришларини, кўшимча саволлар беришни таклиф этади;</li> <li>- саволлар беради;</li> <li>- маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради (4-илова).</li> </ul> <p>2.4. Мавзусини қисқача умумлаштириш билан яқунлайди.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Бахс-мунозараға киришадилар.</p>
<p><b>3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)</b></p>	<p>3.1. Талабаларга тўпланган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида “Т-чизма” график органайзерини тўлдиришни сўрайди (4-илова).</p> <p>3.2. Нима учун технологияси асосида “Касб-ҳунар таълимининг дидактик тизимлариини нима учун бажариш керак?” деган саволни беради.</p> <p>Иштирокчилар тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Берилган топширикни топширадилар.</p> <p>Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.</p>




## 1-илова



## 2-илова



## 3-илова



## Т-чизма график органайзери

Предмет тизимининг афзалликлари	Предмет тизимининг камчиликлари

Операция тизимининг афзалликлари	Операция тизимининг камчиликлари

Операция-предмет тизимининг афзалликлари	Операция-предмет тизимининг камчиликлари

Моторли-машқ тизимининг афзалликлари	Моторли-машқ тизимининг камчиликлари

Операцион-комплекс тизимининг афзалликлари	Операцион-комплекс тизимининг камчиликлари
Конструкциян-технологик тизимининг афзалликлари	Конструкциян-технологик камчиликлари

#### 4-мавзу: КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДЛАРИ МАВЗУСИДАН “КЕЙС” СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

**Кейснинг асосий мақсади:** Ўрта махсус касб-хунар таълими методлари классификацияси, касб-хунар таълимнинг оғзаки, амалий методлари, кўргазмалилик методлари тўғрисида тушунча бериш. Таълим методларини танлаш мезонлари. Касб-хунар таълимини амалга ошириш методларини ўрганиш, таҳлил этиш ва касб таълимнинг умумий методларини классификацияси тайёрлаш.

##### **Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:**

- 1) Ўрта махсус касб-хунар таълими методларини ўзига хосликларини очиб бериш;
- 2) Таълим методларини танлаш мезонларини ўрганиш;
- 3) Касб-хунар таълимини амалга ошириш методларини ўрганиш, таҳлил этиш ва касб таълимнинг умумий методларини классификацияси тайёрлаш.

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:**

*Талаба қуйидагиларни билиши керак:*

касб-хунар таълими, классификация, метод, оғзаки метод, амалий метод, кўргазмалилик методи, методларни танлаш мезонлари, педагогик технология.

*Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*

таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойиҳалаш, моделлаштириш.

*Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

Ушбу кейсдан “Касб таълими методикаси” ва “Касбий педагогика” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тавсия этилаётган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:**

- 1) Касб-хунар таълими методлари классификацияси тузилиш, фазаси ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;
- 2) топшириқларни ҳал этиш орқали касб-хунар таълими методлари классификациясига доир моделларни ўзлаштириш;
- 3) мустақил равишда касб-хунар таълими методлари классификациясини моделлаштириш кўникмасини эгаллаш.

#### МУАММОЛИ ТОПШИРИҚЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР

##### Талабаларга йўриқнома

Иш босқичлари	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Оғзаки, кўргазмали ва амалий методларга доир моделлар билан танишинг ва моделларнинг таркибий қисмлари, уларнинг мазмунини ўрганинг. Ўрганиб чиқиш вақтида моделларга тавсифнома ёзишга ва касб таълимнинг умумий методлари моделини ишлаб чиқишга шошилманг ( <i>1-2-3-ловалар</i> ).
2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш	Тақдим этилган моделлар мазмуни билан яна бир маротаба танишиб чиқинг. Моделлар таркибидаги тушунчалар ва жумлаларга диққатингизни жалб қилинг. Моделларда касб таълимнинг умумий методлари қайси жиҳатларига эътибор қаратишни аниқланг ( <i>1-2-3-ловалар</i> ).
3. Муаммоли топшириқни таҳлил этинг.	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг. Асосий муаммо: Касб-хунар таълимини амалга ошириш методлари. Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг:

	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Касб - ҳунар таълимнинг оғзаки методлари.</li> <li>2. Касб - ҳунар таълимнинг кўргазмалилик методлари.</li> <li>3. Касб - ҳунар таълимнинг амалий методлари.</li> <li>4. Таълим методларини танлаш мезонлари.</li> <li>5. Касб - ҳунар таълимида педагогик технологиялардан фойдаланиш. Оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар моделларини таҳлил этинг ва ҳар бирига тавсифнома ёзинг (1-2-3-иловалар).</li> </ol>
4. Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	<p>Касб-ҳунар таълимини амалга ошириш методларига доир моделларга тавсифнома ёзишда “Касб таълимнинг умумий методлари” жадвалини тўлдиришга киришинг. Тавсифномаларни ёзишда аниқ хусусиятларни белгилаб олишга ҳаракат қилинг. Жадвални тўлдириш.</p> <p>“Касб таълимнинг умумий методлари”ни ишлаб чиқишда касб таълими методларини ёдда сақланг ва уларнинг функцияларини кўз олдингизда гавдалантиринг (1-2-3-4-5-иловалар).</p>

### 1-илова

**1-муаммоли топшириқ.** Касб таълимнинг умумий методларини шартли равишда уч гуруҳга: оғзаки, кўргазмали ва амалий кабиларга бўлинишига доир моделларни ўрганинг ва ҳар бирига тавсифнома (характеристика) ёзинг.



### 2-илова

**2-муаммоли топшириқ.** Қуйидаги касб таълимнинг умумий методларини шартли равишда уч гуруҳга: оғзаки, кўргазмали ва амалий кабиларга бўлиниш моделини ишлаб чиқиш учун тайёр чизма берилган. Сиз чизмага унинг таркибий қисмларини шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, натижада касб таълимнинг умумий методлари модели ҳосил бўлсин.

**ҚҰЙИДАГИ КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ УМУМИЙ  
МЕТОДЛАРИ**

Оғзаки	Кўргазмалли	Амалий

**3-илова**

**“Касб таълимининг умумий методлари” жадвалини тўлдириг**

Моделларнинг йўналишлари	Моделларни касб таълимининг умумий методлари	Моделларни модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлар

**4-илова**

**Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Талабалар рўйхати	Моделларнинг касб таълимининг умумий методлари йўналтирилган жиҳатлари ва модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлари аниқланган. – мак.2 балл.	Касб таълимининг умумий методлари модели ишлаб чиқилган. – мак. 3 балл.	Жами. – мак. 5 балл.

Эслатма: гуруҳлар фаолиятини баҳолаш учун юқоридаги жадвалнинг биринчи устунига “гуруҳлар рўйхати” жумласи қўйилади. Бироқ гуруҳнинг тўплаган баллари талабаларнинг рейтинг бали ҳисобига киритилмайди. Сиз талабага ҳамкорликда ишлаш унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилишини тушунтиришга тайёр бўлинг.

## Ўқув методик ҳужжатлар

<p><b>Таълим методи</b> деганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият йўллари тушунилади. Буларнинг ёрдамида ўқувчилар билим, малака кўникма, касбий маҳоратларни эгаллашга эришадилар, ақлий ва жисмоний куч ва ижодий қобилият ривожланади.</p>
<p><b>“Модел”</b> тушунчаси илм-фаннинг кўп соҳаларида қўлланилади. Модел – схема, физик конструкциялар, белгили шакллар ва формулалар кўринишида сунъий ҳосил қилинган объект бўлиб, у тадқиқ қилинаётган объектга ўхшаш бўлади, унинг тузилишини, хусусиятларини, объектнинг элементлари орасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларни содда ва тушунарли тарзда акс эттиради</p>
<p><b>Моделлаштириш</b> тадқиқотчилик фаолиятининг яхлит туркумини акс этиришга хизмат қилади. Тадқиқотчи туркум моҳиятини синчиклаб ўрганиб чиқади. Зеро, у якуний модел сифатида назарияни хулоса ва ғоялар билан бойитади. Демак, моделлаштириш танланган объект туркум кўринишида тасаввур этишга имкон беради</p>
<p><b>Оғзаки</b> методларга ўқув материалнинг ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинишига, ҳикоя, тушунтириш, суҳбат ўқувчиларнинг техник адабиёти билан мустақил ишлаши ёзма инструкция бериш, овоз ёзувчи телевидение кабилар қиради.</p> <p><b>Материални оғзаки баён қилиш</b> - касб таълимида ҳикоя қилиш, тушунтириш, маъруза, суҳбат, ўқув материални оғзаки баён қилишнинг асосий методлари ҳисобланади.</p> <p><b>Ҳикоя</b> - ўқитувчи томонидан ўқув материални тартибли, мантикий, изчил, нисбатан кенгроқ баён қилишда фойдаланилади. У пухта режа асосида тузилиши, материални баён қилишда ноаниқликка йўл қўймайлик учун барча деталлари билан тайёрланиши лозим.</p> <p><b>Тушунтириш</b> - ҳикояга яқин бўлган таълим методи ҳисобланади. Касб таълимида ҳикоя ва тушунтиришдан алоҳида ҳолда кам фойдаланилади. Масалаларни баён қилишда, масалан: машиналар, механизмлар тузилиши ёки технологик жараёнларнинг боришини баён қилишда кўпинча ҳикоя ва тушунтириш бирга қўшиб олиб борилади. Ҳикоя тушунтириш муваффақиятли ўтказилиши учун ўқитувчи ўқувчиларнинг амалий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда етказиладиган материални қабул қила олишларини тасаввур қилиш керак.</p>



Асосий  
адабиётлар

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - ТДПУ. Тошкент., 2003. - 176 б.
2. Давлатов К., Воробьев А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
3. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқудусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.
4. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьев, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
5. Толипов Ў.Қ., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов Касбий педагогика. – Тошкент.: 2003. – 88б.
6. Йўлдошев Ғ.Ж., С.А. Усмонов Педагогик технология асослари. – Тошкент., Ўқитувчи. 2004. – 104б.
7. Ҳайдаров Б., Б.Нуридинов ва бошқалар Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – ЎМКХТРИ. Тошкент.: 2002.- 184б.

## **5-мавзу: “КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ” МАВЗУСИДАН МАВЗУСИДАН “КЕЙС” СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Кейснинг асосий мақсади:** касб-хунар таълимида назарий ва амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг асосий шакллари, ўрта махсус, касб-хунар коллеж таълимини хўжалик юрителишнинг янги шакллари, ўрта махсус, касб-хунар таълимида масофавий ўқитишни ва ишлаб чиқариш амалиётининг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиш, ўтказиш, раҳбарлик қилишни ташкилий жиҳатдан ишлаб чиқиш.

### **Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:**

- 1) касб-хунар таълимини ташкил этишнинг асосий шакллари очиб бериш;
- 2) касб-хунар таълимига қилинадиган экскурсияни илмий асослаш;
- 3) жамоавий, гуруҳли, яқка тартибдаги шакллардан фойдаланган ҳолда дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш;
- 4) ўрта махсус, касб-хунар коллеж таълимини хўжалик юрителишнинг янги шакллари ўқитиш ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида масофавий ўқитишни ишлаб чиқиш;
- 5) ишлаб чиқариш амалиётининг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиш, ўтказиш, раҳбарлик қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:**

**Талаба қуйидагиларни билиши керак:** назарий машғулот, амалий машғулот, ишлаб чиқариш таълими, таълим ва тарбия вазифалари, ўқув материалларини тўғри танлаш, ўқувчилар ишида хавфсизликни таъминлаш, экскурсия, такрорлаш ва умумлаштириш дарси, корхона цехларида ўқитишни ташкил қилиш шакллари, ўрта махсус, касб-хунар таълими, хўжалик юрителишнинг ишлари, масофавий ўқитиш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш, ўтказиш, раҳбарлик қилишни ташкилий жиҳатдан ишлаб чиқиш.

**Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:** таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойиҳалаш, моделлаштириш.

**Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:** индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

### **Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейснинг тавсифномаси:**

Ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, аниқ топшириқлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти касб-хунар таълимининг ташкилий шакллари бошқаришга йўналтирилган. Бу ташкилий кейс бўлиб, маълумотлар топшириқлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача тизимлаштирилган бўлиб, тренинга мўлжалланган. Мавзу юзасидан кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал этиш, таҳлил этиш ва янги тавсиялар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган.

Ушбу кейсдан “Касб таълими методикаси”, “Ишлаб чиқариш асослари” ва “Меҳнат таълими” фанларини ва бошқа ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тавсия этилаётган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:**

- ✓ ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- ✓ муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- ✓ назарий ва амалий, ҳамда ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг асосий шакллари эгаллаш;
- ✓ Ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия, хўжалик юрителишнинг янги шакллари ва ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш малакаларини эгаллаш;
- ✓ мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ✓ ўқув ахборотларини ўзлаштириш ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида масофавий ўқитиш даражасини текшириб кўриш.


**МУАММОЛИ ТОПШИРИҚЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА  
ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР  
Талабаларга йўриқнома**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Маслаҳат ва тавсияномалар</b>
<b>1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш</b>	Касб-хунар таълимини ташкилий шакллариغا доир моделлар билан танишинг ва моделларнинг таркибий қисмлари, уларнинг мазмунини ўрганинг. Ўрганиб чиқиш вақтида моделларга тавсифнома ёзишга ва янги моделни ишлаб чиқишга шошилманг <i>(1-2-3-иловалар)</i> .
<b>2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш</b>	Тақдим этилган моделлар мазмуни билан яна бир мартаба танишиб чикинг. Моделлар таркибидаги тушунчалар ва жумлаларга диққатингизни жалб қилинг. Моделларда касб-хунар таълимини ташкилий шакллари ташкил этиш ва бошқаришнинг қайси жиҳатларини ҳал этишга эътибор қаратилганлигини аниқланг <i>(1-2-3-иловалар)</i> .
<b>3. Муаммоли топшириқни таҳлил этинг</b>	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг. Асосий муаммо: касб-хунар таълимини ташкилий шакллари ишлаб чиқиш. Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: 1. Касб-хунар таълимини ташкил этишнинг асосий шакллари тушунтиринг? 2. Касб-хунар таълимида экскурсиянинг мазмуни ва моҳиятини айтиб беринг? 3. Масофавий таълимни ташкил этиш ҳақида гапириб беринг? 4. Ишлаб чиқариш амалиётининг мақсад ва вазифаларини ҳамда амалга оширилиш жараёнини тушунтириб беринг? Юқорида келтирилган моделларни таҳлил этинг ва ҳар бирига тавсифнома ёзинг ва касб-хунар таълимини ташкилий шакллари қандай мақсадга йўналтирилганлигини кўрсатиб беринг <i>(1-2-3-4-иловалар)</i> .
<b>4. Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш</b>	Касб-хунар таълимини ташкилий шакллари ишлаб чиқишга доир моделларга тавсифнома ёзинг ва жадвалларни тўлдиришга киришинг. Тавсифномаларни ёзишда аниқ хусусиятларни белгилаб олишга ҳаракат қилинг. Жадвални тўлдириш <i>(1-2-3-4-5иловалар)</i> .

**1-илова**

**1-муаммоли топшириқ.** Қуйидаги касб-хунар таълимининг ташкилий шакллариغا доир моделларни ўрганинг ва ҳар бирига тавсифнома (характеристика) ёзинг.


1)






2)

Билишга доир



**2-муаммоли топшириқ.** Қуйидаги касб-хунар таълими шакллари амалга ошириш моделини ишлаб чиқиш учун тайёр чизма ва чизманинг тагида модел таркибий қисмлари аралаштирилган ҳолда берилган. Сиз чизмага унинг таркибий қисмларини шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, натижада касб-хунар таълими шакллари амалга ошириш модели ҳосил бўлсин.



- 1) Ташкилий шаклларнинг амалга ошириш босқичлари
- 2) Ўқув ишлаб чиқариш фаолияти
- 3) Раҳбарлик фаолияти
- 4) Ўқув машғулот турларилари
- 5) Ишлаб чиқариш таълим
- 6) Масофавий таълим
- 7) Касб-ҳунар таълимнинг ташкилий шакллари
- 8) Таълим турлари
- 9) Назарий ва амалий таълим
- 10) Натижа ва таклифлар
- 11) Касб-ҳунар таълими
- 12) Ўқувчилар жамоаси

### 3-илова

#### “Касб-ҳунар таълимини ташкилий шакллари” жадвалини тўлдириш

Моделларнинг йўналишлари	Моделларни касб-ҳунар таълимини ташкилий шакллари ишлаб чиқишга йўналтирилган жиҳатлари	Моделларни амалга оширишни талаб этувчи жиҳатлар

### 4-илова

#### Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Моделларни амалга оширишни талаб этувчи жиҳатлар – <b>мак.2 балл.</b>	Моделларни касб-ҳунар таълимини ташкилий шакллари ишлаб чиқишган – <b>мак. 3 балл.</b>	Жами. – <b>мак. 5 балл.</b>

Эслатма: гуруҳлар фаолиятини баҳолаш учун юқоридаги жадвалнинг биринчи устунига “гуруҳлар рўйхати” жумласи қўйилади. Бироқ гуруҳнинг тўплаган баллари талабаларнинг рейтинг бали ҳисобига киритилмайди. Сиз талабага ҳамкорликда ишлаш унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилишини тушунтиришга тайёр бўлинг.

### 5-илова

#### Ўқув методик ҳужжатлар

Касб-ҳунар таълимнинг ташкилий шакллари деганда – ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти учун ўқувчилар жамоасини ташкил этиш йўллари, бу фаолиятга раҳбарлик қилиш шакллари, шунингдек ўқув машғулотларининг қурилиш таркиби тушунилади.

Назарий машғулотлар деганда - машғулотнинг ҳам жамоа, ҳам индивидуал (якка тартибда) турини ўз ичига олган, касб таълими ўқитувчисининг раҳбарлигида ўқув материални фаол, тўғри ва онгли ўзлаштирилишини кўзда тутган ўқув-меҳнат фаолиятининг аниқ ташкил қилиниши тушунилади.

Амалий лаборатория - ишлари ўқувчиларга фақат турли хил ускуналар, асбоблар, мосламалар билан ишлашни ўргатмай, балки ўлчовлар, кузатишлар натижаларини ишлаб чиқишни ўрганиш ҳамда тўғри илмий хулосалар ва умумлашмалар чиқариш имконини беради.
Касб-хунар таълими дарси – ўқувчиларнинг барча гуруҳларини бир хил шароитда, ягона дидактик вазифани бажарилишини таъминлайдиган ташкилий шаклидир (масалан, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув- ишлаб чиқариш цехлари, ўқув хўжаликлари ва х.к.).
Ишлаб чиқариш жараёни шакллари - дидактик мақсаднинг аниқлиги, таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги, ўқув материални тўғри танлаш, ўқитиш моделларини мақсадга мувофиқ танлаш, ўқувчиларнинг мустақиллиги, дарснинг ташкилий аниқлиги ва ўқувчилар ишида хавфсизликни таъминлашни ўз ичига олади.
Экскурсия – касб-хунар таълими ташкил этишнинг шундай шаклики, у орқали ўқувчилар бевосита ишлаб чиқариш шароитида жиҳозлар билан танишиб, технологик ва меҳнат жараёнларини ташкил этишни кузатиб боради.
Масофавий таълим – махсус ўқитиш воситалари ёрдамида ўқитувчи билан боғланиш, шахсий жадвал билан ўзи хоҳлаган жойда ўқиши, ўз устида интенсив, мустақил ишлаши лозим бўлган, мақсадга йўналтирилган билим олиш тури.
“Модел” тушунчаси илм-фаннинг кўп соҳаларида қўлланилади. Модел – схема, физик конструкциялар, белгилли шакллар ва формулалар кўринишида сунъий ҳосил қилинган объект бўлиб, у тадқиқ қилинаётган объектга ўхшаш бўлади, унинг тузилишини, хусусиятларини, объектнинг элементлари орасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларни содда ва тушунарли тарзда акс эттиради.

## **6-мавзу: “ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ” МАВЗУСИДАН “КЕЙС” СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Кейснинг асосий мақсади:** Замонавий таълим воситаларининг турлари ва тавсифи. Таълимда ўқув-ишлаб чиқариш воситалари. Таълим воситаларининг ривожланиш истиқболлари. Таълим воситалари тизимини шакллантириш технологияси ҳамда улардан мажмуавий фойдаланишни ўрганиш.

### **Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:**

- 4) Замонавий таълим воситаларининг турларини ўзига хосликларини очиб бериш;
- 5) Таълим воситаларининг ривожланиш истиқболларини кетма-кетликда моделлаштириш;
- 6) Таълим воситалари тизимини шакллантириш технологиясиси ўрганиш, таҳлил этиш ва классификациясини тайёрлаш.

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:**

### *Талаба қуйидагиларни билиши керак:*

Таълим воситалари, ўқув-ишлаб чиқариш воситалари, таълим воситалари тизими, мажмуавий фойдаланиш, натурал (табiiй) объектлар, ўқув моделлари, муляжлар, макетлар, нашриёт технологиялари, телекоммуникация, катта макетлар, оммавий ахборот воситалари, компьютер робототехникаси.

### *Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*

таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойиҳалаш, моделлаштириш.

### *Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

Ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, аниқ топшириқлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти Касб-хунар таълимида таълим воситаларининг турлари ва тавсифи ҳамда улардан мажмуавий фойдаланишни ўрганишга йўналтирилган. Бу

ташкилий кейс бўлиб, маълумотлар топшириқлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган. Мавзу юзасидан кўникма ва малакларни эгаллашга йўналтирилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал этиш, таҳлил этиш ва янги моделни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш технологиясини яратиш ва баҳолашга йўналтирилган. Ушбу кейсдан “Касб таълими методикаси” ва “Касбий педагогика” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тавсия этилаётган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:**

- 1) Касб-хунар таълими воситалари классификацияси тузилиши, фазаси ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;
- 2) топшириқларни ҳал этиш орқали касб-хунар таълими воситалари классификациясига доир моделларни ўзлаштириш;
- 3) мустақил равишда касб-хунар таълими воситаларилари классификациясини моделлаштириш кўникмасини эгаллаш.

## **МУАММОЛИ ТОПШИРИҚЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР**

### **Талабаларга йўриқнома**

Иш bosқичлари	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Таълим воситаларига доир моделлар билан танишинг ва моделларнинг таркибий қисмлари, уларнинг мазмунини ўрганинг. Ўрганиб чиқиш вақтида моделларга тавсифнома ёзишга ва таълим воситаларининг умумий моделини ишлаб чиқишга шошилманг (1-, 4-иловалар).
2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш	Тақдим этилган моделлар мазмуни билан яна бир маротаба танишиб чиқинг. Моделлар таркибидаги тушунчалар ва жумлаларга диққатингизни жалб қилинг. Моделларда касб таълимининг умумий таълим воситаларини қайси жиҳатларига эътибор қаратишни аниқланг (1-, 4-иловалар).
3. Муаммоли топшириқни таҳлил этинг.	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг. Асосий муаммо: Ўқув жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: 1.Замонавий таълим воситаларининг турлари ва тавсифи. 2.Таълимда ўқув-ишлаб чиқариш воситалари. 3.Таълим воситаларининг ривожланиш истиқболлари. Таълим воситалари тизимини шакллантириш технологияси ҳамда улардан мажмуавий фойдаланиш (1-2-3-4-иловалар).
4. Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Касб-хунар таълими воситаларига доир моделларга тавсифнома ёзишда “Касб таълимининг умумий воситалари” жадвалини тўлдиришга киришинг. Тавсифномаларни ёзишда аниқ хусусиятларни белгилаб олишга ҳаракат қилинг. Жадвални тўлдириш. “”ни ишлаб чиқишда касб таълими воситаларини ёдда сақланг ва улардан фойдаланишни кўз олдингизда гавдалантиринг (3-4-5-иловалар).

## “Касб таълимининг умумий воситалари” жадвалини тўлдириш

Моделларнинг йўналишлари	Моделларни касб таълимининг умумий воситалари	Моделларни модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлар

## Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Моделларнинг касб таълимининг умумий воситалари ва модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлари аниқланган. – мак.2 балл.	Касб таълимининг умумий воситалари модели ишлаб чиқилган. – мак. 3 балл.	Жами. – мак. 5 балл.

Эслатма: гуруҳлар фаолиятини баҳолаш учун юқоридаги жадвалнинг биринчи устунига “гуруҳлар рўйхати” жумласи қўйилади. Бироқ гуруҳнинг тўплаган баллари талабаларнинг рейтинг бали ҳисобига киритилмайди. Сиз талабага ҳамкорликда ишлаш унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилишини тушунтиришга тайёр бўлинг.

## Ўқув методик ҳужжатлар

<p>Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материални баён этишда дидактиканинг энг муҳим принципларидан бири — <b>кўрсатмалилик</b> принциpidан фойдаланадилар.</p> <p>Дидактикада <b>кўрсатмалилик</b> принциpi конкрет билан абстрактнинг бирлиги тўғрисидаги қоида асосида кўриб чиқилади. Нарса ёки ҳодисанинг аслини ёки тасвирини идрок этиш инсон учун атрофдаги борлиқни, бирор ҳақиқатни билишнинг дастлабки ва энг оддий акти ҳисобланади ҳамда ўрганилаётган нарсалар, жараёнлар, ҳодисалар тўғрисида аниқ тасавурлар ва абстракт тушунчалар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтайди.</p> <p><b>Кўрсатмали қўлланмалар</b> — ўқувчиларни ўрганиладиган объектлар, ҳодисалар, жараёнлар тўғрисида яққол (асосан кўриш) тасавурлар ҳосил қилиш методида ўқитиш мақсадида ишлатиладиган воситалар. Ўзлаштириладиган билимлар характерига, ўқувчиларда мавжуд бўлган тасавур, тушунча, ҳаёт ва иш тажрибасига, дарснинг конкрет вазифаларига қараб кўрсатмали қўлланмалар ўқитишда ҳар хил ролни бажаради. Улар билимлар манбаи сифатида, шунингдек, ўқитувчи сўзлаб бериш, тушунтириш, суҳбат вақтида фойдаланадиган расм сифатида хизмат қилиши мумкин. Кўпинча, бу иккала вазифа комплекс тарзда келиши мумкин.</p> <p>Табиий объектларга сирасига жонли ва жонсиз табиат объектлари киради, таълим олувчилар улар билан машғулотларда тарқатма ёки намоёиш қилинадиган материаллар шаклида танишадилар</p> <p>Моделлар табиий объектларнинг сунъий кўриниши бўлиб, уларнинг муҳим сифатлари, алоқалари ва муносабатларини қайта такрорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар ҳисобланади.</p>
--

Муляж (макет)лар моддий объектларга айнан ўхшатиб яратилган қўлланмалардир.
Муляж ва макетлар атроф-муҳит ҳодисаларнинг ташқи белги ва хусусиятларини ўрганишда қўлланилади.

#### 4-илова

#### Ўқитиш воситалари

1 - жадвал

Дарслик	Ўқитиш қўлланмалари
Масалалар тўплами	Маъруза конспекти
Маълумотнома	Ўқув объекти
Жадвал	Тарқатма материал
Эскиз	Лаборатория дафтар
Расмлар	Харита
Плакатлар	Ўқув дастур
Кўргазмали плакатлар	Назорат дастури
Лаборатория ишларини бажариш кўрсатмаси	Макет
Диаграмма	Харакатланувчи модель
Иш дафтари	Чизмалар
Схемалар	

#### Ўқитишнинг техник воситалари

2 - жадвал

Диапозитив	Кинофильм
Кинофрагмент	Дуаль-карта
Телевизион намоишлар	Перфокарта
Стереofilm	Индентификацион харита
Слайдлар	
Диафильм	

#### Техник қурилмалар


3 - жадвал

Диаскоп	Кўрсатиш пульти
Негатаскоп	Фильмоскоп
Кадропроектор	Эпидоскоп
Кодоскоп	Фильмопроектор
Диапроектор	Стереопроектор
Видеомагнитофон	Кўчма кинопроектор
Туташмалар ўқув телевизион тизимлари	Киноқурилма
Магнитофон	Видеомагнитофон
Микрофон	Телевизион намоиш қурилмаси
Радиоприемник	Диктафон
Магнитофон-информатор	Радиомикрофон
Маслахат-телевизион мажмуаси	Тренажёр
Назорат автоматлаштирилган синф	Кўчма тренажёр
Тренажёр стенд	Дисплей
Тренажёр мажмуалари	Бошқарув пульти
Плакатларни кўтариш мосламаси	Лазер кўрсаткич
	Ёруғликни созловчи электроразетка

Босма ўқув қўлланмалари  
 Компьютер таълими  
 Аудио дастурлари  
 Видео дастурлари  
 Босма ўқув методик материаллар  
 Гиперматн(гипермедиа) кўринишидаги ўқув қўлланмалари  
 Электрон кўринишдаги ўқув методик қўлланмалар  
 Радио  
 Ретрансляцион тармоқ  
 Аудиоёзувлар  
 Аудиоконференция  
 Овозли почта  
 Овозли ва қайта алоқани таъминловчи телевидение

Электрон почта  
 Қайта алоқани таъминловчи телевидение  
 Аста-секин сканердан ўтказувчи телевидение  
 Телевизион видеоконференция  
 Видеоконференц алоқа  
 Видеотелефон  
 Магнит ленталарида қайд этилувчи видео ёзувлар  
 Аниқ вақтда компьютер воситасида ташкил этилувчи конференциялар  
 Анъанавий почта  
 Электрон эълонлар доскаси  
 Дастурий таъминот воситалари

5-илова




**Асосий адабиётлар**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Шарипов Ш.С., А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
3. Толипов Ў.Қ., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов Касбий педагогика. – Тошкент.: 2003. – 88б.
4. Ҳайдаров Б., Б.Нуридинов ва бошқалар Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – ЎМКХТРИ. Тошкент.: 2002.- 184 б.

### 7-мавзу: КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВ ХОНАЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

“Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лабораториялари ҳамда ўқув устахоналарига қўйиладиган талаблар ва уларни жиҳозлаш” маъруза машғулотининг технологик картаси

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – та
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	1. Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лабораториялари ҳамда ўқув устахоналарини ташкил қилиш бўйича умумий талаблар, касб-хунар таълими ўқув устахоналаридаги таълим ва тарбиянинг вазифалари ҳамда уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар. 2. Касб-хунар таълими ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш ва уларни ўтказишга қўйиладиган талаблар ва уларни жиҳозлаш.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Талабаларда касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лабораториялари ҳамда ўқув устахоналарига қўйиладиган талаблар ва уларни жиҳозлаш бўйича билимларини ошириш ва кўникмаларини шакллантириш
<b>Педагогик вазифалар:</b> 1. Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лабораториялари ҳамда ўқув устахоналарини ташкил қилиш бўйича умумий талабларни очиб бериш. 2. Касб-хунар таълими ўқув устахоналаридаги таълим ва тарбиянинг вазифалари ҳамда уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талабларни белгилаб бериш. 3. Касб-хунар таълими ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш ва уларни ўтказишга қўйиладиган талаблар ва уларни жиҳозлаш билан таништириш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1. Касб-хунар коллежларида ўқув устахоналарини ташкил қилиш бўйича умумий талабларини санаб беради. 2. Ўқув устахоналарини жиҳозлашга қўйиладиган талабларни ўзлаштириб олади. 3. Ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил қилишни ва жиҳозлашни амалга оширишни шарҳлаб беради.
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Эркин ёзиш” интерфаол методи, “Т-чизма” график органайзери
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гуруҳли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация



<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия, савол-жавоб

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Талабаларга беш минут вақт ичида касб-хунар коллежлари ўқув устахоналари турларига доир эркин ёзиш топшириғини беради.</p> <p>1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитилади</p> <p>1.3. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади (1-илова).</p>	<p>Ўз дафтарларига ичида касб-хунар коллежлари ўқув устахоналари турларига доир фикрларини ёзишади.</p> <p>Ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашишади.</p> <p>Тинглашади, ёзиб боришади.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (1-2-иловалар).</p> <p>2.3. Такдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади (1-2-3-иловалар).</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	<p>3.1. Талабаларнинг касб-хунар коллежларини ташкил қилиш, жихозланиши ва машғулотларни ташкил бўйича тасаввурларини бойитиш мақсадида Т-чизма график органайзерини такдим этади (2-илова).</p> <p>3.2. Т-чизма график органайзерини намойиш эттириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди (2-илова).</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p> <p>3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Т-чизма график органайзерини гуруҳларда тўлдиришади.</p> <p>Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олишади.</p>


### 1-илова

#### *Маъруза мавзусининг режаси*

1. Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лабораториялари ҳамда ўқув устахоналарини ташкил қилиш бўйича умумий талаблар, касб-хунар таълими ўқув устахоналаридаги таълим ва тарбиянинг вазифалари ҳамда уларнинг жихозланишига қўйиладиган талаблар.
2. Касб-хунар таълими ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш ва уларни ўтказишга қўйиладиган талаблар ва уларни жихозлаш.

## Т-чизма график органайзери

Касб-хунар коллежлари ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил қилиш афзалликлари	Касб-хунар коллежлари ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил қилиш камчиликлари



## 8-мавзу: ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Талабалар сони – та</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Муаммоли маъруза
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Машғулот мавзусига кириш.</li> <li>2. Талабаларни машғулотга жалб этиш.</li> <li>3. Маъруза матнини тарқатиш.</li> <li>4. Муаммоли савол, масала ва вазиятларни тақдим этиш.</li> <li>5. Муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш.</li> <li>6. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш.</li> <li>7. Мавзуни яқунлаш.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Ўқув устахоналарида машғулотларни ташкил этиш ҳақидаги билимларини шакллантириш
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) муаммоли савол, масала ва вазиятларни ўқув бирлигига мувофиқ равишда тақдим этиш;</li> <li>2) Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лаборатория ўқув устахоналарини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш жараёнини бошқариш;</li> <li>3) тушунтириб бериш;</li> <li>4) Касб-хунар коллежлари ўқув хоналари, лаборатория ўқув устахоналарини ташкил қилишнинг умумий асослари, ўқув устахоналарида ўқитиш вазифалари ва уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар, ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси қоидалари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахонасидаги иш ўрни, асбоб ускуналар, мосламалар уларни сақлаш ва унга қўйиладиган талаблар, касб-хунар таълимини режалаштиришнинг умумий масалалари, касб-хунар таълимини режалаштирувчи хужжатлар, ўқув технологик хужжатлар, календар тематик режа, дарс режаси кабилар билан талабаларни таништириш.</li> </ol>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиришади;</li> <li>2) ўқув устахоналарида ўқитиш вазифалари ва уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талабларни ўрганадилар;</li> <li>3) ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси қоидалари ва унинг аҳамиятини баҳолашади;</li> <li>4) сиёсий етакчилик, элита тушунчалари, улар ҳақидаги турли назариялар, уларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрнини билиб олишади;</li> <li>5) ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахонасидаги иш ўрни, асбоб ускуналар, мосламалар уларни сақлаш ва унга қўйиладиган талаблар билан танишишади.</li> <li>6) касб-хунар таълимини режалаштирувчи хужжатлар, ўқув технологик хужжатлар, календар тематик режа, дарс режаси тузиш вазифалари билан талабалар танишишади.</li> </ol>
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

### Муаммоли маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (5 минут)</b>	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот муаммоли маъруза шаклида боришини маълум қилади ( <i>1-илова</i> ).	Тинглашади, ёзиб боришади.
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	2.1. Талабалар эътиборига муаммоли масалани тақдим этади ( <i>2-илова</i> ). 2.2. Талабаларни муаммоли масалани ечишга даъват этади ( <i>2-илова</i> ). 2.3. Муаммоли масалани ҳал этиш орқали биринчи ўқув бирлигини баён этади. 2.4. Талабаларга муаммоли савол билан мурожаат этади. 2.5. Муаммоли саволни ҳал этилиши асосида иккинчи ўқув бирлиги мазмунини очиб беради. 2.6. Талабаларга муаммоли вазият тақдим этади. 2.7. Муаммоли вазиятни ҳал этилиши асосида учинчи ўқув бирлигини баён этади. 2.8. Мавзу юзасидан якуний хулосаларни тақдим этади.	Муаммоли масала, савол ва вазиятни ҳал этиш орқали ўз тасавурларини аниқлаштиради ва бошқаларники билан таққослайди. Ўз тасавурларини бойитади. Тинглайдилар, мунозараларда иштирок этадилар.
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (25 минут)</b>	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосаларни шакллантиради. 3.2. Талабаларнинг машғулот юзасидан фикр ва мулоҳазалирини билиш мақсадида “Беш минутлик эссе” ёзишларини ташкил қилади ( <i>2-илова</i> ). 3.2. “Беш минутлик эссе”ларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасавурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасавурлар шакланмаган қисмларини қайта тушунтиради ( <i>2-3-4-иловалар</i> ). 3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради ( <i>3-4-иловалар</i> ).	“Беш минутлик эссе” ёзишади. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқни ёзиб олишади.

*Маъруза мавзусининг режаси*

1. Касб-ҳунар коллежлари ўқув хоналари, лаборатория ўқув устахоналарини ташкил қилишнинг умумий асослари.
2. Ўқув устахоналарида ўқитиш вазифалари ва уларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талаблар.
3. Ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси қоидалари.
4. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахонасидаги иш ўрни, асбоб ускуналар, мосламалар уларни сақлаш ва унга қўйиладиган талаблар.
5. Ўқув устахоналарида ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатишни ташкил қилиш усуллари.
6. Ўқувчиларга машқларни бажариш бўйича бошланғич, жорий ва якуний йўриқнома (инструктаж) беришнинг вазифалари ва унинг усуллари.

## 2-илова

**“Беш минутлик эссе”.**

Ёзма топшириқнинг ушбу турида талабалардан қуйидаги икки топшириқни бажариш: мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил баён этиш ва улар барибир жавобини ололмаган битта савол бериш сўралади.

**1-муаммоли масала**

**1-мисол.** Касб-ҳунар коллежлари ўқув хоналари, лаборатория ўқув устахоналарида дарс ташкил қилиш билан аудиторияларда дарс ташкил қилишнинг афзаллик ва камчиликлари.

**2-мисол.** Ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси қоидаларига яна нималарни қўшимча қила оласиз?

**3-мисол.** Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахонасидаги иш ўрни, асбоб ускуналар, мосламалар уларни сақлаш ва унга қўйиладиган талабларни изоҳланг.

**2-муаммоли савол**

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахонасидаги иш ўрни, асбоб ускуналар, мосламаларни тўғри жойлашиши иш унумдорлигига таъсирини изоҳланг.

**3-муаммоли вазият**

Касб-ҳунар таълимини режалаштирувчи ҳужжатлар, ўқув технологик ҳужжатлар, календар тематик режа, дарс режаси билан танишинг. Ҳар бирига алоҳида тавсиф этинг.

**Санитария-  
гигиена ва  
ташкилий  
методик  
талаблар**

1. Устахоналар учун мўлжалланган бино ўқув-педагогика, санитария-гигиена ва ишлаб чиқариш, техник талабларини қондириши керак.
2. Ўқув устахоналарининг жиҳозланиши техниканинг ҳозирги даражасига, юксак касб маданиятига мувофиқ келиши ҳамда уларга касб-хунар таълими дастурининг барча мавзуларини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.
3. Ўқитувчининг ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган ўқув ишлаб чиқариш ишлари учун ҳам звено тарзидаги ишлар учун ҳам шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак.
4. Ҳар бир ўқувчи учун мустақил иш жойи ажратилган бўлиб, у тегишли асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланган бўлиши зарур.
5. Ўқитувчи учун намунавий иш жойи ажратилган бўлиб, у тегишли асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланиши ва пол устидан 250-300 мм баландликда бўлиши керак.
6. Устахоналарда ўқувчиларнинг қулай ва хавф-хатарсиз меҳнат қилиши учун энг қулай шарт-шароитлар яратилиши лозим.
7. Ўқув устахоналари ҳажмдор ясси кўрсатма қўлланмалар билан, шунингдек, таълимнинг техникавий воситалари билан жиҳозланган бўлиши зарур.
8. Ёрдамчи хизматхоналари (асбоблар сақланадиган хона ва омборхоналар) ўқув устахоналарига яқинроқ жойлашган бўлиши керак.
9. Устахоналарда ўқувчиларнинг диққатини ишдан чалғитувчи ва меҳнат жараёнини бузувчи шовқинга ва ташқи овозларга йўл қўймаслиги керак.

**Асосий  
адабиётлар**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
3. Панкратова В.А. Тикувчиликдан ишлаб чиқариш таълими асослари.- Тошкент., “Ўқитувчи” 1997 й. 250 б.
4. Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 208б.

**9-мавзу: «КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ» ФАНИДАН БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИ МАВЗУСИДАН “КЕЙС” СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Кейснинг асосий мақсади:** Битирув малакавий ишларининг мақсад ва вазифалари, уларнинг мавзуларини танлаш ва тасдиқлашга қўйиладиган талаблар, битирув малакавий ишларни бажариш ва унга қўйиладиган талабларни ўрганиш, таҳлил этиш ва танлаган БМИ мавзуси юзасидан мундарижа тайёрлаш.

**Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:**

1. Битирув малакавий ишларининг мақсад ва вазифалари ўрганиш;

2. Битирув малакавий ишларининг мавзуларини танлаш ва тасдиқлашга қўйиладиган талабларни ўрганиш;
3. Битирув малакавий ишларни бажариш ва унга қўйиладиган талабларни ўрганиш, таҳлил этиш ва танлаган БМИ мавзуси юзасидан мундарижа тайёрлаш.

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:**

*Талаба қуйидагиларни билиши керак:*

Битирув малакавий ишларининг мақсад ва вазифалари, уларнинг мавзуларини танлаш ва тасдиқлашга қўйиладиган талаблар, битирув малакавий ишларни бажариш ва унга қўйиладиган талабларни ўрганиш, таҳлил этиш ва танлаган БМИ мавзуси юзасидан мундарижа тайёрлаш.

*Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*

таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойиҳалаш, моделлаштириш.

*Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

Ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, аниқ топшириқлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти Касб-ҳунар таълимини амалга ошириш методлари ўрганишга йўналтирилган. Бу ташкилий кейс бўлиб, маълумотлар топшириқлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача тизимлаштирилган бўлиб, тренинга мўлжалланган. Мавзу юзасидан кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал этиш, таҳлил этиш ва янги моделни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш технологиясини яратиш ва баҳолашга йўналтирилган.

Ушбу кейсдан “Касб таълими методикаси” ва “Касбий педагогика” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тавсия этилаётган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:**

- 1) Битирув малакавий ишларининг мақсад ва вазифалари, уларнинг мавзуларини танлаш ва тасдиқлашга қўйиладиган талаблар, битирув малакавий ишларни бажариш ва унга қўйиладиган талаблар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;
- 2) топшириқларни ҳал этиш орқали БМИ мавзуларига доир мундарижаларни таҳлил қилиш;
- 3) мустақил равишда ўзи танлаган БМИ мавзуси юзасидан мундарижа тайёрлаш кўникмасини эгаллаш.


### **МУАММОЛИ ТОПШИРИҚЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР**

#### **Талабаларга йўриқнома**


Иш bosқичлари	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Битирув малакавий ишларининг мақсад ва вазифалари, уларнинг мавзуларини танлаш ва тасдиқлашга қўйиладиган талаблар, битирув малакавий ишларни бажариш ва унга қўйиладиган талабларга доир маъруза матни билан танишиб чиқинг. Ўрганиб чиқиш вақтида ўз БМИ режангизни ишлаб чиқишга шошилманг ( <i>1-4-иловалар</i> ).
2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш	Тақдим этилган намунавий БМИ режалари мазмуни билан яна бир маротаба танишиб чиқинг. Режалар таркибидаги тушунчалар ва жумлаларга диққатингизни жалб қилинг. Режаларда нималарга эътибор қаратишни аниқланг ( <i>1-илова</i> ).

3. Муаммоли топшириқни таҳлил этинг.	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг. Асосий муаммо: «Касб таълими методикаси» фанидан битирув малакавий ишлари (3-илова). Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: 1. Битирув малакавий ишларининг мақсад ва вазифалари. 2. Битирув малакавий ишларининг мавзуларини танлаш ва тасдиқлашга қўйиладиган талаблар 3. Битирув малакавий ишларни бажариш ва унга қўйиладиган талаблар
4. Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Тақдим этилган намунавий БМИ режалари мазмуни билан танишиб чиқилгандан сўнг ўзингиз танлаган БМИ мавзуси юзасидан режа тузинг (2-илова).

1-илова





2-илова








1-топширик



Сизга берилган намунавий битирув малакавий ишларининг режаларини таҳлил қилинг ва ўзингиз танлаган мавзу юзасидан режа тузинг.



Асосий адабиётлар

1. Олий таълим. Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишни бажаришга қўйиладиган талаблар. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабр №362 сонли буйруғи.
2. А.Р. Ходжабоев, Н. Ўролова, Ж.Ж. Хўжабоев Диплом ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. – ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, Т.: 2006. – 44б.
3. Муслимов Н.А. ва бошқалар Бакалаврларнинг битирув малака ишини бажариш учун методик қўлланма. – Тошкент.: ТДПУ, 2005. – 34 б.

### 10-мавзу: ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИНИ МЕЪЁРЛАШТИРИШ

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Меъёрлаштириш мақсадлари ва методлари, ўқувчилар ишига вақт меъёрини белгилаш, шогирдлик вақт меъёрини белгилаш, меъёрлашга қўйиладиган талаблар. 2.Мавзуни яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштиришга оид билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: 1) ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштиришнинг мақсад ва методларини таҳлил қилиш; 2) касб таълимида ўқувчилар ишига нисбатан қўйиладиган вақт меъёрини белгилаш ва вақт меъёрларидан унумли	Ўқув фаолияти натижалари: 1) ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштиришнинг мақсад ва методларини ўзлаштирадидлар; 2) ўқувчилар ишига вақт меъёрини белгилаш ва вақт меъёрларидан унумли фойдаланиш жараёнини бошқариш

фойдаланиш жараёнини бошқариш усуллари билан тушунтириб бериш; 3) шогирдлик вақт меъёрини белгилаш, меъёрлашга қўйиладиган талабларни тушунтириш.	усуллари билан танишадилар; 3) шогирдлик вақт меъёрини белгилаш, меъёрлашга қўйиладиган талабларига доир билим, кўникма ва малакаларни шаклланади.
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, интерфаол методи, “Кластер” график органайзери
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гуруҳли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия


### Маълумотли маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Ўқитувчи талабаларга мустақил равишда беш минут вақт ичида “Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштириш” мавзусига оид маълумотларни “Кластер” график органайзери асосида ёзиш топшириғини беради (1-илова).</p> <p>1.2. Талабаларни вақт меъёрларига нисбатан қўйиладиган талаблар ва мақсад ҳамда вазифалари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини эшитади (3-илова).</p> <p>1.3. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштиришнинг мақсад ва методлари, ўқувчилар ишига вақт меъёрини белгилаш ва вақт меъёрларидан унумли фойдаланиш жараёнини бошқариш усуллари билан баён этади (2-3-иловалар).</p> <p>1.4. Шогирдлик вақт меъёрини белгилаш, меъёрлашга қўйиладиган талаблари билан таништиради (4-илова).</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Бахс-мунозара олиб борадилар ва ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашадилар.</p> <p>Хулосалар чиқарадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштириш мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (2-3-иловалар).</p> <p>2.3. Меъёрлаштириш мақсадлари ва методлари, ўқувчилар ишига вақт меъёрини белгилаш фаолиятини такдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади (2-3-иловалар).</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>

	2.4. Шогирдлик вақт меъёрини белгилаш, меъёрлашга қўйиладиган талаблари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради (4-илова).	
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	<p>3.1. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштиришни ўргатиш ҳақидаги тасавурларини бойитиш мақсадида “Кластер” график органиайзерини такдим этади (1-2-иловалар).</p> <p>3.2. “Кластер” график органиайзерини такдим этиш орқали меъёрлаштириш мақсадлари ва методлари, ўқувчилар ишига вақт меъёрини белгилаш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида талабаларнинг умумий тасавурларини аниқлайди (1-илова).</p> <p>3.3. Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштиришни бошқариш фаолиятига доир аниқ хулосалар, тасавурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p> <p>3.4. Талабаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>“Кластер” график органиайзерини гуруҳларда тўлдиришади.</p> <p>Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олишади.</p>

1-илова

### Кластер график органиайзери





**Оператив вақт** бу берилган топшириқ (операция) ни бажарилишига сарф қилинадиган вақт бўлагидир.

**Асосий (технологик) вақт** деб, ишлов берилмаётган деталнинг геометрик ва шакл ўлчамини (асбоб-ускуна ёки тикувчилик ишлари) ўзгартиришга ёки маҳсулот қисмларининг ўзаро жойлашувини (йиғув ишлари) ўзгартириш учун сарфланадиган вақтга айтилади.

**Ёрдамчи вақт** деб, ишчининг деталларни ўрнатиш ва олиш, тикув машинасини ишлатиш ҳамда тўхтатиш, узатишни улаш ёки узиш, деталларни ўлчаш ва бошқалар учун сарфланадиган вақтга айтилади.

**Иш жойига хизмат қилиш вақти** - кун бўйи иш жойига қараш учун сарфланадиган вақтдир.

**Дам олиш танаффуслари вақти** маълум юк айланмаси ва иш суръати оширилган жисмоний толиқтирадиган оғир ишларни бажарилиши учун кетган вақт

**Тайёргарлик-яқунлаш вақти** - бу ишчининг мазкур ишга тайёрланиш ва уни яқунланишига алоқадор ҳаракатларни амалга ошириш.

**Донали вақт** деб, битта маҳсулотни тайёрлаш учун сарфланадиган вақтга айтилади.

Ишлаб чиқаришда  
сарфланадиган вақт  
миқдорлари

Шогирдлик вақт меъёри қайси формула орқали аниқланади?

а)  $I_B = \frac{60}{T_{\text{дона}}} \text{ (соат)}$   $I_B = \frac{60}{T_{\text{дона}}} \text{ (соат)}$  ;

б)  $T_{\text{пар}} = T_{\text{дона}} Z + t_{\text{T-я}}$  (МИН);

в)  $T_{\text{пар}} = t_{\text{асостёр}} + t_x + t_d + \frac{t_{\text{m-я}}}{Z}$  (МИН);

с) 
$$N_{\text{ҳақиқий}} = \frac{N_{\text{бер.меъёр}}}{V_{\text{ҳақиқий}}} \cdot 100 ;$$

д)  $T_{\text{ш}} = (T_{\text{дона}} + \frac{T_{\text{T-я}}}{Z}) K$  ёки  $T_{\text{ш}} = TK$ .

1-топшириқ

## 11-мавзу: КАСБ ТАЪЛИМИДА ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Талабалар сони – та</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<p>1. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида авторитар, демократик, либерал бошқариш фаолияти. Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш.</p> <p>2. Касб-ҳунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботи</p> <p>3. Мавзуни яқунлаш.</p>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Касб таълимида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этиш ва ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботида оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <p>1) ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида: авторитар, демократик, либерал бошқаришнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш;</p> <p>2) ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш усуллари тушунтириб бериш;</p> <p>3) касб-ҳунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботида доир маълумотларни тушунтириш.</p>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <p>4) авторитар, демократик, либерал бошқаришни ўзлаштирадилар;</p> <p>5) ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш усуллари билан танишадилар;</p> <p>6) ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботи тузилишига доир тасаввурлар шаклланади;</p>
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, интерфаол методи, “Т-жадвал” график органайзери
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гуруҳли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия


### Маълумотли маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Ўқув машғулотида кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Талабаларга беш минут вақт ичида касб таълимида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига доир маълумотларни мустақил ёзиш топшириғини беради.</p> <p>1.2. Талабаларнинг ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига тегишли фикр ва мулоҳазаларини эшитади (<i>1-илова</i>).</p> <p>1.3. Авторитар, демократик, либерал бошқариш ҳамда ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш усуллари баён этади (2-</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Баҳс-мунозара олиб борадилар ва ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашадилар.</p>

	илова). 1.4. Касб-хунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботи билан таништиради (4-илова).	Хулосалар чиқарадилар.
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	2.1. Касб таълимида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этиш мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (1-илова). 2.3. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида авторитар, демократик, либерал бошқариш фаолияти. Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш фаолиятини тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади (2-илова). 2.4. Касб-хунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботи тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради (4-илова).	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	3.1. Талабаларга касб таълимида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини бошқаришни ўргатиш ҳақидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида Т-жадвал график органайзерини тақдим этади (3-илова). 3.2. Т-жадвал график органайзерини намойиш эттириш оркали ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди (3-4-иловалар). 3.3. Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш фаолиятини аниқ хулосалар, тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради. 3.4. Талабаларни касб-хунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботи ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Т-жадвал график органайзерини гуруҳларда тўлдиришади.  Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.  Топшириқни ёзиб олишади.

**1-илова**

1. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида авторитар, демократик, либерал бошқариш фаолияти.
2. Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқариш.



## Т-жадвал график органайзерлари

1)

Касб таълимида ўқитувчи фаолияти	Касб таълимида ўқувчи фаолияти

2)

Касб таълимида ўқитувчи фаолияти бошқарувининг афзалликлари	Касб таълимида ўқувчи фаолияти бошқарувининг камчиликлари

3)

Авторитар, демократик, либерал бошқарув фаолиятларининг фарқли томонлари ва афзалликлари	Авторитар, демократик, либерал бошқарув фаолиятларининг фарқли томонлари ва камчиликлари

4)

Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқаришнинг афзалликлари	Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва бўш вақтларини бошқаришнинг камчиликлари

5)

Касб-хунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботи амалга ошириш босқичлари	Касб-хунар таълими ўқув устасининг ҳисоб ва ҳисоботининг асосий натижалари




**Асосий адабиётлар**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - ТДПУ, Тошкент., 2003 й. 176 бет.
2. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқуддусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.
3. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. (ЎМКХТ марказининг 2005 йил 17 августдаги 192-сонли буйруғига 5-илова) Тошкент., 2005 й. 32 бет.

**“Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар” маъруза машғулотининг технологик картаси.**

<b>“Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар”</b>		
<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>1-босқич. Ўқув машғулотида кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Талабаларга ақлий ҳужум қилади ва беш минут вақт ичида касб таълими ўқиувчиси ва ўқув устасига қандай талаблар қўйилиши сўрайди (<i>1-илова</i>).</p> <p>1.2. Эркин айтилган фикрларни барчасини доскага ёзиб боради.</p> <p>1.3. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади (<i>1-илова</i>).</p>	<p>Ўз фикрларини эркин айтадилар.</p> <p>Ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашишади.</p> <p>Тинглашади, ёзиб боришади.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (<i>1-илова</i>)</p> <p>2.3. Такдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади (<i>2-3-иловалар</i>).</p>	<p>Тинглайдилар, маъруза матни билан танишадилар.</p> <p>савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	<p>3.1. Талабаларнинг касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар бўйича тасаввурларини бойитиш мақсадида Тоифалаш график органиайзерини такдим этади (<i>4-илова</i>).</p> <p>3.2. Тоифалаш график органиайзерини намоиш эттириш орқали талабаларда касб таълими ўқитувчиси, ўқув устаси ва бошқа фан ўқитувчиларига қўйиладиган</p>	<p>Тоифалаш график органиайзерини гуруҳларда тўлдиришади.</p> <p>Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.</p>

	<p>талабларни алоҳида тоифалашни ўрганадилар (4-илова).</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p> <p>3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради (4-5-иловалар).</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Топшириқни ёзиб олишади.</p>
--	---	--

1-илова

- 12.1. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномаси.
- 12.2. Касб-хунар таълими ўқитувчисининг функционал вазифалари.
- 12.3. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг ҳуқуқ ва бурчлари.
- 12.4. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасини тайёрлаш ва унга қўйиладиган талаблар.

2-илова



1-чизма. Касб таълими ўқитувчисининг малакаси


3-илова



2-чизма. Касб таълими ўқитувчисининг лаёқати

## Тоифалаш жадвали


Касб таълими ўқитувчисига қўйиладиган талаблар	Ўқув устасига қўйиладиган талаблар	Бошқа фан ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар.



1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент., Шарқ, 1998. - 64 б.

2. Давлатов К., Воробьев А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.

3. Елдашева Г. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Тошкент.: ЎМКХТКМО ва УҚТИ. 2006. – 126 б.



### **13-мавзу: “КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ” БЎЙИЧА “ЛОЙИХАЛАШ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Таълимнинг мақсади:** ўқув курси бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш мақсадида касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларни шакллантириш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг объективлиги ва табақалаштирилганлиги, баҳолашда эътиборга олинadиган омиллар, ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг рейтинг тизими ва уни амалга ошириш; бирор мавзу юзасидан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.

*Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади:* муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расми йлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

**Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қуйидагилардан иборат:**

*Талаба қуйидагиларни билиши керак:*

билим, кўникма, малака, назорат қилиш, баҳолаш, объективлик, табақалаштирилганлик, рейтинг тизими, баҳолаш мезонлари

*Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*

таҳлил этиш, таққослаш, тизимлаштириш, умумлаштириш, лойиҳалаш.

*Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

**Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:** тури – амалий; фан ва мазмун жиҳатдан кўлами бир фан бўйича фойдаланилувчи монолойиҳа; талабалар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш тавсифи – бевосита; иштирокчилар сони – 5тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин; бажариш муддати қисқа муддатли – бир ҳафта ичида.

**Лойиҳани бажариш тартиби:** талабаларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа натижаси навбатдаги машғулотда амалга оширилади.

**Лойиҳанинг баҳоланиши** – ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган лойиҳа қуйидагича баҳоланади (гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун): талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 2); ҳисобот (макс. балл – 1,5); лойиҳа тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни (макс. балл – 1,5).

**Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари**

*Тайёрлов босқичи:* лойиҳа билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида талабалар фаолиятини ташкил этиш.

*Лойиҳани бажариш босқичлари:* аудитория ва аудиториядан ташқари фаолият даврида.

*Яқиний босқич:* лойиҳа тақдимоти, аудитория машғулотида талабаларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

*Лойиҳа асосида ўқитишни бошқариш:* аудитория ва аудиториядан ташқари фаолиятда.

**Таълим моделининг қисқача тавсифномаси**

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

*ўқитиш усуллари:* лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

*ўқитиш шакллари:* оммавий, алоҳида, гуруҳий;

*Ўқитиш воситалари:* лойиҳа топшириғи, методик кўрсатмалар, ахборот технологиялари.

**Ўқув лойиҳаси:** “Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш “

### I. Лойиҳа топшириғи

**Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо:** Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзуси бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Муаммо ости муаммолар:**

1. Касб таълими ўқитувчисига қўйиладиган талаблар бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

2. Ўқув устасига қўйиладиган талаблар баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилаяпти?):** Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзуси бўйича баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.

**Лойиҳани амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиҳа маҳсули):** Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзуси бўйича баҳолаш мезонлари.

**Лойиҳадан фойдаланувчилар:** таълим муассасаси раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар.

**Лойиҳа доираси:**

- бажарилиш муддати: бар ҳафта давомида (навбатдаги машғулотда тақдимот қилинади), лойиҳа қисмлари белгиланган график асосида;

- иштирокчилар сони: гуруҳ талабалари 3 та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5тадан 8тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

### I. Талабалар учун методик кўрсатмалар

#### I. Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма

##### 1. Тайёрлов босқичи.

1.1. Лойиҳа мавзуси билан танишинг, долзарблигини асосланг ва ечишингиз керак бўлган муаммони шакллантиринг.

1.2. Лойиҳа мақсади, предмети, объекти ва вазифаларини белгиланг.

1.3. Лойиҳа мавзусига доир ахборотлар билан танишинг.

##### 2. Ўқув фаолиятини режалаштириш босқичи.

Мақсадга эришиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.

Иш режасини тузинг (лойиҳани ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, уни тақдимотга тайёрлаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқларни иштирокчилар ўртасида тақсимланг, уларни бажариш ва тайёр ҳолатга келтириш муддатини белгиланг).

#### Лойиҳа бажарилишининг намунавий иш режаси

Иштирокчиларнинг Ф.И.О.	Топшириқ	Фаолият тури	Қўйиладиган натижа	Бажарилиш муддати
*	Лойиҳа доирасида қатнашчиларни аниқлаш, ҳар бирининг вазифасини белгилаш	Қатнашчилар рўйхати тузилади, қатнашчилар имкониятига қараб лойиҳа учун танланган мавзу бўйича топшириқлар тақсимланади	Лойиҳани амалга ошириш режаси шаклланади	**
	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган	

	талаблар мавзусини очқич мезонларини аниқлаш	очқич мезонлари кўрсаткичларини ишлаб чиқиш	талаблар мавзусини очқич мезонлари аниқлаштирилади	
	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг тизимости мезонларини аниқлаш	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг тизимости мезонлари кўрсаткичларини ишлаб чиқиш	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг тизимости мезонлари аниқлаштирилади	
	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг очқич мезонларини аниқлаш	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг очқич мезонлари кўрсаткичларини ишлаб чиқиш	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг очқич мезонлари аниқлаштирилади	
	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг тизимости мезонларини аниқлаш	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг тизимости мезонлари кўрсаткичларини ишлаб чиқиш	Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасига қўйиладиган талаблар мавзусини баҳолашнинг тизимости мезонлари аниқлаштирилади	
	Лойиҳани расмийлаштириш. Лойиҳа тақдимоти бўйича ҳисоботни тайёрлаш	Мавзунинг долзарблиги ва муаммони асослаб бериш, лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини кўрсатиб бериш	Ҳисобот	
	Слайд-презентация асосида лойиҳа тақдимотини тайёрлаш	Тақдимотни MS Power Pointда слайдларини тайёрлаш	Тақдимот	

\* – ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар ҳамда мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларнинг Ф.И.О.лари белгиланади;

\*\* – бажариш муддатлари танланган лойиҳа йўналиши ва гуруҳдаги вазиятга боғлиқ равишда муайян ҳолатдан келиб чиқиб, белгиланади.

## 2. Лойиҳани бажариш босқичи.

Керакли маълумотларни тўпланг, тизимга келтиринг ва таҳлил этинг.  
Тадқиқот натижаларини расмийлаштиринг (тайёр ҳолатга келтиринг).  
Йўриқномага мувофиқ лойиҳа фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрланг.

#### **4. Лойиҳани тақдимотга тайёрлаш.**

4.1. MS Power Pointда тақдимотларни тайёрлаш бўйича қўлланмадан фойдаланган ҳолда лойиҳа тақдимотини тайёрланг.

4.2. Лойиҳанинг оғзаки тақдимотида гуруҳ аъзоларига бириктириладиган вазифаларни аниқланг.

#### **5. Оммавий тақдимот, лойиҳа ҳимояси ва баҳолаш. Олинган натижанинг ташқи (эксперт) баҳоланишини таъминлаш.**

##### **II. Лойиҳа иши тўғрисидаги ҳисоботга тайёргарлик бўйича йўриқнома**

1. Сиз таклиф этган ва тавсия этаётган лойиҳани татбиқ этишни исботловчи хулосаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн асосида) ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.

3. Лойиҳангизнинг мақсади: унинг нима учун яратилиши, кутиладиган натижа қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.

4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиҳанинг иш режаси(жадвал)ни баён этинг.

6. Вазифанинг ечими натижаларини ва лойиҳада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имкониятини тасдиқловчи хулосаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини тартиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиҳа сифатини;

- лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари.

10. Иловаларни тартиблаштиринг: лойиҳа иштирокчиларининг анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материалларини киритинг.

##### **II. Лойиҳани MS Power Pointда тақдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома**

1. MS Power Pointда тақдимотга тайёрлаш жараёни қуйидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;

- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;

- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;

- янги слайдларни кўшиш;

- слайдларни белгилашни танлаш;

- зарур бўлган слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;

- слайдларни намоиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.

2. Слайдларни техник намоиш этиш қуйидаги тавсифларга жавоб бериши керак:

- слайдлар миқдори (8-12);

- слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари: 1) биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, курс, гуруҳ, яратилган кундан иборат; 2) охириги слайд ахборот манбасига бағишланган; 3) бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради;

- слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намоиш этирилади.

3. Тақдимотни расмийлаштириш қоидаси:

- агар матн оғзаки бўлса, қуйидагича бўлиши зарур: юқори ахборотли; боғловчили; аниқ ва қисқа; мантиқан тушунарли ва аниқ бўлиши;

- овоз тиниқ бўлиши керак;

- расмлар аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини катта қилишга уринмаслик лозим;

- видеотасмалар тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур. Расмлар намоишли бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин;



## Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- ҳар бир талаба томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. 2 балл);
- ҳисобот (макс. 1 балл);
- MS Power Point лойиҳа тақдимоти (макс. 1 балл);
- оғзаки тақдимот ва лойиҳа ҳимояси (макс. 1 балл).


1-илова




	<ul style="list-style-type: none"><li>➤ Ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;</li><li>➤ кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;</li><li>➤ натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;</li><li>➤ ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш учун;</li><li>➤ ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;</li><li>➤ ўқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;</li><li>➤ ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;</li><li>➤ таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;</li><li>➤ ўқувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;</li><li>➤ ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш учун.</li></ul>	
--	---	--

2-илова

### Ўйин топшириғи



3-илова




4-илова

## Нимадан бошлаш керак?

- Иккита усул бор

- Сичқончанинг ўнг томонида босиб «Создать» --> «Microsoft Power Point».




- «Старт»га босиб -> Программы -> Microsoft Power Point




## Тақдимотни яратиш

Янги тақдимот яратиш учун «Файл» менюсидан «Ҳосил қилиш» (Создать) буйруғини берамиз. Экранда «Тақдимот яратиш» (Создать) ойнаси очилади. «Умумий» (Общие), «Тақдимотлар» (Презентации) ва «Тақдимот кўринишлари» (Шаблоны презентации) бўлимлари мавжуд.



Ўнг томонда  
слайдларнинг  
ҳар хил  
кўриниши  
кўрсатилади

Кўк экран  
танлаб олган  
дизайн  
кўрсатади



## 14-мавзу: КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚУВЧИСИНИНГ МЕТОДИК ИШЛАРИ

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – та
Ўқув машғулотининг шакли	Анжуман-маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Анжуман-маърузага кириш. 2. Анжуман-маърузани амалга ошириш тартиби билан таништириш. 3. Маърузалар билан танишиш. 4. Маъруза юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш. 5. Маърузалар юзасидан умумий хулосаларга келиш. 6. Анжуман-маърузани яқунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда касб таълими ўқитувчисининг методик ишлари ҳақидаги билимларни таркиб топтириш
<b>Педагогик вазифалар:</b> 1) анжуман-маърузанинг мақсад ва вазифасини тушунтириш; 2) анжуман-маърузани амалга ошириш тартибини баён этиш; 3) маърузаларни тинглаш жараёнини ташкил этиш; 4) маъруза юзасидан муҳокамалар жараёнини бошқариш; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1) маърузаларни тақдим этишади ва тинглаб боришади; 2) маърузалардаги энг асосий жиҳатларни ажратиб олиб, ўз дафтарларига қайд этадилар; 3) маърузалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишади; 4) маъруза юзасидан муҳокама учун сўзга чиқадилар; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилишда ўз муносабатларини билдиришади.
Таълим методи	Анжуман-маъруза, тушунтириш, суҳбат, мунозара, “Тоифалаш” жадвали
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия


### Анжуманли маърузанинг технологик картаси


Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1. Маъруза мавзулари, маърузага тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини беради (4-илова).</p> <p>2. Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчиларни аниқлашлаштиришни ташкиллаштиради.</p> <p>3. Маърузачиларга танланган мавзу бўйича реферат мавзусини батафсил</p>	<p>Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар.</p> <p>Қолганлари маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар</p>

	<p>тузиш топшириғини беради, маслахат беради.</p> <p>4. Барча талабаларга маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва саволлар тайёрлаб келиш топшириғини беради (2-илова).</p> <p>5. Маърузачилар билан маъруза қилиш методикаси ва тузилишини муҳокама қилади, маъруза мазмунига ўзгартиришлар киритади.</p>	<p>реферат ёзишади ва кўргазмали материаллар тайёрлашади.</p>
<p><b>1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (20 минут)</b></p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади (3-илова).</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради (2-илова).</p> <p>1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар.</p> <p>Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p>
<p><b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b></p>	<p>2.1. Талабаларни ўзлари тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади.</p> <p>2.2. Тақризчиларга сўзга чиқишни ва саволлар беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тақризчиларга ўз фикрларини билдиришларини, кўшимча саволлар беришни таклиф этади;</li> <li>- саволлар беради;</li> <li>- маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради.</li> </ul> <p>2.4. Ҳар бир маърузанинг қисқача умумлаштириш билан якунлайди.</p>	<p>Маърузачилар ўзлари тайёрлаган маълумотларини тақдим этишади.</p> <p>Тақризчилар маърузанинг ижобий ва кучсиз жиҳатларини айтиб беришади.</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мунозарада иштирок этадилар.</p> <p>Мунозара иштирокчилари жамоавий равишда маъруза мазмунини муҳокама қиладилар.</p>
<p><b>3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)</b></p>	<p>3.1. Анжуман-маъруза жараёнида олинган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида талабаларга “Тоифалаш” жадвалини тўлдиришни сўрайди (1-илова).</p> <p>3.2. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясайди. Анжуман-маъруза маърузачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.</p>	<p>“Тоифалаш” жадвалини тўлдиришади.</p> <p>Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.</p>

## Тоифалаш жадвали

Тоифалар			
Ғоявий-сиёсий савияни ошириш	Методик-педагогик маҳоратини такомиллаштириш	Ўқитилаётган меҳнат тури соҳасидаги илмий-техникавий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш	Педагог меҳнатини илмий асосда ташкил этиш соҳасидаги билим ва малакаларини такомиллаштириш.





**15-мавзу: БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК  
АМАЛИЁТИ МАЪЛУМОТЛИ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ МОДЕЛИ**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Талабалар сони – та</b>
<b>Ўқув машғулоти шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Ўқув машғулоти тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Педагогик амалиётнинг ўқув меъёрий ҳужжатларда акс этиши ва уни олиб бориш тартиби, амалиётчи талабага маслаҳатлар.</li> <li>2. Педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари. Актив ва пассив амалиёт. Касб – ҳунар коллежи билан танишиш, таълим муассасалари раҳбарлари ишларини ўрганиш.</li> <li>3. Педагогик амалиётга қўйиладиган талаблар, педагогик амалиёт бўйича ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш, педагогик амалиётни яқунлаш ва ҳисобот топшириш тартиби.</li> <li>4. Касб-ҳунар таълими устасининг ўқув – тарбиявий ишларини ўрганиш. Касб – ҳунар коллежида дарсдан ташқари ишларни ўрганиш. Ишлаб чиқариш устаси ва гуруҳ раҳбарлари олиб борадиган касбга қизиқтириш ишлари билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш.</li> <li>5. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари.</li> <li>6. Педагогик амалиётни ўтказиш жараёнидан лавҳалар.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулоти мақсади</b>	Талабаларга педагогик амалиётни ташкил қилиш тартиби, педагогик амалиёт мақсад ва вазифалари, талабаларнинг педагогик амалиёт ҳақидаги билим, кўникмаларини шакллантириш.
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Педагогик амалиётнинг ўқув меъёрий ҳужжатларда акс этиши ва уни олиб бориш тартиби билан таништириш, амалиётчи талабага маслаҳатлар бериш.</li> <li>2. Педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифаларини очиқ бериш.</li> <li>3. Педагогик амалиётга қўйиладиган талаблар ва амалиёт якунида ҳисобот топшириш тартиби билан таништириш.</li> <li>4. Касб-ҳунар коллеж ўқув усталари ва ўқитувчилари фаолияти ҳақида маълумотлар бериш.</li> <li>5. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари билан таништириш.</li> </ol>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Педагогик амалиёт учун ажратилган умумий соатларни меъёрий ҳужжатларда акс этишини ва миқдорини айтиб беради.</li> <li>2. Педагогик амалиёт мақсад ва вазифаларини санаб беради.</li> <li>3. Педагогик амалиётга қўйиладиган талаблар ва якунида топшириладиган ҳисобот таркибини санаб беради ва ҳар бирига изоҳ беради.</li> <li>4. Коллеж ўқув усталари ва ўқитувчиларининг фаолиятини таҳлил қилиб чиқади.</li> <li>5. Педагогик амалиёт юзасидан баҳолаш мезонларини ёддан айтиб беради.</li> </ol>
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, баҳс-мунозара, муҳокама қилиш, “Кластер” ва “ФСМУ” график органайзери
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гуруҳли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия, савол-жавоб



**“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг педагогик амалиёти” маъруза  
машғулотининг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Талабалар билимини текшириш мақсадида ақлий хужум методи асосида саволлар берилади (4-5-иловалар).</p> <p>1.2. Талабаларнинг эркин фикрларини доскага ёзиб боради.</p> <p>1.3. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади (1-илова).</p>	<p>Эшитадилар ва эркин тарзда жавоб беришади</p> <p>Ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашишади.</p> <p>Тинглашади, ёзиб боришади.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини таркатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этади (1-илова).</p> <p>2.2. Такдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади (4-5-иловалар).</p> <p>2.3. Мавзунинг биринчи ўқув бирлиги бўйича ФСМУ график органайзерини тўлдиришларини айтади ва педагогик амалиёт даврини ўзгартириш мумкин деган топшириқ беради (2-илова).</p> <p>2.4. Ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.</p>	<p>Тинглайдилар,</p> <p>савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p> <p>Тинглайдилар, ФСМУ топшириғини бажарадилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p>
<b>3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	<p>3.1. Талабаларнинг педагогик амалиёт бўйича тасаввурларини бойитиш мақсадида Кластер график органайзерини такдим этади (3-илова).</p> <p>3.2. Кластер график органайзерини намойиш эттириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди (3-илова).</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради (2-3-илова).</p>	<p>Кластер график органайзерини индивидуал тўлдиришади.</p> <p>Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олишади.</p> <p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p>


1. Педагогик амалиётнинг ўқув меъёрий ҳужжатларда акс этиши ва уни олиб бориш тартиби, амалиётчи талабага маслаҳатлар.
2. Педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари. Актив ва пассив амалиёт. Касб – ҳунар коллежи билан танишиш, таълим муассасалари раҳбарлари ишларини ўрганиш.
3. Педагогик амалиётга қўйиладиган талаблар, педагогик амалиёт бўйича ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш, педагогик амалиётни якунлаш ва ҳисобот топшириш тартиби.
4. Касб-ҳунар таълими устасининг ўқув – тарбиявий ишларини ўрганиш. Касб – ҳунар коллежида дарсдан ташқари ишларни ўрганиш. Ишлаб чиқариш устаси ва гуруҳ раҳбарлари олиб борадиган касбга қизиқтириш ишлари билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш.
5. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари.

**ФСМУ технологияси**

**Топширик: Педагогик амалиёт даврини ўзгартириш мумкин.**

<b>Ф</b> (фикр)	
<b>С</b> (сабаб)	
<b>М</b> (мулоҳаза)	
<b>У</b> (умумлаштириш)	

**Кластер график органайзери**



Ўйин топшириғи (1-гурух талабалари учун)

Малакавий  
амалиёт ....?

Ишлаб чиқариш  
амалиёти ....?


Технологик-  
конструкторлик  
амалиёти .....?

Ўйин топшириғи (2-гурух талабалари учун)

Педагогик  
амалиётнинг  
вазифалари  
Бу ....?

Педагогик амалиётга  
қўйиладиган  
талаблар  
Бу ....?

Педагогик амалиёт  
юзасидан ҳисобот  
Бу ....?



1. Шарипов Ш.С. ва бошқалар Педагогик амалиёт. – Тошкент.: ТДПУ. – 2006. – 30 б.
2. Шарипов Ш., Якубова Ҳ., Аҳмадалиев С. Педагогик амалиёт жараёнида талабалар касбий мослашишининг ташкилий-методик омиллари (методик қўлланма). -Т.: ТДПУ, 2007. 36 б.
3. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш. Меҳнат ва касб таълими методикасидан амалий машғулотлар (Методик қўлланма). Т.: Низомий номли ТДПУ, 2002.
4. Шарипов Ш., Абдураимов Ш. Касб таълими методикаси фанидан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланма. -Т: ТДПУ, 2007. 147 б.
5. Шарипов Ш. ва б. Касбий педагогика (методик қўлланма). - Т.:ТДПУ, 2006й

### **16-мавзу: КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАЖАРИШ МЕТОДИКАСИ БЎЙИЧА “ЛОЙИҲАЛАШ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Таълимнинг мақсади:** Касб таълими методикаси ўқув курси бўйича мустақил ишларни ташкил этиш ва бажариш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологиясига оид тавсиялар ишлаб чиқади ва мустақил таълим олиш методикасининг мақсад ва вазифаларини англаб етади; касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланиш йўллари аниқлайди.

*Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади:* мустақил таълим олишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; мустақил ишларни ташкил этиш технологияни амалга ошириш фаолиятини режалаштириш; мустақил ишларни бажаришда маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

**Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қуйидагилардан иборат:**

*Талаба қуйидагиларни билиши керак:*

Мустақил таълим, мустақил фаолият, мустақил иш, мустақил ишларни бажариш технологияси, мустақил ишларни бажаришга оид манбалар. мустақил ишларнинг мақсади, мотиви, метод ва воситалари.

*Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*

таҳлил этиш, таққослаш, тизимлаштириш, умумлаштириш, лойиҳалаш.

*Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

**Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:** тури – назарий; фан ва мазмун жиҳатдан кўлами бир фан бўйича фойдаланилувчи монолойиҳа; талабалар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш тавсифи – бевосита; иштирокчилар сони – 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин; бажариш муддати қисқа муддатли – бир ҳафта ичида.

**Лойиҳани бажариш тартиби:** талабаларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, машғулот давомида тақдим этиб борилади. Лойиҳа натижаси навбатдаги машғулотда амалга оширилади.

**Лойиҳанинг баҳоланиши** – ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган лойиҳа қуйидагича баҳоланади (гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун): талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 2); ҳисобот (макс. балл – 1,5); лойиҳа тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни (макс. балл – 1,5).

**Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари**

*Тайёрлов босқичи:* лойиҳа билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида талабалар фаолиятини ташкил этиш.

*Лойиҳани бажариш босқичлари:* аудитория ва аудиториядан ташқари фаолият даврида.

*Яқуний босқич:* лойиҳа тақдимоти, аудитория машғулотида талабаларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

*Лойиҳа асосида ўқитишни бошқариш:* аудитория ва аудиториядан ташқари фаолиятда.

**Таълим моделининг қисқача тавсифномаси**

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

*ўқитиш усуллари:* лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

*ўқитиш шакллари:* оммавий, алоҳида, гуруҳий;

*ўқитиш воситалари:* лойиҳа топшириғи, методик кўрсатмалар, ахборот технологиялари.

**Ўқув лойиҳаси: “Касб таълими методикасидан мустақил ишларни ташкил этиш ва бажариш методикаси”**

**I. Лойиҳа топшириғи**

**Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо:** касб таълимида мустақил ишларни ташкил этиш ва бажариш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Муаммо ости муаммолар:**

1. Мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологиясини ишлаб чиқиш.

2. Мустақил таълим олиш методикаси ва касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш.

**Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилаяпти?):** касб таълимида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва бажаришнинг сифат ҳамда самарадорлигини ривожлантиришни ташкил этиш.

**Лойиҳани амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиҳа маҳсули):** талабаларни касб таълимида мустақил ишларини ташкил этиш ва бажаришнинг сифат ҳамда самарадорлигига эришилади.

**Лойиҳадан фойдаланувчилар:** таълим муассасаси раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, КХК ўқитувчи ва ўқувчилари.

**Лойиҳа доираси:**

• бажарилиш муддати: бар ҳафта давомида (навбатдаги машғулотда тақдимот қилинади), лойиҳа қисмлари белгиланган график асосида;

• иштирокчилар сони: гуруҳ талабалари 3 та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

**III. Талабалар учун методик кўрсатмалар**

**I. Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма**

**2. Тайёрлов босқичи.**

1.1. Лойиҳа мавзуси билан танишинг, долзарблигини асосланг ва ечишингиз керак бўлган муаммони шакллантиринг.

1.2. Лойиҳа мақсади, предмети, объекти ва вазифаларини белгиланг.

2.3. Лойиҳа мавзусига доир ахборотлар билан танишинг.

**3. Ўқув фаолиятини режалаштириш босқичи.**

### Лойиха бажарилишининг намунавий иш режаси

Иштирокчиларнинг Ф.И.О.	Топшириқ	Фаолият тури	Кутиладиган натижа	Бажарилиш муддати
*	Мустақил ишларни ташкил этиш бўйича лойиха доирасида гуруҳ қатнашчиларни аниқланади, ҳар бир қатнашчининг вазифаси белгиланади	“Касб таълими методикасидан мустақил ишларни ташкил этиш ва бажариш методикаси” мавзуси бўйича қатнашчиларга топшириқлар тақсимланади	Лойихани амалга ошириш режаси шаклланади	Бир hafta
	Мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни аниқлаш.	Мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологиясининг кўрсаткичли мезонлари ишлаб чиқиш	Мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологиясининг кўрсаткичли мезонлари ишлаб чиқиш аниқлаштирилади	
	Мустақил ишларни ташкил этиш шаклларини аниқлаш	Мустақил ишларни ташкил этиш шаклларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш	Мустақил ишларни ташкил этиш шаклларини амалга ошириш усулларини аниқлаштирилади	
	Мустақил ишларнинг мураккаблик даражаси бўйича таснифларини аниқлаш	Мустақил ишларнинг мураккаблик даражаси бўйича таснифлариниш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш	Мустақил ишларнинг мураккаблик даражаси бўйича таснифларини аниқлаштирилади	
	Касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланиш йўл-йўриқларини аниқлаш	Касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш	Касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланишни аниқлаштирилади	
	Лойихани расмийлаштириш. Лойиха тақдимоти бўйича	“Касб таълими методикасидан мустақил ишларни ташкил	Ҳисобот	

	ҳисоботни тайёрлаш	этиш ва бажариш методикаси” мавзусининг долзарблиги ва мақсад ва вазифаларини кўрсатиб бериш		
	Слайд-презентация асосида лойиҳа тақдимотини тайёрлаш	Тақдимотни MS Power Pointда слайдларини тайёрлаш	Тақдимот	

\* – ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар ҳамда мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларнинг Ф.И.О.лари белгиланади;

\*\* – бажариш муддатлари танланган лойиҳа йўналиши ва гуруҳдаги вазиятга боғлиқ равишда муайян ҳолатдан келиб чиқиб, белгиланади.

### **3. Лойиҳани бажариш босқичи.**

Керакли маълумотларни тўпланг, тизимга келтиринг ва таҳлил этинг.

Тадқиқот натижаларини расмийлаштиринг (тайёр ҳолатга келтиринг).

Йўриқномага мувофиқ лойиҳа фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрланг.

### **4. Лойиҳани тақдимотга тайёрлаш.**

4.1. MS Power Pointда тақдимотларни тайёрлаш бўйича қўлланмадан фойдаланган ҳолда лойиҳа тақдимотини тайёрланг.

4.2. Лойиҳанинг оғзаки тақдимида гуруҳ аъзоларига бириктириладиган вазифаларни аниқланг.

**5. Оммавий тақдимот, лойиҳа ҳимояси ва баҳолаш. Олинган натижанинг ташқи (эксперт) баҳоланишини таъминлаш.**

### **III. Лойиҳа иши тўғрисидаги ҳисоботга тайёргарлик бўйича йўриқнома**

1. Сиз таклиф этган ва тавсия этаётган лойиҳани татбиқ этишни исботловчи хулосаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн асосида) ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.

3. Лойиҳангизнинг мақсади: унинг нима учун яратилиши, кутиладиган натижа қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.

4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиҳанинг иш режаси(жадвал)ни баён этинг.

6. Вазифанинг ечими натижаларини ва лойиҳада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имкониятини тасдиқловчи хулосаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини тартиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиҳа сифатини;

- лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари.

10. Иловаларни тартиблаштиринг: лойиҳа иштирокчиларининг анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материалларини киритинг.

### **IV. Лойиҳани MS Power Pointда тақдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома**

1. MS Power Pointда тақдимотга тайёрлаш жараёни қуйидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;

- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;

- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;

- янги слайдларни кўшиш;

- слайдларни белгилашни танлаш;
  - зарур бўлган слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;
  - слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.
2. Слайдларни техник намойиш этиш қуйидаги тавсифларга жавоб бериши керак:
- слайдлар миқдори (8-12);
  - слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари: 1) биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, курс, гуруҳ, яратилган кундан иборат; 2) охириги слайд ахборот манбасига бағишланган; 3) бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради;
  - слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намойиш этирилади.
3. Тақдимотни расмийлаштириш қондаси:
- агар матн оғзаки бўлса, қуйидагича бўлиши зарур: юқори ахборотли; боғловчили; аниқ ва қисқа; мантиқан тушунарли ва аниқ бўлиши;
  - овоз тиниқ бўлиши керак;
  - расмлар аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини катта қилишга уринмаслик лозим;
  - видеотасмалар тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур. Расмлар намойишли бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин;
  - жадвалларда ажратилувчи маълумотлар аниқ кўрсатилиши, жадвалларнинг номланиши тагига катта ёзувларда берилиши зарур. Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Тақдимот бошлашдан аввал аудиторияда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур;
  - чизмалар бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равишда ўтишига молаштирилиши керак. Ўтиш чизиқлари экранда яхши кўринишини текширинг.

#### **V. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари**

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- ҳар бир талаба томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. 2 балл);
- ҳисобот (макс. 1 балл);
- MS Power Point лойиҳа тақдими (макс. 1 балл);
- оғзаки тақдимот ва лойиҳа ҳимояси (макс. 1 балл).

Лойиҳалаш технологияси асосида мавзусини ёритишда 13-мавзу: “Касб-хунар коллежларида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш” мавзусида келтирилган 4-5-6-иловалардан ҳам фойдаланилади.

**1-илова**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Низомий номидаги Тошкент  
давлат педагогика университети**

**КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**“КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИДАН МУСТАҚИЛ  
ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАЖАРИШ  
МЕТОДИКАСИ”**

*ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ*

Тузувчи муаллифлар: О.А.Қўйсннов, пед. ф.н., доцент  
Ў.О.Тоҳиров, 2-курс аспиранти



- **Таълимнинг мақсади:** Касб таълими методикаси ўқув курси бўйича мустақил ишларни ташкил этиш ва бажариш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш.

- **Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** мустақил ишлар ҳақида ва бажариш технологиясига оид тавсиялар ишлаб чиқади ва мустақил таълим олиш методикасининг мақсад ва вазифаларини англаб етади; касб таълими методикасидан мустақил ишларни бажаришда манбалардан фойдаланиш йўллари аниқлайди.

**Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қуйидагилардан иборат:**

- *Талаба қуйидагиларни билиши керак:*
- Мустақил таълим, мустақил фаолият, мустақил иш, мустақил ишларни бажариш технологияси, мустақил ишларни бажаришга оид манбалар, мустақил ишларнинг мақсади, мотиви, метод ва воситалари.
- *Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*
- таҳлил этиш, таққослаш, тизимлаштириш, умумлаштириш, лойиҳалаш.
- *Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*
- индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

## Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қуйидагилардан иборат:

- *Талаба қуйидагиларни билиши керак:*
- Мустақил таълим, мустақил фаолият, мустақил иш, мустақил ишларни бажариш технологияси, мустақил ишларни бажаришга оид манбалар. мустақил ишларнинг мақсади, мотиви, метод ва воситалари.
- *Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*
- таҳлил этиш, таққослаш, тизимлаштириш, умумлаштириш, лойиҳалаш.
- *Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*
- индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.



# Эътиборингиз учун раҳмат !

## 17-мавзу: ДАРСДАН ҲАМДА ЎҚУВ МУАССАСАСИДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛЛАШТИРИШ

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Талабалар сони – та</b>
<b>Ўқув машғулотивининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Ўқув машғулотивининг тузилиши</b>	1. Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишлари. 2. Тўғарак ишларининг режаларини тузиш. Тўғарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари. 3. Оммавий тадбирларни ташкиллаштириш. 4. Мавзунини якунлаш.
<b>Ўқув машғулотивининг мақсади</b>	Талабаларда дарсдан ҳамда ўқув муассасасидан ташқари машғулотивларни режалаштириш ва ташкиллаштириш ҳамда бошқариш қобилиятларини шакллантириш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> 1) Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишларининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш; 2) Тўғарак ишларининг режаларини тузиш. Тўғарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари тушунтириб бериш; 3) Оммавий тадбирларни ташкиллаштиришга доир маълумотларни тушунтириш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 7) экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишларини амалга оширишни ўзлаштирадидлар; 8) тўғарак ишларининг режаларини тузиш, тўғарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари ва бошқариш усуллари билан танишадидлар; 9) тадбирларни ташкиллаштириш ва бошқаришга доир тасаввурлар шаклланади;
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, интерфаол методи, “Тоифалаш жадвали” график органайзери
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гуруҳли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация


Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

### Маълумотли маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Талабаларга экскурсия ва тўгарак ишлари тўғрисида дастлабки билимларига таянган ҳолда қисқа маълумотларни тайёрлаш вазифаси берилади (3-илова).</p> <p>1.2. Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишлари тўғрисидаги маълумотларни тинглашади (1-илова).</p> <p>1.3. Тўгарак ишларининг режаларини тузиш. Тўгарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари баён этади ва таништиради (4-илова).</p> <p>1.4. Оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ишлари билан таништиради (4-илова).</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Бахс-мунозара олиб борадилар ва ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашадилар.</p> <p>Хулосалар чиқарадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Дардан ҳамда ўқув муассасасидан ташқари машғулотларни режалаштириш ва ташкиллаштириш мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади (1-илова).</p> <p>2.3. Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишларини тақдимот технологияси ёрдамида баён этади (4-илова).</p> <p>2.4. Тўгарак ишларининг режаларини тузиш. Тўгарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради (4-илова).</p> <p>2.5. Оммавий тадбирларни ташкиллаштириш йўл-йўриқлари тўғрисидаги маълумотларни етказди (4-илова).</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	<p>3.1. Талабаларга дардан ҳамда ўқув муассасасидан ташқари машғулотларни режалаштириш ва ташкиллаштириш ўргатиш ҳақидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида “Тоифалаш жадвали” график органиайзерини тақдим этади (2-илова).</p> <p>3.2. “Тоифалаш жадвали” график</p>	<p>“Тоифалаш жадвали” график органиайзерини гуруҳларда тўлдиришади.</p>

	<p>органайзерини намоёиш эттириш орқали экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишларини ташкил этиш тўғрисида талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди (2-илова).</p> <p>3.3. Мавзу бўйича талабаларда аниқ хулосалар, тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради (2-3-4-иловалар).</p> <p>3.4. Талабаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олишади.</p>
--	---	---

1-илова




2-илова

“Тоифалаш жадвали” график органиайзерини

Дарсдан ҳамда ўқув муассасасидан ташқари машғулотларни		
Экскурсия	Тўғарак	Тадбирлар

3-илова



Мавзуга оид берилган савол топшириқларини давом эттиринг!

Тўгарак бу .....

Экскурция бу .....

Тўгарак ишларининг режаларини тузиш жараёнида .....

Оммавий тадбирларни ташкил қилишда тадбир режаси ишлаб чиқилади .....

### III. “КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ” ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Ўқув фани:** Касб таълими методикаси

**Мавзулар:**

1. Ўқув режасидаги фанларнинг блоклар бўйича тақсимоти, фанлар уларнинг кетма - кетлиги, амалиётлар ўқув соатлар миқдори, умумий ўқув соатлари миқдорларининг курслар бўйича тақсимланиши таҳлили.
2. Касб-хунар коллежлари мутахассислик фанлари бўйича тақвимий мавзули режа тузиш.
3. Назарий дарс режа ва баённомаси.
4. Касб-хунар таълими дарсларини таҳлил қилиш, ҳужжатлаштириш тартиби.

**Кейсинг асосий мақсади:** Касб-хунар коллежлари ўқув режаларида фанларнинг блоклар бўйича тақсимоти, ўқув соатлари миқдори тақсимотини ўрганиш, мутахассислик фанлардан тақвимий мавзули режа тузишни ўрганиш, дарс режа конспектларини тайёрлаш, касб-хунар дарсларини таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштиришни амалга оширишни ўрганиш.

**Ўқув фаолиятидан қутиладиган натижалар:**

1. Касб-хунар коллежлари ўқув режаларини тўлиқ таҳлил қилиб чиқиш;
2. Мутахассислик фанлардан тақвимий мавзули режа тузиш;
3. Дарс режа конспектини тайёрлаш;
4. Дасларни таҳлил қилиш;

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

**Талаба қуйидагиларни билиши керак:**

Ўқув режа, тақвимий мавзули режа, дарс режа конспекти, дарс таҳлиллари бланкалари ҳақида маълумотларга эга бўлишлари талаб етилади.

**Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:**

таҳлил етиш, таққослаш, умумлаштириш, хулосалаш.

**Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:**

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, евристик, креатив фаолият малакалари.

**Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли Қарори.
2. Авазбоев О.И. Касб таълими методикасидан амалий машғулотлар. Методик қўлланма. -Тошкент: ТДПУ, 2007. 30 б.
3. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил етиш. (Методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006. 52 б.
4. Шарипов Ш. ва б. Касбий педагогика (методик қўлланма). -.:ТДПУ, 2006й
5. Шарипов Ш., Абдураимов Ш. Касб таълими методикаси фанидан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланма. -Т: ТДПУ, 2007. 147 б.
6. Олимов Қ. Т. Касб таълими услубияти. Ўқув қўлланма. -Т.: 2006. 164 б.

Ушбу кейсинг асосий манбаи кабинетли аниқ топшириқлар асосида баён етилган. Кейсинг асосий объекти касб-хунар таълими ўқув жараёнини амалга оширишни ўрганишга ёъналтирилган. Бу ташкилий кейс бўлиб, маълумотлар топшириқлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган. Мавзу юзасидан кўникма ва малакаларни эгаллашга ёъналтирилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал етиш, таҳлил етиш ва янги моделни ишлаб

чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш технологиясини яратиш ва баҳолашга ёъналтирилган.

Ушбу кейсдан “Касб таълими методикаси” ва “Касбий педагогика” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

### **КЕЙС: “Касб таълими методикаси” фанидан амалий машғулот мавзулари бўйича назарий маълумотлар.**

Талабалар онгига педагогика, психология, «Касб таълими методикаси», мутахассислик ва махсус фанлар бўйича олган билимларининг яхлит мужассамлашган моделини шакллантириш, уларни чуқурлаштириш амалда синаб кўриш, шунингдек, педагогик амалиёти орқали уларни келгусидаги педагогик фаолиятига тайёрлаш мақсадида «Касб таълими методикаси» фани бўйича маъруза машғулотларидан ташқари амалий ва амалий лаборатория машғулотлари ўтказилади. Бу ҳар иккала турдаги машғулотлар ўз олдига қўйилган мақсади, ўрганиш объекти мазмуни, ташкилий шакл ва методлари билан биридан фаркланади.

Талабаларнинг «Касб таълими методикаси» фанидан олган назарий билимларини амалда қўллаш ва синаш, уларни келгуси ўқитувчилик фаолиятида керак бўлган асосий режалаштирувчи (ўқув – меёрий) ҳужжатлар мазмуни билан таништириш, уларни ишлаб чиқиш бўйича билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш амалий машғулотлар жараёнида амалга оширилади.

Талабалар «Касб таълими методикаси» фанидан амалий машғулотлар жараёнида қуйидаги ҳужжатлар билан танишиб, уларни ўрганиб чиқишади айримларини ўзлари тузишни ўрганишади.

**Ўқув режаси.** КХК лари ўқув режаси тегишли мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази, (ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув режалари еса халқ таълими вазирлиги) томонидан тасдиқланиб у ўқув жараёни графиги ва ўқув жараёни режасини ўз ичига олади.

**Ўқув жараёни графигида** назарий ва амалий дарслар, таътил, ишлаб чиқариш амалиёти ва битирув малакавий иши ёки якуний давлат аттестатсияси учун ажратилган вақт ҳафталарда ҳар бир курс бўйича шартли белгилар асосида кўрсатилади.

**Ўқув жараёни режасида** касб ҳунар коллежидаги уч йиллик ўқиш жараёнида ўқитиладиган ўқув фанлари, ҳар бир курсда ўқитиладиган ўқув фанлар семестрлар бўйича ҳафтада неча соатдан ва ўқув йили давомида жами шу курсда неча соат дарс ўтилиши керак эканлиги кўрсатилади.

**Календар мавзули режа.** Календар мавзули режа ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида касб-ҳунар коллежининг ҳар бир ўқитувчиси томонидан ўз фани учун маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва КХК методик бирлашмаси, педагогик кенгаши мукокамасидан кейин КХК директори томонидан тасдиқланади. Календар мавзули режа ҳар бир бўлимни қандай мавзуларга ажратилиб, улар қандай кетма-кетликда, неча соатдан ўқув йилининг қайси саналарида ўқитилиши, бу мавзулар таълимнинг қайси шакл ва методлари ёрдамида ўргатилиши, ҳар бир мавзунини ўқитишда қайси амалий ишни бажариш, бунинг учун қандай асбоб-ускуналар, хом ашё, техник-технологик ҳужжатлар зарурлиги, шунингдек, ўқитишнинг техникавий воситалари, адабиёт ва методик қўлланмаларнинг қайсилари зарур бўлиши, қандай янги педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлигини олдиндан кўрсатувчи ҳужжат бўлиб, ҳар бир курс учун ҳар бир семестр ёки бир йилга мўлжаллаб тузилади.

**Махсус фанларни** ўрганишнинг вазифаси еса ўқитувчиларнинг муайян касбий фаолиятида ишлатиладиган машиналар, механизмлар, аппаратлар, асбоб-ускуналар ва уларнинг тизими тўғрисида. Ушбу соҳа бўйича ишлаб чиқиш технологияси ва уни ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган материаллар тўғрисида билим олишларидан иборатдир. Махсус фанлар ўз мазмуни ва ўқув жараёнидаги ўрни жиҳатдан ишлаб чиқариш технологияси билан чамбарчас боғлиқдир. Уларни ўрганиш ўқувчилар



зарур назарий билимларга эга бўлганларидан кейингина ишлаб чиқариш таълим олишларини назарда тутати.

**Дарс режаси.** Дарс режаси танланган шакл ва методлар асосида машғулоти қандай ташкил етиш, унинг тузилиши ва мазмунини қандай изчилликда амалга оширишни кўрсатувчи ҳужжат бўлиб ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулоти учун алоҳида-алоҳида тузилади ва КХК директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан ҳар бир машғулоти олдин тасдиқланади. Дарс режасининг тузилиши назарий машғулоти, амалий машғулоти, аралаш ва экскурсия машғулоти бўйича бир-биридан фарқ қилади.

**Дарс матни (конспекти).** Дарс режаси ва дарс матнини тайёрлаш ўқитувчининг дарсга тайёрланганлигининг охириги босқичи ҳисобланади. Дарс матни дарс режасида кўрсатилган изчилликда ёзилиши лозим бўлиб, унда ўқувчиларга йетказилиши зарур бўлган асосий тушунчалар, схема ва чизмалар ҳамда есда сақлаб қолиши нисбатан қийин бўлган маълумотлар акс еттирилади. Бунда ўқув дастурида кўрсатилган меъёрдан четга чиқиб кетмаслик талаб етилади.

Дарс матни дарслик ва методик адабиётлар, ҳамда ўқитувчининг иш тажрибалари асосида ёзилиб, дарс режаси билан бир вақтда КХК директорининг ўқув ишлари бўйича муовини томонидан тасдиқланади ва дарс режаси ва матни билан ўқитувчи дарсга киради.

« Касб таълими методикаси» фанидан амалий машғулоти давомида талабалар ДТС, ўқув режаси ва дастуридан тортиб то ўқитувчининг машғулоти киргунча зарур бўладиган барча ҳужжатлар мазмуни билан танишадилар ва уларни ишлаб чиқади.

**Тавсия етилаётган кейси ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:**

1. Ўрта махсус касб-хунар коллежлари ўқув режалари билан ишлашни ўрганиш;
2. Касб-хунар коллежлари мутахассислик фанларидан тақвимий мавзули режа тузиш.
3. Дарс режа конспектини тайёрлаш.
4. Дарсларни таҳлил қила олиш.

**1 - топшириқ:**

- а) ўқув режаси тузилиши билан танишиб чиқиш;
- б) ўқув жараёни графиги билан танишиб чиқиш;
- в) ўқув жараёни режаси билан танишиб чиқиш;
- г) умумтаълим, махсус ва касбий тайёргарлик фанларини ўрганишга ҳар бир курсда ҳафтасига неча соат, ўқув йилида жами неча соат вақт ажратилганлигини аниқлаш;
- д) ишлаб чиқариш амалиётига қанча вақт ажратилишини, қайси курсларда ўтилиши ва ўқув даврининг қайси пайтига тўғри келишини аниқлаш;
- е) коллеж ихтиёридаги соатлар миқдори қанча бўлишини ва улар нимага ажратилишини аниқлаш.

**2-топшириқ:**

- а) ўқув дастури бўлимлари ва уларнинг мазмуни билан танишиб чиқиш;
- б) ўқув дастурининг тушунтириш хатида нималар баён қилинганлигини аниқлаш;
- в) ўқув дастурининг мавзули режаси ва мазмунини таҳлил қилиш;
- г) мавзули режасида қандай бўлимлар ва мавзулар мавжуд эканлигини аниқлаш ва уларга ажратилган вақт миқдорини таҳлил қилиш.

**3-топшириқ:** Касб хунар коллежлари касб таълими (махсус ва касбий тайёргарлик) фанлари бўйича тақвимий (календар) мавзули режани тўлиқ ишлаб чиқиш 1-жадвалнинг барча устунларини тўғри ва тўлиқ тўлдириш талаб етилади.

1-жадвал

Касб таълими (махсус ва касбий тайёргарлик фанлари) дан тақвимий мавзули режа

№	Бўлим ва мавзулар	Ажратилган соат	Сана	Таълим шакли	Таълим методи	Иш объекти	Материали	Асбоб ускуналар		Жиҳоз ва Мосламалар	Кўргазмали куроллар	Фанлар алоқа	Янги педагогик технологиялар	қўлланма ва адабиётлар	Изоҳ
								Ишчи	Ўлчов						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Бу жадвални тўлиқ тўлдириш учун ўқув устахоналарида қилинадиган ишлар рўйхати, касб таълим (махсус ва касбий тайёргарлик) фанларининг табиий-илмий туркумидаги фанлар билан ўзаро боғлиқлик жадвали керак бўлади.

Касб таълими бўйича ўқув-ишлаб чиқариш (ўқув устахонасида қилинадиган) ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш 4-амалий машғулотда касб таълими (махсус ва касбий тайёргарлик фанлари)нинг табиий-илмий туркумидаги фанлар билан ўзаро боғлиқлик жадвали 5-амалий машғулотда ўрганилади ва ишлаб чиқилади.

Шунингдек, бу рўйхат ва жадвални тузиш учун дарсларнинг аниқ мавзуй режаси зарур, чунки улар ўзаро бир-бири билан мантиқий боғлиқдир. Қайси мавзу учун қандай иш объектини танлаш кераклиги ва уларнинг изчиллиги ёки касб таълимидаги (махсус ва касбий тайёргарлик) фанлардаги мавзуларга бошқа фанларнинг қайси мавзуларни боғлаб ўтиш кераклигини аниқлаш учун, биринчи навбатда, касб таълими (махсус ва касбий тайёргарлик) фанлари дарсларида ўтиладиган мавзулар ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш зарур бўлди. Шу сабабли таквимий (календар) мавзули режани ишлаб чиқиш икки босқичда амалга оширилади.

Бу босқичда ўқитиладиган бўлим ва мавзулар номи, уларни ўтиш кетма-кетлиги, уларга ажратилган соат миқдори ва дарс ўтиладиган сана аниқланди (1-жадвалдаги 1-4 устунлар).

Касб таълими (махсус ва касбий тайёргарлик) фанлари бўйича мавзули режа ишлаб чиқиш учун топшириқлар.

#### **4-топшириқ:**

- а) ҳар бир курс учун ўқув дастурининг мавзулар режасидан ҳар бир боб учун ажратилган вақт миқдори билан танишиб чиқиш;
- б) дастурнинг мавзулар режасида ҳар бир боб учун ажратилган умумий вақт миқдорини мавзулар бўйича тақсимлаш учун тегишли бобларда ўқувчилар учун етказилиши керак бўлган техник маълумотларлар - назарий билимлар ва бажарилиши зарур бўлган амалий ишлар мазмунини аниқлаш;
- в) дастлаб биринчи бобни, сўнг иккинчи, учинчи ва х.к. бобларни шу боблар мазмунини тўла қамровчи мавзуларга ажратиш;

#### **5-топшириқ:**

- а) мавзуларни ўрганиш тартибини таҳлил қилиш ва мантиқий нуқтаи назардан кетма-кет жойлаштириш;
- б) дастурнинг мавзулар режаси қисмида ҳар бир боб учун ажратилган умумий вақт миқдорини мавзуларга (мазмун, ҳажми ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда) тақсимлаш;
- в) натижани жадвалнинг 1-3 устунларига киритиш, ҳар бир курсда тегишли касб таълими (махсус ва касбий тайёргарлик) фанларидан машғулотлар учун ўқув режада ҳафтасига неча соат вақт ажратилганини ҳисобга олиб 4-устунни ҳам тўлдириш.

4-устунни тўлдиришда битта мавзу иккита санага тўғри келмаслигига ва ҳар бир мавзу бир бутун тугал билимлар тўпламини ўз ичига оладиган бўлишига эътибор бериш зарур.

1-ва 2- топшириқларни бажариш кетма-кетлиги ва технологияси 2-жадвалда келтирилган. Натижалар 1-жадвалдаги 2-устунга кўчирилади.

2-жадвалда Касб-ҳунар коллежларида «Механик ишлов бериш дастогоҳ ва жиҳозлар» ёъналиши бўйича «Механик ишлов бериш дастогоҳ ва жиҳозларни созлаш усталари» касбини эгалловчилар ўрганадиган «Жиҳозлар технологияси» фанининг «Металл қирқиш дастогоҳлари тўғрисида умумий маълумот» бўлими бўйича боблар мазмунини мавзуларга ажратиш технологияси келтирилган. Бу фаолият уч босқичда амалга оширилди.

## «Жиҳозлар технологияси» фанидан мавзули режа ишлаб чиқиш технологияси.

№	Мавзуларнинг режа ва дастурда берилиши	Мақсад ва қилинадиган ишлар
1	2	3
<b>Талабалар амалий фаолиятининг I босқичи</b>		
И.	Металл қирқиш дастгоҳларининг механизмлари, йиғма бирикмалари ва буюмлар таёрлаш. 24 соат.	<b>Мақсад:</b> Дастурдаги 19 та бандни 4 та олти соатлик мавзуга ажратиш ва уларни номлаш.
1.	Асосий ҳаракатни юритувчиси.	<b>Қилинадиган ишлар:</b> Бунинг учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак: а) мавзулар номи барча бандлар мазмунини қамраш имкониятига эга бўлиши; б) назарий ва амалий машғулот-ларнинг ҳисобга олиниши; в) дарсликлардан ушбу бўлим маз-мунини ёритилганлиги даражасини аниқлаш ва ҳисобга олиш. Биринчи топшириқнинг бандларини бажаришда қуйидаги мулоҳазалар юритилади: а) мавзуларнинг мазмунан кетма-кетлигини аниқлаш бўйича; б) мавзуларнинг мазмунан яқинлигини ва ҳажмини ҳисобга олиб қайсиларини бир-бирига қўшиб ўтиш мумкинлиги тўғрисида; в) бу мавзулар мазмунининг бирбирига боғлиқлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб уларни гуруҳларга ажратиш тўғрисида. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида мавзуларни гуруҳларга ажратиш. 1-гуруҳ-1,2,3,4 ва 5-бандлар. 2-гуруҳ-6,7,8,9,16 ва 17 бандлар. 3-гуруҳ-10,11,12,13,14 ва 15 бандлар. 4-гуруҳ-18 ва 19-бандлар.
2.	Тезликлар қутисини типи ва вазифаси.	
3.	Тезликлар қутисини кинематик ҳисоблаш.	
4.	Айланишлар сонини графиги ва структура сеткаси.	
5.	Дастгоҳлар айланишлар сонининг қаторлари ва асосий суриш ҳаракатларининг тезлигини поғонасиз созлаш усуллари.	
6.	Дастгоҳни қобқли деталлари.	
7.	Стаинина ва уларнинг ёъналтирувчилари	
8.	Шпиндел узелининг конструктсияси ва унинг вазифаси.	
9.	Шпиндел таянчлари, подшипниклар турлари.	
10.	Муфталар ва уларнинг вазифалари.	
11.	Тўхтатиш мосламалари.	
12.	Реверсивлаш механизми.	
13.	Планеталар ва дифферентсал механизмлар.	
14.	Тўғри чизикли ҳаракатни бажарувчи механизм: тишли-ғилдирак-рейка, червак-рейка, юритиш-винт-гайка.	
15.	Дастгоҳни бошқариш механизми.	
16.	Қириндинининг хосил бўлиши.	
17.	Чиқазиш, совитиш ва мойлаш тизими.	
18.	Амалий иш. Дастгоҳни тезликлар қутисининг кинематик боғланишини мавжуд дастгоҳда тузиш.	
19.	Шпинделнинг айланишлар сонини аниқлаш ва график тузиш.	
<b>Талабалар амалий фаолиятининг II босқичи</b>		
№	Талабалар амалий фаолияти.	Талабалар амалий фаолиятининг натижалари.
1	2	3
1.	<p>Ҳар бир гуруҳдаги мавзулари мазмуни ва ҳажми яна бир марта қуйидагича таҳлил етилади.</p> <p>А) 1 ва 2 гуруҳлар ҳажми ва мазмуни яхши тақсимланган;</p> <p>Б) 3 гуруҳлар ҳажми ва мазмуни бир оз каттароқ бўлгани учун ундаги айрим материалларни 4-гуруҳга амалий машғулотга қолдириш мумкин;</p>	<p>1.Металл қирқиш дастгоҳларининг тезликлар қутиси, унинг айланишлар сони ва суриш тезликларини созлаш.</p> <p>2.Металл қирқиш дастгоҳларининг йиғма бирикмалари, қобқли деталлари, уларнинг вазифаси ва дастгоҳларнинг совитиш ва мойлаш тизими.</p> <p>3.Металл қирқиш дастгоҳларининг мафтаси, маҳанизм мосламалари,</p>

	В) 4-гурӯҳ амалий машғулотлар учун мўлжалланган бўлиб, унинг ҳажми 3-банддан олинган бир қисм материаллар ҳисобига етарли бўлади.	уларнинг вазифалари. 4.Металл қирқиш дастгоҳининг тезликлар қутиси кинематика боғланишини ва шпинделнинг айланишлар сонини графигини тузиш.
2.	Юқоридаги таҳлиллар асосида мавзулар номи ёзилади.	
<b>Талабалар амалий фаолиятининг III босқичи.</b>		
№	Талабалар амалий фаолияти.	Талабалар амалий фаолияти-нинг натижалари
1	2	3
1.	Мавзунинг номланишини яна бир бор таҳлил этиб кўриш ва натижани 1-жадвалга кўчириш. Касб-ҳунар коллежлари ўқув режасида «Жиҳозлар технологияси» фанидан ИИИ-семестрда haftасига 6 ( 2 - соат назарий. 4 - соат амалий ) соат вақт ажратилганлиги сабабли ҳар бир мавзу 6 соатга мўлжалланганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳажми яна бир бор таҳлил қилинади.	<p><b>1 - мавзу.</b> Металл қирқиш дастгоҳларининг тезликлар қутиси, ўнг айланишлар сони ва суриш тезликларини сошлаш. 6 соат.</p> <p><b>2 - мавзу .</b> Металл қирқиш дастгоҳларнинг йиғма бирикмалари, қобикли деталлари, уларнинг вазифаси ва дастгоҳларнинг совитиш ва мойлаш тизими. 6 соат.</p> <p><b>3 - мавзу.</b> Металл қирқиш дастгоҳларнинг муфтаси, механизм ва мосламалари, уларнинг вазифалари. 6 соат.</p> <p><b>4 - мавзу.</b> Металл қирқиш дастгоҳининг тезликлар қутиси кинематик боғланишини вашпинделнинг айланишлар сонини графигини тузиш. 6 соат</p>

### **6-топширик:**

Бу босқичда ўқув устахоналарида бажариладиган ишлар рўйхати, касб таълими (махсус ва касбий тайёргарлик) фанларининг табиий-илмий туркумдаги фанлар билан ўзаро боғлиқлик жадвали тузилгандан сўнг бажарилади (1-жадвалдаги 5-16 устунлар тўлдирилди). Ушбу амалий машғулотни бажаришда талабаларга қуйидаги кўрсатмаларга амал қилишлари зарур.

5-устун - таълим шакли-ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалар таркиб топтиришда таълим қандай шаклда ташкил этилишини тавсифлайди. Касб таълими бир қанча шаклларда ташкил этилиши мумкин бўлиб, улар ўқув юртларидаги таълим-тарбиявий ишлар тавсифи ўқув материалининг мазмуни, маҳаллий шарт-шароитлар ва таълимнинг умумий мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

**Таълимнинг ташкилий шакли** деганда ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга еришишга ёналтирилган ўқувчилар ўқув-билим фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш усуллари тушунилади.

Касб таълимнинг асосий ташкилий шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланилади.

1. Дарс;
2. Касбга доир амалий-лаборатория ишлар;
3. Экскурсия;
4. Ҳусусий ва қўшма корхоналарда ўқувчиларни ўқитиш;
5. Ўқув сеҳларида ўқувчиларни ўқитиш;
6. Ўқувчиларнинг касбга доир тўғарақлари;
7. Фермер хўжаликларида ўқувчиларни ўқитиш ва бошқалар.

Амалиётда кўпчилик ҳолларда таълимнинг асосий шакллари сифатида дарс қабул қилинган. Касб таълимининг бошқа шакллари ҳам, дарс ҳам ўз навбатида 4 хил кўринишда (4 - жадвал) ташкил етилади. Буларнинг ҳар бири турли шароитда турлича қўлланилади. Дарснинг ушбу шакллариининг ҳар бири мавзу мазмуни ва унинг олдига қўйилган мақсадларига кўра танланди. Баъзан бир дарс 2-3 хил шаклда ҳам ташкил етилиши мумкин.

6-устун. **Таълим методи.** Ишлаб чиқариш таълими жараёнининг енг муҳим жиҳатларидан бири талим методларидир. Таълим методи – ўқитувчи томонидан ўқувчилар онгига билим, кўникма ва малакаларни сингдириш ва ўқувчилар томонидан бу билим, кўникма ҳамда малакаларни ўзлаштириш усуллари тавсифлайди. Ишлаб чиқариш талими методлари дэганда устоз билан ўқувчиларнинг биргаликликда ташкил қилинган фаолиятининг турлари тушинилади.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида қийдаги методлардан фойдаланилади. Улар билим ва кўникма манбалари жиҳатдан нутқий ( тушунтириш) суҳбат ёзма йўриқнома ва ҳоказо: кўргазмали (меҳнат усуллари ва ҳаракатларни кўрсатиш, кўргазмали курулларни намойиш қилиш, ишлаб чиқариш техника вазибаларини ҳаказолар усулларига бўлинади.

### Дарс кўринишлари шакллари

4 - жадвал

Дарс кўринишлари (шакллари)			
Ялпи	Гуруҳли	Якка тартибли	Аралаш
1. Назарий дарсларда	1. Назарий дарсларда	1. Назарий дарсларда	1. Назарий дарсларда
а) барча ўқувчиларга бир вақтда билим кўникма ва малакалар беришди.	а) ҳар бир гуруҳ ўқувчиларига алоҳида билим кўникма ва малакалар беришда.	а) айрим ўқувчиларга алоҳида билим кўникма ва малакалар беришда.	а) турли ўқувчиларга кўникма малакалар беришда.
б) ўқувчилар билимларини бир вақтда ялпи текширишда.	б) гуруҳдаги айрим ўқувчиларнинг билимларини текширишда.	б) айрим ўқувчиларнинг билимларини текширишда.	б) гуруҳдаги ўқувчилар билимларни бир вақтда ялпи ва айрим ўқувчиларнинг билимларини алоҳида текширишда
в) кўргазмали курулларни намойиш қилиш ва янги педагогик технологияларни қўллашда.	в) билим даражаси бўйича алоҳида гуруҳ ўқувчилари-га муаммоли таълим методини қўллашда	в) таълим мазмунининг айрим ўқувчилар гуруҳлари учун турлича аҳамиятлилиги чоғида.	в) машғулотда муаммоли вазият яратилиш ва суҳбат методини қўллашда.
2. Амалий машғулотларда.	2. Амалий машғулотларда.	2. Амалий машғулотларда.	2. Амалий машғулотларда.
а) ялпи кўрсатмалар беришда.	а) ҳар бир гуруҳга кўрсатмалар беришда.	а) якка тартибда кўрсатмалар беришда.	а) бажариладиган иш объектлар турлича бўлиши билан бир вақтда умумийликка эга бўлган ҳолда.
б) айрим ҳолларда жорий кўрсатмалар беришда.	б) гуруҳлар ишини ташкил этиш ва бажаришда.	б) алоҳида ўқувчилар ишларини ташкил этиш ва бажаришда.	б) алоҳида ўқувчилар ва гуруҳ ишларни ташкил этиш ва бажаришда

Таълим методларини асосан қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин;

1. Таълимнинг оғзақ методлари.
2. Таълимнинг кўргазмали методлари.
3. Таълимнинг амалий методлари.

Хар бир методнинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд бўлиб, у таълимнинг мазмуни мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда танланди. Турли хил таълим методларининг таълим вазифасини амалга ошириш имкониятлари турличадир. (5-жадвал).

Ушбу жадвалдан фойдаланиб хар бир мавзуга мос ҳолда 6-устунни тўлдирилади.

7-устун. Иш объекти - хар бир мавзуни ўқитишда назария билан амалиёт бирлигини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шу сабабли берилаётган билимлар мазмуни билан ўқувчилар амалда бажарилаётган ишлари бир-бирига мос, муштарак бўлиши керак. Бу вазифани ижобий ҳал етишда касб таълими бўйича ўқув-ишлаб чиқариш (ўқув устахоналарида қилинадиган) ишлар рўйхатида кўрсатилган буюмларни тайёрлашдан фойдаланилди. Хар бир иш объектини қайси мавзуни ўқитишдан бошлаб қайси мавзуни ўқитишда тугатилиши керак эканлигини аниқлаб, сўнгра бунинг учун ажратилган вақтни ҳисобга олган ҳолда тўлдирилди. Бунда хар бир дарсда дастлабки ёъл-ёъриқлар бериш ва бошқа ташкилий ишлар учун сарфланадиган вақтларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Айрим иш объектлари олдин ўзлаштирилган малакаларни ривожлантириш мақсадида айрим иш усуллари такрорлаш ва янги иш усуллари ўзлаштириш кўринишида танланади.

8,9,10,11 ва 12 устунлар. Булар танланган иш объектларини тайёрлаш учун қандай хом ашё (аниқ тури, ўлчамлари) кераклигини қайси ўлчов ва ишчи асбоблардан фойдаланилиши зарурлиги ҳамда иш объектига мос технологик ҳужжатларни кўрсатиш учун керак бўлди. Шунингдек, ушбу устинларда дастгоҳлар, айрим қуролларнинг техник паспорти ёки бошқа техник ҳужжатларни, ҳамда турли хил жихоз ва мосламаларни ҳам кўрсатиш мумкин.

13-устун. Фанлараро боғланиш, бунда олдиндан ишлаб чиқилган 5-амалий ишдаги жадвалга биноан хар бир мавзуни бошқа фанлардан ўрганилган қайси бўлимнинг қайси мавзусига боғлаб ўтиш мумкинлиги олдиндан режалаштирилди.

14-устун. Бунда ўтиладиган мавзуни ўқитиш жараёнида ўқитувчи тамонидан фойдаланиладиган техник воситалар (компютер, мултимедиа, видео филмлар ва бошқалар), қўлланиладиган янги педагогик технологиялар кўрсатилади.

15-устун. Ўқитувчи ва ўқувчилар ушбу мавзу мазмуни билан танишишда қайси дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг қайси бетидан ҳамда қандай бошқа манбаалардан фойдаланишлари мумкинлиги кўрсатилди

16-устун. Изох. Бирор сабабга кўра ўқув дастури ёки мавзуси бўйича режага ўзгариш киритилса дастурнинг бажарилишига оид кўрсатмалар ва бошқа изоҳлар берилиши кўзда тутилди.

#### **7-топширик: Дарс матни ёзиш бўйича топшириқлар:**

- а) Ўқув дастурида берилган мавзу бўйича дарс режасини ишлаб чиқиш.
- б) ушбу мавзу дастурнинг қайси бўлимига тегишли эканлигини аниқлаш;
- в) ушбу мавзуни ўз ичига олган бўлим бўйича дастурда олдинги ва кейинги курсларда ўқувчилар қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлганликлари ҳамда эгаллаши керак эканлигини аниқлаш;
- г) тегишли курсларда ўқувчилар ушбу мавзу бўйича қандай билим, кўникма ва малакалар эгаллашлари лозимлигини аниқлаш, ҳамда дарс режасини тузиш.
- д) дарс режасига асосланган ҳолда дарслик, қўшимча адабиёт ва методик қўлланмалар ҳамда қўшимча манбалардан фойдаланиб дарс матнини ёзиш.

\_\_\_\_\_ фанидан

\_\_\_\_\_ Назарий дарс режа - конспекти

Гуруҳ \_\_\_\_\_ Сана «\_\_» \_\_\_\_\_ й.

Дарс мавзуси \_\_\_\_\_

Дарс мақсади: \_\_\_\_\_

1. Таълимий \_\_\_\_\_

2. Тарбиявий \_\_\_\_\_

3. Ривожлантирувчи \_\_\_\_\_  
 Дарс методлари: \_\_\_\_\_  
 Дарснинг жиҳозланиши, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар \_\_\_\_\_  
 Фанлараро боғланиш \_\_\_\_\_  
 Дарс ўтиладиган хона \_\_\_\_\_  
 Адабиётлар:  
 Асосий:  
 1.  
 2.  
 3. Кўшимча  
 1.  
 2.  
 Дарснинг бориши  
 (дарс элементлари ва тахминий тақсимот вақти кўрсатилади).  
 1. Ташкилий қисм (5 дақиқа).  
 2. Ўтган дарс мавзуси ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш (10 дақиқа).  
 Саволлар:  
 а)  
 б)  
 в)  
 Ўқувчилар жавобларини умумлаштириш.  
 3. Янги мавзу баёни (45 дақиқа)  
 Янги мавзунини тушунтириш учун режа берилди ва режага асосан тушунтирилади.  
 4. Янги мавзунини мустаҳкамлаш (10 дақиқа).  
 Саволлар: 1.  
 2.  
 Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириш.  
 5. Дарс якуни (7 дақиқа).  
 6. Уйга вазифа бериш (3 дақиқа).

**8-топширик: Дарс таҳлили варақасини тўлдириш.**

**ДАРС ТАҲЛИЛИ ВАРАҚАСИ**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил

Дарс берувчи ўқитувчи \_\_\_\_\_ гуруҳи \_\_\_\_\_  
 фан \_\_\_\_\_ журналдаги ўқувчилар сони \_\_\_\_\_ шундан \_\_\_\_\_  
 нафари дарсга қатнашди \_\_\_\_\_ нафари кеч келди.  
 Ташкилий қисм \_\_\_\_\_

Дарснинг бориши

1. Ўтган мавзунини

такрорлаш \_\_\_\_\_

2. Янги мавзу \_\_\_\_\_

3. Дарсда кўргазмали қурол ва техника воситаларидан фойдаланиш

4. Дарсга тавсиф (ғоявий - сиёсий, илмий - назарий ва услубий нуктаи назардан, вақтинча тўғри тақсимланиши) \_\_\_\_\_

5.

Дарснинг ютуғи	Дарснинг камчилиги

6. Фанлар алоқадорлиги, турмуш, табиат, ишлаб чиқаришга боғлаши \_\_\_\_\_

5. Дарснинг якуни \_\_\_\_\_

6. Уйга вазифа \_\_\_\_\_

7. Ўқувчилар дафтарига ва китобига эътибори \_\_\_\_\_

8. Синф тозалигига бўлган муносабати \_\_\_\_\_

9. Хулоса ва таклифлар \_\_\_\_\_

10. Синф ўқувчилари ҳақида фикр \_\_\_\_\_

Дарс кузатувчи: \_\_\_\_\_

Дарс берувчи: \_\_\_\_\_

**МУАММОЛИ ТОПШИРИҚЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА УСЛУБИЙ  
КЎРСАТМАЛАР  
Талабаларга йўриқнома**

Иш босқичлари	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Мавзулар бўйича берилган назарий маълумотлар базаси билан тўлиқ танишиб чиқинг.
2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш	Тақдим этилган муаммоли тошириқларга диққатингизни жалб қилинг. Режаларда нималарга эътибор қаратишни аниқланг.
3. Муаммоли топшириқни таҳлил этинг.	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг. Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: 1. Касб-хунар коллежлари ўқув режаларини тўлиқ таҳлил қилиб чиқиш; 2. Мутахассислик фанлардан тақвимий мавзули режа тузиш; 3. Дарс режа конспектини тайёрлаш; 4. Дасларни таҳлил қилиш;
4. Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Тақдим этилган муаммолар билан танишиб чиққанингиздан сўнг уларни ечиш бўйича йўриқномага эътиборингизни қаратинг ва муаммоларни ечишга уриниб кўринг.



## 1-илова

**Амалий машғулотнинг мақсади:** Касб-хунар коллежлари ўқув режаларида фанларнинг блоклар бўйича тақсмоти, ўқув соатлари миқдори тақсмотини ўрганиш, мутахассислик фанлардан тақвимий мавзули режа тузишни ўрганиш, дарс режа конспектларини тайёрлаш, касб-хунар дарсларини таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштиришни амалга оширишни ўргатишдан иборат.


## 2-илова

### Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим

№	Касб-хунар коллежлари мутахассислик фанлари бўйича тақвимий мавзули режа тузиш	Биламан (+)	Билишни хоҳлайман (?)	Билиб олдим (-)
1	Мутахассислик фаноарини			
2	Дастур нималигини			
3	Режа нима учун кераклигини			
4	Тақвим мавзули режа тузишни			
5	Мақсад ва вазифаларни			
6	Кутиладиган натижаларни			


## 3-илова

**Таълим жараёни** – бу ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилвчи ва мазкур мавзу бўйича таълим олувчиларда назарий ва амалий билимлар мажмуини ўзлаштириш имконини берувчи 45 ёки 80 дақиқадан иборат жараёндир.



**Ақлий ҳужум методини қўллаш.** Бунда талабаларда берилган мавзуга оид тушунчаларнинг моҳиятини англаган ҳолда дастлабки фикр юритиш кўникмалари шаклланади. Шу билан бирга улар ўзларининг фикрларини эркин баён этишни, асослашни, ҳимоя қилишни, бошқаларнинг фикрларини эшитишни ва ҳурмат қилишни ўрганадилар.

Ақлий ҳужум методидан амалий машғулотлар давомида фойдаланишни биласизми?



7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли Қарори.


8. Авазбоев О.И. Касб таълими методикасидан амалий машғулотлар. Методик қўлланма. -Тошкент: ТДПУ, 2007. 30 б.

9. Муслимов Н.А., Қўйсинаев О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. (Методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006. 52 б.

10. Шарипов Ш. ва б. Касбий педагогика (методик қўлланма). -Т.:ТДПУ, 2006й

11. Шарипов Ш., Абдураимов Ш. Касб таълими методикаси фанидан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланма. -Т: ТДПУ, 2007. 147 б.

12. Олимов Қ. Т. Касб таълими услубияти. Ўқув қўлланма. -Т.: 2006. 164 б.



**Ўқув режаси.** КХК лари ўқув режаси тегишли мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, (ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув режалари еса халқ таълими вазирлиги) томонидан тасдиқланиб у ўқув жараёни графиги ва ўқув жараёни режасини ўз ичига олади.

**Ўқув жараёни графигида** назарий ва амалий дарслар, таътил, ишлаб чиқариш амалиёти ва битирув малакавий иши ёки якуний давлат аттестатсияси учун ажратилган вақт ҳафталарда ҳар бир курс бўйича шартли белгилар асосида кўрсатилади.



**Ўқув жараёни режасида** касб ҳунар коллежидаги уч йиллик ўқиш жараёнида ўқитиладиган ўқув фанлари, ҳар бир курсда ўқитиладиган ўқув фанлар семестрлар бўйича ҳафтада неча соатдан ва ўқув йили давомида жами шу курсда неча соат дарс ўтилиши керак эканлиги кўрсатилади.

**Календар мавзули режа.** Календар мавзули режа ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида касб-ҳунар коллежининг ҳар бир ўқитувчиси томонидан ўз фани учун маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва КХК методик бирлашмаси, педагогик кенгаши муҳокамасидан кейин КХК директори томонидан тасдиқланади.

**Махсус фанларни** ўрганишнинг вазифаси еса ўқитувчиларнинг муайян касбий фаолиятида ишлатиладиган машиналар, механизмлар, аппаратлар, асбоб-ускуналар ва уларнинг тизими тўғрисида. Ушбу соҳа бўйича ишлаб чиқиш технологияси ва уни ташкил етиш, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган материаллар тўғрисида билим олишларидан иборатдир. Махсус фанлар ўз мазмуни ва ўқув жараёнидаги ўрни жиҳатдан ишлаб чиқариш технологияси билан чамбарчас боғлиқдир. Уларни ўрганиш ўқувчилар зарур назарий билимларга эга бўлганларидан кейингина ишлаб чиқариш таълим олишларини назарда тутди.

**Дарс режаси.** Дарс режаси танланган шакл ва методлар асосида машғулотни қандай ташкил етиш, унинг тузилиши ва мазмунини қандай изчилликда амалга оширишни кўрсатувчи ҳужжат бўлиб ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулот учун алоҳида-алоҳида тузилади ва КХК директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан ҳар бир машғулотдан олдин тасдиқланади. Дарс режасининг тузилиши назарий машғулот, амалий машғулот, аралаш ва экскурсия машғулотлари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

**Дарс матни (конспекти).** Дарс режаси ва дарс матнини тайёрлаш ўқитувчининг дарсга тайёрланганлигининг охириги босқичи ҳисобланади. Дарс матни дарс режасида кўрсатилган изчилликда ёзилиши лозим бўлиб, унда ўқувчиларга йетказилиши зарур бўлган асосий тушунчалар, схема ва чизмалар ҳамда еса сақлаб қолиши нисбатан қийин бўлган маълумотлар акс еттирилади. Бунда ўқув дастурида кўрсатилган меъёрдан четга чиқиб кетмаслик талаб етилади.






Топширик

Таълим  
методларини  
деганда ....?

Дарс таҳлили  
Бу ....?

Тақвим мавзули  
режа деганда  
Биз .....?



## IV. “КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ” ФАНИДАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ

**1-семинар. Мавзу: «Таълим тўғрисидаги» Қонун «Кадрлар айёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқадиган касб таълими методикаси фанининг вазифалари ва мақсади**  
**Анжуман-семинар таълим технологияси модели**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Талабалар сони – ... та</b>
<b>Ўқув машғулотивнинг шакли</b>	Анжуман-семинар
<b>Ўқув машғулотивнинг тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Анжуман-семинарға кириш.</li> <li>2. Анжуман-семинарни амалга ошириш тартиби билан таништириш.</li> <li>3. Маърузалар билан танишиш.</li> <li>4. Маъруза юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш.</li> <li>5. Маърузалар юзасидан умумий хулосаларга келиш.</li> <li>6. Анжуман-семинарни якунлаш.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотивнинг мақсади</b>	«Таълим тўғрисидаги» қонун «Кадрлар айёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқадиган касб таълими методикаси фанининг вазифалари ва мақсадини ўрганиш
<b>Педагогик вазифалар:</b> 2) анжуман-семинарнинг мақсад ва вазифасини тушунтириш; 2) анжуман-семинарни амалга ошириш тартибини баён этиш; 3) маърузаларни тинглаш жараёнини ташкил этиш; 4) маъруза юзасидан муҳокамалар жараёнини бошқариш; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1) маърузаларни тақдим этишади ва тинглаб боришади; 2) маърузалардаги энг асосий жихатларни ажратиб олиб, ўз дафтарларига қайд этадилар; 3) маърузалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишади; 4) маъруза юзасидан муҳокама учун сўзга чиқадилар; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилишда ўз муносабатларини билдиришади.
<b>Таълим методи</b>	Анжуман-семинар, тушунтириш, суҳбат, мунозара, “Тоифалаш” жадвали
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**Анжуман-семинарнинг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	<p>(1) Маъруза мавзулари, маърузага тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини беради (5-илова).</p> <p>(2) Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчиларни аниқлашлаштиришни ташкиллаштиради.</p> <p>(3) Маърузачиларга танланган мавзу бўйича реферат мавзусини батафсил тузиш топшириғини беради, маслаҳат беради.</p> <p>(4) Барча талабаларга маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва саволлар тайёрлаб келиш топшириғини беради.</p> <p>(5) Маърузачилар билан маъруза қилиш методикаси ва тузилишини муҳокама қилади, маъруза мазмунига ўзгартиришлар киритади.</p>	<p>Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар. Қолганлари маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар реферат ёзишади ва кўргазмали материаллар тайёрлашади.</p>
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (20 минут)</b>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади.</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради (1-2-иловалар).</p> <p>1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (3-илова).</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар.</p> <p>Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Талабаларни ўзлари тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади.</p> <p>2.2. Тақризчиларга сўзга чиқишни ва саволлар беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тақризчиларга ўз фикрларини билдиришларини, кўшимча саволлар беришни таклиф этади;</li> <li>- саволлар беради;</li> <li>- маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради.</li> </ul> <p>2.4. Ҳар бир маърузанинг қисқача умумлаштириш билан яқунлайди.</p>	<p>Маърузачилар ўзлари тайёрлаган маълумотларини тақдим этишади.</p> <p>Тақризчилар маърузанинг ижобий ва кучсиз жиҳатларини айтиб беришади.</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мунозарада иштирок этадилар.</p> <p>Мунозара иштирокчилари жамоавий равишда маъруза мазмунини муҳокама қиладилар.</p>
<b>3-босқич.</b>	3.1. Анжуман-семинар жараёнида	“Тоифалаш” жадвалини

<p><b>Яқуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)</b></p>	<p>олинган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида талабаларга “Мантиқий боғланиш” жадвалини тўлдиришни сўрайди (1-2-иловалар). 3.2. Ўқув фаолияти натижаларига яқун ясайди. Анжуман-семинар маърузачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди (4-илова). 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.</p>	<p>тўлдиришади. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.</p>
---	---	---

**1-илова**

“Мантиқий боғланиш” жадвали

<p><b>Мантиқий боғланиш</b></p>		
<p>«Таълим тўғрисидаги» қонун.</p>	<p>«Кадрлар айёрлаш миллий дастури»</p>	<p>«Кадрлар айёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқадиган касб таълими методикаси фанининг вазифалари ва мақсади</p>



**2-илова**


“Тоифалаш” жадвали

<p><b>Миллий моделнинг таркибий қисмлари</b></p>		
<p><b>Шахс</b></p>	<p><b>Давлат ва жамият</b></p>	<p><b>Ишлаб чиқариш</b></p>
<p><b>Фан</b></p>	<p><b>Узлуксиз таълим</b></p>	<p><b>Мақсад ва вазифалар</b></p>



### “Нима учун” чизмаси



 <p><b>Асосий адабиётлар</b></p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент., Шарқ, 1998. - 64 б.</li> <li>2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим тўғрисидаги қарорлари. 1-қисм. Тошкент., 1998. - 106 б.</li> <li>3. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.</li> <li>4. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқуддусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.</li> <li>5. Мехнат таълими методикаси / Мағдиев О.Болтабоев С.А., О. Авазбоев, В.Н. Сатторов. - Тошкент., ТДПУ, 2000. - 92 б.</li> </ol>
--	---

**2-семинар. Мавзу: Касб ҳунар таълимида умумдидактик тамойиллар**  
**Анжуман-семинар таълим технологияси модели**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Талабалар сони – ... та</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Анжуман-семинар
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Анжуман-семинарга кириш.</li> <li>2. Анжуман-семинарни амалга ошириш тартиби билан таништириш.</li> <li>3. Маърузалар билан танишиш.</li> <li>4. Маъруза юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш.</li> <li>5. Анжуман-семинарни якунлаш.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Касб ҳунар таълимида умумдидактик тамойилларини ўрганиш
<b>Педагогик вазифалар:</b> 3) анжуман-семинарнинг мақсад ва вазифасини тушунтириш; 2) анжуман-семинарни амалга ошириш тартибини баён этиш; 3) маърузаларни тинглаш жараёнини ташкил этиш; 4) маъруза юзасидан муҳокамалар жараёнини бошқариш; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1) маърузаларни тақдим этишади ва тинглаб боришади; 2) маърузалардаги энг асосий жиҳатларни ажратиб олиб, ўз дафтарларига қайд этадилар; 3) маърузалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишади; 4) маъруза юзасидан муҳокама учун сўзга чиқадиладар; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилишда ўз муносабатларини билдиришади.
<b>Таълим методи</b>	Анжуман-семинар, тушунтириш, суҳбат, мунозара, “Изоҳланг” жадвали
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**Анжуман-семинарнинг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1. Маъруза мавзулари, маърузага тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини беради (2-илова).</p> <p>2. Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчиларни аниқлашлаштиришни ташкиллаштиради.</p> <p>3. Маърузачиларга танланган мавзу бўйича реферат мавзусини батафсил тузиш топшириғини беради, маслаҳат беради.</p> <p>4. Барча талабаларга маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва саволлар тайёрлаб келиш топшириғини беради.</p> <p>5. Маърузачилар билан маъруза қилиш методикаси ва тузилишини муҳокама қилади, маъруза мазмунига ўзгартиришлар киритади (3-илова).</p>	<p>Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар. Қолганлари маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар реферат ёзишади ва кўргазмали материаллар тайёрлашади.</p>
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (20 минут)</b>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади (3-илова).</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради (4-илова).</p> <p>1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Талабаларни ўзлари тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади.</p> <p>2.2. Тақризчиларга сўзга чиқишни ва саволлар беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади:                      - тақризчиларга ўз фикрларини билдиришларини, кўшимча саволлар беришни таклиф этади;                      - саволлар беради;                      - маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради.</p> <p>2.4. Ҳар бир маърузанинг қисқача умумлаштириш билан якунлайди (4-5-иловалар).</p>	<p>Маърузачилар ўзлари тайёрлаган маълумотларини тақдим этишади. Тақризчилар маърузанинг ижобий ва кучсиз жиҳатларини айтиб беришади. Саволлар берадилар. Мунозарада иштирок этадилар. Мунозара иштирокчилари жамоавий равишда маъруза мазмунини муҳокама қиладилар.</p>
<b>3-босқич. Якуний</b>	<p>3.1. Анжуман-семинар жараёнида олинган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида</p>	<p>“Изоҳланг” жадвалини тўлдиришади.</p>


<b>(Фикрлаш босқичи) (10 минут)</b>	талабаларга “Изоҳланг” жадвалини тўлдиришни сўрайди (1-илова). 3.2. Ўқув фаолияти натижаларига яқун ясайди. Анжуман-семинар маърузачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди (4-5-иловалар). 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.
---	--	---

1-илова

### “Изоҳланг” жадвали

Изоҳланг		
1.	Таълим ва тарбия бирлиги	
2.	Таълимнинг илмийлиги	
3.	Таълимда тизимлилик ва изчиллик	
4.	Назария ва амалиёт бирлиги	
5.	Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш	
6.	Таълимнинг политехник хусусиятга эгаллиги	
7.	Онглилик ва фаоллик	
8.	Таълимда кўрсатмалилик	
9.	Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустақамлиги ва пухталиги	

2-илова




**Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ” Тошкент., 1998 й. 64 б.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат ТДПУ. Тошкент., 2003й. 176 б.
3. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. “Ўқитувчи” Тошкент., 1992 й.320 б.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар Касб таълими услуги “Иқтисод молия” Тошкент., 2006 й. 192 б.
5. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори “Ўқитувчи” Тошкент., 2001 й.432 б.
6. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси Тошкент., 2005 й. 58 б.
7. Йўлдошев Ғ.Ж., С.А. Усмонов Педагогик технология асослари. – Тошкент., Ўқитувчи. 2004. – 104б.


**3-илова**

- 2.1. Касб - ҳунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар.
- 2.2. Билим, кўникма, малака, касбий маҳорат.
- 2.3. Касб - ҳунар таълимида умумдидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмийлик ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим - тарбия бирлиги, кўрсатмалилик.
- 2.4. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва уларни касб - ҳунар таълимида қўллаш.

**4-илова**



**5-илова**



**3-семинар. Мавзу: Касб - хунар таълими методлари. Касб – хунар таълимида дарс шакллари мавзусидаги анжуман-семинар таълим технологияси модели**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Талабалар сони – ... та</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Анжуман-семинар
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	1. Анжуман-семинарга кириш. 2. Анжуман-семинарни амалга ошириш тартиби билан таништириш. 3. Маърузалар билан танишиш. 4. Маъруза юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш. 5. Маърузалар юзасидан умумий хулосаларга келиш. 6. Анжуман-семинарни якунлаш.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Касб - хунар таълими методлари. Касб – хунар таълимида дарс шакллари ҳақида маълумотга эга бўлиш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> 4) анжуман-семинарнинг мақсад ва вазифасини тушунтириш; 2) анжуман-семинарни амалга ошириш тартибини баён этиш; 3) маърузаларни тинглаш жараёнини ташкил этиш; 4) маъруза юзасидан муҳокамалар жараёнини бошқариш; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1) маърузаларни тақдим этишади ва тинглаб боришади; 2) маърузалардаги энг асосий жиҳатларни ажратиб олиб, ўз дафтарларига қайд этадилар; 3) маърузалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишади; 4) маъруза юзасидан муҳокама учун сўзга чиқадиладар; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилишда ўз муносабатларини билдиришади.
<b>Таълим методи</b>	Анжуман-семинар, тушунтириш, суҳбат, мунозара, “Таснифланг” жадвали
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**Анжуман-семинарнинг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	(1) Маъруза мавзулари, маърузага тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини беради (4-илова). (2) Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчиларни аниқлаштиришни ташкиллаштиради. (3) Маърузачиларга танланган мавзу бўйича реферат мавзусини батафсил тузиш топшириғини беради, маслаҳат беради. Барча талабаларга маъруза ва қўшимча	Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар. Қолганлари маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар реферат ёзишади ва кўргазмали материаллар тайёрлашади.

	материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва саволлар тайёрлаб келиш топширигини беради.	
<b>1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (20 минут)</b>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади. 1.2. Талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради. 1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (2-3-иловалар).	Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар. Мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	2.1. Талабаларни ўзлари тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади (2-3-иловалар). 2.2. Такризчиларга сўзга чиқишни ва саволлар беришни таклиф этади. 2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади: - такризчиларга ўз фикрларини билдиришларини, қўшимча саволлар беришни таклиф этади; 2.4. Ҳар бир маърузанинг қисқача умумлаштириш билан якунлайди.	Маърузачилар ўзлари тайёрлаган маълумотларини тақдим этишади. Такризчилар маърузанинг ижобий ва кучсиз жиҳатларини айтиб беришади. Саволлар берадилар. Мунозарада иштирок этадилар. Мунозара иштирокчилари жамоавий равишда маъруза мазмунини муҳокама қиладилар.
<b>3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)</b>	3.1. Анжуман-семинар жараёнида олинган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида талабаларга “Таснифланг” жадвалини тўлдиришни сўрайди (1-илова). 3.2. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясайди. Анжуман-семинар маърузачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради (2-3-иловалар).	“Таснифланг” жадвалини тўлдиришади. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.

## “Таснифланг” жадвали


Таснифланг		
1	Касб - ҳунар таълимининг оғзаки методлари.	
2	Касб - ҳунар таълимининг кўргазмалилик методлари.	
3	Касб - ҳунар таълимининг амалий методлари.	

## “Касб таълимининг умумий методлари” жадвалини тўлдириш

Моделларнинг йўналишлари	Моделларни касб таълимининг умумий методлари	Моделларни модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлар

## “Касб-ҳунар таълимини ташкилий шакллари” жадвалини тўлдириш

Моделларнинг йўналишлари	Моделларни касб-ҳунар таълимини ташкилий шакллари ишлаб чиқишга йўналтирилган жиҳатлари	Моделларни амалга оширишни талаб этувчи жиҳатлар



1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - ТДПУ. Тошкент., 2003. - 176 б.
2. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
3. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқудусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.
4. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
5. Голипов Ў.Қ., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов Касбий педагогика. – Тошкент.: 2003. – 88б.
6. Йўлдошев Ғ.Ж., С.А. Усмонов Педагогик технология асослари. – Тошкент., Ўқитувчи. 2004. – 104б.
7. Ҳайдаров Б., Б.Нуридинов ва бошқалар Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – ЎМКХТРИ. Тошкент.: 2002.- 184б.



4-семинар. Мавзу: Касб таълими бўйича дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш  
**Анжуман-семинар таълим технологияси модели**

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – ... та
Ўқув машғулотивнинг шакли	Анжуман-семинар
Ўқув машғулотивнинг тузилиши	1. Анжуман-семинарга кириш. 2. Анжуман-семинарни амалга ошириш тартиби билан таништириш. 3. Маърузалар билан танишиш. 4. Маъруза юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш. 5. Маърузалар юзасидан умумий хулосаларга келиш. 6. Анжуман-семинарни якунлаш.
Ўқув машғулотивнинг мақсади	Касб таълими бўйича дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида маълумот бериш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> 5) анжуман-семинарнинг мақсад ва вазифасини тушунтириш; 2) анжуман-семинарни амалга ошириш тартибини баён этиш; 3) маърузаларни тинглаш жараёнини ташкил этиш; 4) маъруза юзасидан муҳокамалар жараёнини бошқариш; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1) маърузаларни тақдим этишади ва тинглаб боришади; 2) маърузалардаги энг асосий жиҳатларни ажратиб олиб, ўз дафтарларига қайд этадилар; 3) маърузалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишади; 4) маъруза юзасидан муҳокама учун сўзга чиқадиладар; 5) маърузалар юзасидан умумий хулосалар қабул қилишда ўз муносабатларини билдиришади.
<b>Таълим методи</b>	Анжуман-семинар, тушунтириш, суҳбат, мунозара, “Изоҳланг” жадвали
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, индивидуал
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**Анжуман-семинарнинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	1. Маъруза мавзулари, маърузага тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини беради ( <i>1-илова</i> ). 2. Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчиларни аниқлашлаштиришни ташкиллаштиради. 3. Маърузачиларга танланган мавзу бўйича реферат мавзусини батафсил тузиш топшириғини беради, маслаҳат беради.	Маърузачилар мавзунини танлайдилар ва унинг режасини тузадилар. Қолганлари маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар. Маърузачилар реферат ёзишади ва

	<p>4. Барча талабаларга маъруза ва кўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва саволлар тайёрлаб келиш топшириғини беради.</p> <p>5. Маърузачилар билан маъруха қилиш методикасини муҳокама қилади, маъруза мазмунига ўзгартиришлар киритади.</p>	кўрғазмали материаллар тайёрлашади.
<p><b>1-босқич.</b> <b>Ўқув</b> <b>машғулотиغا</b> <b>кириш</b> <b>(Даъват</b> <b>босқичи)</b> <b>(20 минут)</b></p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади.</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш учун диққатни жалб этувчи саволлар беради.</p> <p>1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар,</p> <p>мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p>
<p><b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>(Англаш</b> <b>босқичи)</b> <b>(50 минут)</b></p>	<p>2.1. Талабаларни ўзлари тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини диққат билан кузатади (2-илова).</p> <p>2.2. Тақризчиларга сўзга чиқишни ва саволлар беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб муҳокама қилиш жараёнини ташкил этади: - тақризчиларга ўз фикрларини билдиришларини, кўшимча саволлар беришни таклиф этади; - маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради.</p> <p>2.4. Ҳар бир маърузанинг қисқача умумлаштириш билан якунлайди.</p>	<p>Маърузачилар ўзлари тайёрлаган маълумотларини тақдим этишади.</p> <p>Тақризчилар маърузанинг ижобий ва кучсиз жиҳатларини айтиб беришади.</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мунозарада иштирок этадилар.</p> <p>Мунозара иштирокчилари жамоавий равишда маъруза мазмунини муҳокама қиладилар.</p>
<p><b>3-босқич.</b> <b>Яқуний</b> <b>(Фикрлаш</b> <b>босқичи)</b> <b>(10 минут)</b></p>	<p>3.1. Анжуман-семинар жараёнида олинган маълумотларни гуруҳлаш мақсадида талабаларга “Изоҳланг” жадвалини тўлдиришни сўрайди (1-илова).</p> <p>3.2. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясайди. Анжуман-семинар маърузачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, талабаларнинг мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.</p>	<p>“Изоҳланг” жадвалини тўлдиришади.</p> <p>Тинглайдилар, аниқлаштирадилар ва вазифани ёзиб оладилар.</p>



**Асосий  
адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли Қарори.

2. Авазбоев О.И. Касб таълими методикасидан амалий машғулотлар. Методик қўлланма. -Тошкент: ТДПУ, 2007. 30 б.

3. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил етиш. (Методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006. 52 б.

4. Шарипов Ш. ва б. Касбий педагогика (методик қўлланма). -:ТДПУ, 2006й

5. Шарипов Ш., Абдураимов Ш. Касб таълими методикаси фанидан лаборатория машғулотлари учун методик қўлланма. -Т: ТДПУ, 2007. 147 б.

6. Олимов Қ. Т. Касб таълими услубияти. Ўқув қўлланма. -Т.: 2006. 164 б.

**Мавзуга оид берилган савол топшириқларга жавоб ёзинг!**

Тўғарак бу .....

Экскурсия бу .....

Тўғарак ишларининг режаларини тузиш жараёнида .....

Оммавий тадбирларни ташкил қилишда тадбир режаси ишлаб чиқилади .....

## “Изоҳланг” жадвали

Изоҳланг		
1	Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бўйича ҳисобот ишлари.	
2	Тўғарак ишларининг режаларини тузиш. Тўғарак катнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари.	
3	Оммавий тадбирларни ташкиллаштириш.	
4	Ўқувчилар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмалари.	
5	Ўқувчиларнинг касбий маҳорат танловлари.	

## V. “КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ” ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ ИШЛАНМАСИ

### 1-лаборатория машғулоты: ЧИЛАНГАРЛИК ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**Таълимнинг мақсади:** чилангарлик ўқув устахоналарида ишлашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ўргатиш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** чилангарлик ўқув устахоналарида ишлашда ишларни ташкил этишни мақсади ва вазифаларини англаб етади; чилангарлик ўқув устахоналарида ишлашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мавзусига доир дарс ишланмасини ишлаб чиқади; дарс ишланмаси асосида мавзуни баён этади.

**Ташкилий қисм.** Дарс бошланишидан олдин хона шароитини ва тозалигини текширади, саломлашиб навбатчиларни аниқлаб бўлгач, давоматни аниқлайди.

**Ўтган дарс мавзуси ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш.** Ўтилган мавзу юзасидан берилган жавобларни умумлаштирилиб ва янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар берилади.

**Янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар.** Янги мавзу асосида режа тақдим этилади ва режага асосан тушунтириш ишлари олиб борилади.

**Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қуйидагилардан иборат:**

*Талаба қуйидагиларни билиши керак:* чилангарлик ўқув устахоналарида ишлашда техника хавфсизлиги қоидаларини, меҳнат маданиятини, ишларни амалга оширишда санитария-гигиена талабларини, асбоб-ускуналар билан ишлаш қоидаларини, станокларда ишлашда риоя қилинадиган техника хавфсизлиги қоидаларини.

*Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:* дарс режа ва конспектини тузиш кўникмасига, кўргазмали материаллар тайёрлаш кўникмасига, техник воситалардан фойдалана олиш кўникмасига, бошқарувчилик қобилиятига, таҳлил этиш, таққослаш, тизимлаштириш, умумлаштириш, лойиҳалаш.

*Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:* индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, эвристик, фаолият малакалари.

**Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:** тури – лаборатория; фан ва мазмун жиҳатдан кўлами бир фан бўйича фойдаланилувчи монолойиҳа; талабалар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш тавсифи – бевосита; иштирокчилар сони – индивидуал равишда ёки 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин; бажариш муддати қисқа муддатли – бир, икки кун ичида.

**Лойиҳани бажариш тартиби:** талабаларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, лаборатория машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа натижаси навбатдаги машғулотда амалга оширилади.

**Лойиҳанинг баҳоланиши** – ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган лойиҳа қуйидагича баҳоланади (гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун): талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 2); ҳисобот (макс. балл – 1,5); лойиҳа тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни (макс. балл – 1,5).

#### **Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари**

*Тайёрлов босқичи:* мавзу билан танишиш; адабиётларни таҳлил қилиш, ўқув устахонасидаги машғулотларни кузатиш, дарсларни таҳлил қилиш.

*Лойиҳани бажариш босқичлари:* мазунинг дарс ишланмасини тайёрлаш, мавзунинг маъруза матнини тайёрлаш, кўргазмали қуролларни тайёрлаш, тарқатма материалларни тайёрлаш, презентация слайдларини тайёрлаш.

*Яқуний босқич:* белгиланган мавзуда дарсни ташкил қилиш ва ўтказиш, кўргазмали куруллардан ва слайдларни намойиш қилиш, талабаларнинг амалга оширган ишлари натижаларини баҳолаш.

### **Таълим моделининг қисқача тавсифномаси**

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

*ўқитиш усуллари:* маъруза усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

*ўқитиш шакллари:* оммавий, алоҳида, гуруҳий;

*ўқитиш воситалари:* лойиҳа топшириғи, методик кўрсатмалар, ахборот технологиялари.

**Ўқув лойиҳаси: “Чилангарлик ўқув устахоналарида техника хавфсизлиги қоидалари мавзусини ўқитиш методикаси”.**

### **I. Лойиҳа топшириғи**

**Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо:** чилангарлик ўқув устахоналарида риоя қилиниши лозим бўлган техника хавфсизлиги қоидалари мавзуси бўйича дарс ишланмасини ишлаб чиқиш ва дарсни ташкил этиш.

#### **Муаммо ости муаммолар:**

1. Чилангарлик ўқув устахоналарида ишлашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мавзусига доир дарс ишланмасини ишлаб чиқади;

2. Талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилаяпти?):** талабаларни дарсларни ташкил қилиши ва ўтказиш фаолиятини ривожлантиришни ташкил этиш.

**Лойиҳани амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиҳа маҳсули):** талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари.

**Лойиҳадан фойдаланувчилар:** таълим муассасаси раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар.

#### **Лойиҳа доираси:**

- бажарилиш муддати: бар ҳафта давомида (навбатдаги машғулотда тақдимот қилинади), лойиҳа қисмлари белгиланган график асосида;

- иштирокчилар сони: гуруҳ талабалари 3 та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда индивидуал равишда ёки 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

